

R 566 / 2
2003

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
РАНГЛИ - БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

ТАФАККУР

2/2003



125



Ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун
илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф,
туганмас сабъи, битмас гайрат лозимдур.

Абдулла АВЛОНИЙ

БОШ МУҲАРРИР САҲИФАСИ

J O'z DK

KITOB URMASIN...



“...Нега сиз — ёзувчилар китобдаги ҳаётга ўқувчиларингизни ишонтирдигизлар? Ахир, ҳаёт бошқа, китоб бошқача экан-ку! Сизлар ёзган асарларни ўқиб, ҳаётни китобий тасаввур қилган биз — ўқувчиларнинг гуноҳи нима?”

Ҳаёт бошқа, китоб бир бошқачалиги... рост. Адабиёт, бадий асар ҳаётни акс эттиради деймиз. Буниси ҳам тўғри. Лекин — айнан эмас! Келинг, масаланинг назарий жиҳатларини қўйтурайлигу ҳаётнинг ўзига қайтайлик. Ҳаётнинг мафтункорлиги балки унинг норасолигидадир... Бадий асар аслида ана шуни расо шаклда кўрмоқ орзусидан туғилмайдими? Адабиётнинг сеҳру жозибаси ҳам шунда эмасми? Дейлик, ҳаёт айнан кўз ўнгимиздагидек, бор-буди билан батафсил тасвир этилса, ишонаверинг, ундай асарни ўқиб чиқадиغان одамни тополмайсиз!

Аммо бизга йўлланган мактубдан юқорида келтирилган кўчирма кишини дафъатан сергак торттиради. Дарвоқе, китобга ишониб яшаган одамнинг гуноҳи нима? Китобни “ҳаёт дарслиги” дейдилар-ку. Ҳамонки, унга бу қадар эътиқод қилинар экан, демек, у чиндан ҳам муқаддас ҳодиса. Лекин китобий гоёлару тамойилларга сиғинибгина, “дағал” ҳаёт гирдобига тушиб, ора йўлда қолганларга нима маслаҳат берган маъқул? Китобдаги гаплар бари уйдирма, ишонманг, “мулланинг айтганини қилинг-у, қилганини қилманг” қабалида иш тутмоқ лозим, дебми?

Асло! Одамзодни санъатдан, адабиётдан бу тарафда бездириш, уни идеаллардан жудо қилмоққа уриниш жамият маънавий ҳаётини қашшоқлаштиради, ваҳшиятга йўл очади. Адабиёт, санъат — ҳаёт бўронларида чорасиз қолган инсонга таскин қидирувчи, умид бахш этувчи, эзгуликка даъват қилувчи қудратли куч, доно маслаҳатгўй. Ундан воз кечиб бўладими, айтинг!

Мактуб муаллифи мактабда энг намунали ўқувчи бўлгани, келажакка зўр умидлар билан қараб, китобда ёзилгандек яшамоққа тиришгани, орзулари мўллиги, бутун умр тўғрилиқ, ҳалоллиқ деб юргани-ю, бугунги кунга келиб эса ҳаётда ўрнини тополмай қолганидан шикоят қилади.

Дарҳақиқат, ҳаётда бунақалар ҳам йўқ эмас. Айниқса, давр ўзгаришлари айримларнинг “ҳаловати”ни бузгани, одатий маромдан чиқариб юборгани маълум. Аммо бунинг учун бадий адабиётни, китобни айблаш ўринлими? Сабабни бошқа ёқлардан кидирмоқ лозим эмасмикан? Қолаверса, ҳазрат Навоий аччиқ аралаш айтганларидек, “ипак қуртичалиқ ҳимматинг йўқму?”

Воқеан, китобга, китоб муталоасига рағбат сусайиб кетгани бор гап. Бир варақ китоб кўрмасдан ҳам беҳисоб мол-дунёга эга бўлиш ёнқи шуҳрат таратиб, бахтиёр яшаб ўтиш мумкин экан, қаранг! Китобхонлик у ёқда турсин, ҳатто, зарур келганда, мардикор ёллаб китоб ёздириб кўпроқ урф бўлиб қолгани ҳам сир эмас. Лекин, унутмаслик керакки, ҳар ишнинг оқибати, увол-савоби бор. Агар биз уни-буни важ кўрсатиб азалий сўздан, китобдан шу тарика йироқлашиб бораверсак — ифода танламоқ ўрни эмас, айтаверайлик — бир куни келиб китоб уриши бор...

Китоб урса, ёмон уради.

Эркин



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ-БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА

Абдулла АЪЗАМ

Мухсин АШУРОВ

Ҳалим БОБОЕВ

Хуршид ДАВРОН

Ольга ЖОЛДАСОВА

(бадний муҳаррир)

Нуриддин ЗАЙНИЕВ

Баҳодир ЗОКИР

(масъул котиб)

Нажмиддин КОМИЛ

Султонмурод ОЛИМ

Хайридин СУЛТОН

Нуриелом ТҶУХЛИЕВ

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Абдурахим ЭРКАЕВ

Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси давлат
Матбуот қўмитасида 00124-рақам
билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол,
кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун
муаллифлар жавобгардир.
Журналдан кўчириб босилганда ман-
ба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри,
Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



133-10-68

139-05-19

139-05-29

Журнал андозаси таҳририятнинг
компьютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси басмахонаси. 700029,
Тошкент шаҳри, Буюк Тўран кўчаси, 41-уй.

2003 йил 21 февраль кўни бас-
махонага топширилди. Қанғоз бичими
70х100 1/16, 6 басма тобқ. 4552-
бўғуртма. Нашр адади 5000 нуска.

Журналини Наргиза Иброҳимова
сахифалаган.

Мусаҳҳих. Шаҳ Санам

Ушбу санда Акмал Нур чизган расм-
дан, Мошраб Нуриёбоев ва Мирон Пен-
сон олган суратлардан фойдаланилди.

ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Омонулла МУХАММАДЖОНОВ. Ҳуқуқий тафаккур
маҳсули: парламентчилик тараққиёти4

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Васила КАРИМОВА. Эътиқод ва маърифат —
ижтимоий юксалиш асоси.....10

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Саъдулла ҲАКИМ. Атиргул соясида.....16

Зулфия МҶМИНОВА. Ишқ фасли.....22

СИРЛИ САРҲАДЛАР

Гулистон МАТЁҚУБОВА. Қайтмоқ учун
кетмоқдаман.....26

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ. Ҳақим ота дostonлари.....36

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Исматулла ТҶУХТАРОВ. "Коперникона тўнтариш"
ёхуд Кант кашфиётининг сири.....42

ИНСОН ҲЗИНГ, ИНСОН ҲЗИНГ

Абдулхамид ИСМОИЛ. Икки чол қиссаси.....50

«ТАФАККУР» ТАБАССУМИ

Султонмурод ОЛИМ. Мафқуравий
ҳангомалар.....70

SAHIFALARIDA

САХИФАЛАРИДА



Иммануил Кант

ТАЛҚИН ВА ТАДКИКОТЛАР

- Тўра НОРБОВЕВ. Жамиятда қадриятлар уйғунлиги.....78
- Абдуғаффор ҚИРФИЗБОВЕВ. Замон руҳига мос.....79
- Муқаррам НУРМАТОВА. Комиллик шартлари80
- Маърифат АҲМЕДОВА. Бир муҳаббат достони.....81
- Турғунбой ЭГАМБЕРДИЕВА. Жамиятимизнинг нафис гуллари.....82
- Саида ЖЎРАЕВА. Тараққиёт ва аёллар ҳуқуқи.....83
- Нурали НАЗАРОВ. Экологик тарбия.....84
- Сабоҳат ЎРУНОВА. Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт!86
- Дилшода СУЛТОНОВА. Тириклик тимсоли.....87
- Садри САЪДИЕВ. Ихтилофдан — ихтилотга88
- Шокир ҒАФФОРОВ. Шўролар чоризмнинг давомчиси эдими?90
- Ғулломжон БОҚИЕВ. "Айиқ пули".....91
- Сайфиддин РАФИЪУДДИН, Нодирхон ҲАСАН. Муршидлар силсиласи.....92
- Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....95

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ



HUQUQIY TAFAKKUR MAHSULI:

PARLAMENTCHILIK TARAQQIYOTI



Инсоният ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули ҳисобланган, жамиятнинг умуммиллий вакиллик муассасаси сифатида дунёга келган парламентнинг дастлабки кўринишлари XII-XIII асрларда шаклланган инглиз парламенти ва испан кортеслари тарихи билан боғлиқ.

Ўзига хос бой ва бетакрор сиёсат ҳамда давлатчилик анъаналарига эга бўлган Шарқ мамлакатлари бошқарув тизимида ҳам парламентчилик тузилмалари (қурултой, кенгаш каби) бўлган. Салтанат соҳиблари шариат, фиқҳ илми билимдонлари, тарихчилар, қалам аҳли ва олимларни сарой қошидаги кенгашга жалб этган. Улар "сарой хизматчилари" ёки "сарой мулозимлари" деб аталган. Масалан, Амир Темур бундай кенгаш аъзоларини махсус фармон асосида ўн икки табақа вакилларидан тайинлаган. Соҳибқирон "Тузуқлари"да ҳар бир ишни ана шу кенгаш маслаҳатига асосан юритгани ва ворисларига ҳам шунга қатъий амал қилишни тайинлагани ҳақида ёзади.

Бир сўз билан айтганда, дунё парламентчилиги асрлар мобайнида узок тараққиёт йўлини босиб ўтган. Аммо замонавий шаклдаги парламентнинг кенг ёйилиши 1789 йилги француз инқилоби ҳамда АҚШнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари билан боғлиқ. Унинг шаклланишидаги биринчи босқич айна ўша даврдан бошланиб, Биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу давр парламентлари буржуазия вакилларида таркиб топиб, асосан уларнинг манфаатларини ифодалаган. XX асрнинг 20-50-йилларида парламентчиликнинг мавқеи ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрни бирмунча сусайган.

Лекин шу асрнинг 60-йилларига келиб бу борада яна юксалиш даври бошланди ва мазкур жараён бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Парламентлар такомиллашгани сайин янги-янги ваколатларни ўзлаштириб, аксарият ривожланган мамлакатлар давлат бошқаруви тизимининг асосий орган-

ларидан бирига айланди. Парламентларнинг қайта фаоллашиш жараёнида аёлларнинг ҳам сайлаш ҳуқуқига эга бўлиши сайловчилар таркибининг кескин ортиши, кўпгина чеклашларнинг бартараф этилишига олиб келди. Буларнинг натижасида парламент чинакам халқ ҳокимияти органига айланди, сайловлар эркин, бевосита, тенг ҳуқуқли асосда ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган бўлди, сайлов тизими, парламент тузилиши ҳамда унинг иш тартиби такомиллашди. Парламентлар ишида малакали мутахассисларнинг қатнашиши уларнинг обрўсини янада оширди.

Парламентчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи қонун чиқарувчи бу органнинг таркибий тузилиши, яъни унинг бир палатали ёки икки палатали бўлиши ҳақидаги масала кўп йиллар жиддий мунозарага сабаб бўлиб келганини кўрсатади. Бундай мунозаралар том маънодаги вакиллик ҳокимиятини шакллантириш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш борасида ислохотларни амалга ошираётган мамлакатларда ҳозиргача кузатилади. Чунки парламентнинг тузилиши унинг ўз ижтимоий вазифасини самарали амалга оширишида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, парламент фаолиятининг қайси бир шакли вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда кўпроқ самара беради?

Ўтмишда бир қатор олимлар икки палатали парламент конституциявий ва ҳуқуқий давлат тамойилларига, халқ вакиллиги ғоясига мос келишини таъкидлаган эди. Бундай қарашларнинг кенг тарқалишида Англия парламентчилиги айниқса бекиёс аҳамиятга эга бўлди. Нафсиламарини айтганда, Англия парламентчилиги ватани ҳисобланади. Шу боис бу мамлакат парламенти дунёда, энг аввало, Европада парламентчилик ғояси тарқалишида муҳим аҳамият касб этди. Анг-

лия парламента кўйи палатаси XIV асрдаёқ лордлар палатасидан ажралиб чиқиб, том маънода халқнинг вакиллик мақомини олди.

Кўпгина мамлакатлар бошқарувнинг парламент шаклига ўтар экан, Англия парламенти тузилмасини намуна сифатида қабул қилди. Бунда икки палатали парламент вакиллик ҳокимиятининг энг муҳим белгиси бўлиб қолди. Аммо парламентчилик амалиёти шуни кўрсатдики, вакиллик ҳокимиятини фақат икки палатали парламент билан боғлаб қўйиш мумкин эмас экан. Асосий мунозара қайси давлатларда (федеративми, унитарми), қандай шароитда, қайси омилларни ҳисобга олган ҳолда бир палатали ёки икки палатали парламенти шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги устида борган.

Баъзи олимлар ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниш тамойилларига асосланиб, давлат ҳокимиятини фақат икки палатали парламент асосида самарали бошқариш мумкин деб ҳисоблайди.

Масалага бундай ёндашув илк бор Монтескье томонидан асослаб берилди ва у икки палатали парламентнинг Англия модели кенг тарқалишида катта роль ўйнади. Файласуфнинг фикрига кўра, ҳар қандай конституциявий монархияда қонун чиқарувчи ҳокимият мақоми ҳар бири алоҳида мажлис ўтказадиган икки палатали парламент ихтиёрига берилиши керак. Биринчи палата халқ вакиллари мажлиси, иккинчи палата эса аслзодалар мажлисидан иборат бўлмоғи лозим. Монтескье ўша



пайтда Англияда ҳукм сурган шарт-шароитни таҳлил этиб шундай деган эди: қонун чиқарувчи ҳокимият икки тармоқдан иборат бўлади. Бу тармоқлар бир-бирини ўзларига тегишли қарорни бекор қилишдан тийиб туради. Француз файласуфи таъкидлагандек, икки палатали парламентнинг афзаллиги шундаки, бундай тузилмада чуқур ўйланмаган қарор қабул қилишнинг олдини олиш имконияти мавжуд. Машҳур инглиз файласуфи ва ҳуқуқшуноси Иеремия Бентам 1815 йилда ёзган “Қонунчилик мажлислари тактикаси” асариди ана шу нуқтаи назарни ёқлаб чиққан эди.

Монтескье юқори палатани эркин сайлов орқали эмас, балки энг машҳур шахслар ичидан танлаб олиш асосида шакллантириш зарур деб ҳисоблайди. У аслзодалар палатаси бўлган

тақдирдагина самара бериши мумкинлигини таъкидлайди.

Ҳозирги замон олимларининг фикрига кўра, икки палатали парламент аҳолининг барча қатламлари манфаатларини акс эттира олгани учун бир палатали парламентга нисбатан афзалдир. Бинобарин, бундай парламент қабул қилган қонун ва қарорлар барча ижтимоий қатлам ва гуруҳлар фаровонлиги йўлида хизмат қилади.

Маълумки, ҳозирги замон жамиятлари орзу-интилишлари, манфаат ва муаммолари турлича бўлган, аҳолининг ҳар хил тоифаларини қамраб олган мураккаб ижтимоий организмдан иборат. Хилма-хил ижтимоий манфаатларни тўлиқ ва аниқ ифодалашга қаратилган икки палатали парламент бундай шароитда, шубҳасиз, асосий вазифасини самарали амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Бундай имконият туфайли бутун жамият, унинг барча тоифалари манфаатларини мужассам этадиган қонунлар қабул қилиш ҳам мумкин бўлади.

Хорижий мамлакатлар парламентчилиқ тажрибаси

Бугунги кунда дунё мамлакатлари парламентлари тузилиши, ваколатлари доираси, ижтимоий таркиби, мамлакат сиёсий тизимида тутган ўрни ва мавқеи, номланиши, депутатларининг сони билан бир-бирдан фарқ қилади. Гарчи улар турли хусусиятларига кўра ҳар хил бўлса-да, аммо давлат идора усулида бажарадиган муҳим ижтимоий вазифаси — қонун чиқарувчилик функцияси нуқтаи назаридан муштарак жиҳатларга ҳам эга. Парламентлар одатда бир палатали ёки икки палатали бўлади. Бироқ айрим мамлакатларда кўп палатали парламентлар ҳам бўлган. Масалан, Жанубий Африка Республикаси парламенти илгари уч палатадан (ирқий тамойилга кўра), Югославия парламенти эса олти палатадан (касбий тамойилга кўра) таркиб топган эди. Албат-



та, бу каби ҳолатлар жуда кам учрайди. Қолаверса, вақт ўтиши билан кўп палатали парламентларнинг унча самарали эмаслиги кўриниб қолди ва уларнинг ўрнини бир палатали ва икки палатали парламентлар эгаллади.

Бир палатали (монокамерали) парламент худуди кичик, аҳолиси кўп бўлмаган Швеция, Португалия, Латвия, Литва, Эстония, Греция, Венгрия, Болгария, Словакия каби унитар давлатларда фаолият юритади.

Тузилиши жиҳатдан содда ва ихчамлиги, тўғридан-тўғри сайловлар асосида шакллантирилиши, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид масалаларни ечишда катта ваколатларга эга бўлиши, баъзи ҳолларда парламент олдида ҳисоб берувчи президент ҳамда ҳукуматни сайлаши, барча депутатларнинг тенг ҳуқуқли экани, қарор ва қонунлар бирмунча соддароқ кўринишда ишлаб чиқилиб, тезроқ қабул қилиниши бир палатали парламентларнинг афзалликларидан ҳисобланади.

Шу билан бирга, бир палатали парламентнинг айрим ноқулайликлари ҳам йўқ эмас. Аввало, давлатнинг турли ҳудудлари манфаатларини бирдек акс эттира олмаслиги парламентнинг радикаллашуви, партиявий яккахокимлик таъминининг кучайиши, бошқа ҳокимият тармоқларига қарши туриб, бошқарув соҳасидаги барча вазифаларни ўз зиммасига олиши мумкинлиги шулар жумласидандир.

Икки палатали (бикамерали) парламентлар асосан мураккаб тузилишга эга бўлган федератив давлатларда шакллантирилади. Одатда федератив давлатларнинг юқори палаталари ҳудудий субъектлардан сайланган вакиллардан таркиб топади. Баъзилар бундай парламент унитар, яъни марказлашган давлатлар учун мос эмас, деган фикрни ёқлайди. Бироқ ҳозирги пайтда аксинча бўлиб, икки палатали парламентлар сони унитар давлатлар ҳисо-

бига ортиб бормоқда. Бугунги кунда дунёнинг етмиш мамлакатида икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. Бунга Франция, Ирландия, Испания, Италия, Япония, Малайзия каби давлатларни мисол келтириш мумкин. Бундай парламентларнинг юқори палаталари кўпинча Сенат деб юритилади. Баъзи давлатларда эса Федерал Кенгаш (Австрия), Бундестрат (Германия), Штатлар Кенгаши (Ҳиндистон) деб бошқача аталади. Икки палатали парламент Марказий Осиёнинг бир қатор давлатлари, жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам мавжуд. Икки палатали парламентнинг афзалликлари бир талай. Жумладан, бундай парламент фаолиятида жамиятнинг турли қатламлари доираси кенгрок қамраб олинади, ҳудудлар манфаати тўлиқ акс этади. Одатда юқори палата депутатларига қуйи палата депутатларига нисбатан юксакроқ талаб қўйилади. Шунинг учун юқори палата таркибида малакаси юқори, тажрибаси кўп, ёши ва ҳурмати улуғ кишилар бўлади. Бу палата ўз фаолияти орқали қуйи палатани мувозанатга солиб туради, у қабул қилган қонун ва қарорларни тақомиллаштиради, баҳс-мунозаралар чоғида беҳуда эҳтиросларга берилмайди, кўрилаётган масалаларни давлат манфаатлари фойдасига ҳал қилишга интилади, қуйи палата радикаллашувининг олдини олади.

Бундан ташқари, профессионал парламент афзаллиги сиёсий партияларнинг ўзаро рақобати, аҳоли турли қатламларининг қонунчилик жараёнида фаол иштирок этишида ҳам намоён бўлади. Икки палатали парламент қуйи палатани профессионал асосда шакллантиришга имкон беради. Шу тариқа депутатларнинг махсус билим ва малакага эга бўлиши, сиёсий-ижтимоий жараёнлардан яхши хабардорлиги ҳамда маҳорати улар тайёрлаётган қонун лойиҳалари сифатига ижобий таъсир этади.

Ўзбекистонда парламент ислоҳоти

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўз тараққиёт йўлини танлаб, демократик ривожланиш сари қадам қўйди. Ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш, шахс ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш истиқлол йўлидаги муҳим ва асосий вазифага айланди.

Бу вазифаларни бажариш учун мустақил тузумдан мерос қолган ҳокимият ва бошқарув идораларини янгитдан шакллантириш, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти мустақиллигига эришиш зарур эди.

Маълумки, демократик давлатларда ҳокимиятнинг муҳим бўғини қонун чиқарувчи ҳокимият саналади. У ўзининг мустақиллиги, автономлиги, ижро ҳокимияти устидан назорат қила олиши билан ажралиб туради. Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришганидан кейингина мустақил қонун чиқарувчи ҳокимиятини ташкил этиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимизда аввало қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқий асослари яратилди, унинг вазифа ва ваколатлари ҳамда қонун ижодкорлиги, парламентлараро алоқалар, ижро ҳокимиятини назорат этиш, фуқаролар мурожатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият йўналишлари белгиланди.

Бугунги кунда парламентнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаларни ҳал этиш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бориши, унинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, фаолият самардорлигини ошириш, юртимизда парламент демократиясини ривожлантириш, бу ҳокимият тармоғининг назорат этиш функциясини кучайтириш, кенг жамоатчиликни қонунчилик жараёнига кенг жалб қилиш заруратини юзага келтирди. Бир палатали парламент сифа-

тида фаолият бошлаган Олий Мажлис, шубҳасиз, қонунчилик, давлат бошқаруви соҳасидаги фаолияти, ўтиш даврига хос муаммоларни ҳал этиш жараёнида салмоқли тажрибага эга бўлди. Ватанимиз парламенти қабул қилган қонунлар мажмуи ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини демократлаштиришнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этди. Шу билан бирга, Олий Мажлис фаолияти даврида юртимизда яқин истиқболда ўз ечимини қутаётган масалалар кўлами ҳам белгилаб олинди.

Президент Ислам Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ иккинчи сессиясидаги нутқда мамлакат парламенти фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш ҳамда унинг касбий маҳоратини кучайтириш масаласига эътибор қаратиб бундай деган эди: "Ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан бизнинг парламентаризмнинг ташкил этилишида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизмига ўтиш таклифини киритмоқчиман".

Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида эса мазкур масала бўйича умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ана шу қарорга асосан 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда икки палатали парламентни жорий этиш масаласи қўллаб-қувватланди. Икки палатали парламентни шакллантиришда Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 27 январдаги референдуми яқунлари бўйича қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарори ва "Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Парламентнинг 2002 йил декабрдаги X сессиясида эса "Ўзбекистон Республикаси



Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Мазкур қонунларга мувофиқ Олий Мажлис юқори палата — Сенат ва қуйи палата — Қонунчилик палатасидан иборат бўлади. Қонунчилик палатасига кўппартиявийлик асосида 120 депутат сайланади. Сенат эса ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, у Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда, яъни олти кишидан сайланадиган Сенат аъзолари — сенаторлардан таркиб топади. Сенаторларнинг умумий сони 100 нафар бўлиб, улардан 16 тасини Ўзбекистон Президенти тайинлайди. Қонунчилик палатаси депутатлари эса фуқаролар томонидан қонунга мувофиқ умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Шунингдек, ушбу қонунларда ҳар бир палатанинг ваколати, уларнинг ту-

зилмаси ва ўзаро алоқалари, келишилган тадбирларни, қонун лойиҳалари муҳокамаларини ўтказиш тартиби, палаталарнинг давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан алоқасини йўлга қўйиш ва бошқа масалалар аниқ белгилаб қўйилган.

Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши ҳокимиятнинг асосий манбаи ҳисобланган халқ вакиллигини тўлиқ рўёбга чиқариш усул-усулларини такомиллаштириш, демократия тамойилларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қонунларни икки палатали парламентда ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш сайловчилар манфаати ва эҳтиёжларига тўлиқ мос келади. Чунки бу жараён амалдаги Конституция доирасида турли ҳуқуқий ғоя ва ташаббуслар билан парламентда плюрализм ва эркин рақобат муҳитини қарор топтириш имконини беради. Бунинг натижасида фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида яна бир муҳим қадам ташланган бўлади.



E'TIQOD VA MA'RIFAT — IJTIMOIY YUKSALISH ASOSI

Маърифатли инсонгина демократ бўлиши мумкин.

Ислом КАРИМОВ

Қадимги ривоятларда айтилишча, Арасту ўз шогирдларига қарата бундай деган экан: “Иззат тиласанг, ифбатли бўл, улуглик тиласанг, мулойим бўл, зафар тиласанг, адолат йўлини тут, қадр тиласанг, ростгўй бўл, нажот тиласанг, сабр эт, илм ўрганмоқчи бўлсанг, жидду жаҳд қил”. Бу улуг фазилатларга эришмоқ учун инсон аввало мустаҳкам эътиқодли ва собит иймонли бўлиши зарур.

Эътиқодсиз ахлоқ бўлиши мумкин эмас. Бу оддий ҳақиқатни буюк немис файласуфи Иммануил Кант шундай таърифлаган: “Агар худо бўлмаса, барча нарсага эрк берилади”. Кант бу ўринда жаҳолат ҳукмронлик қилган ўрта асрлардаги бошбошдоқлик, тартибсизлик, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари бошдан кечирган маънавиятсизликни назарда тутиб, бундай офатдан сақланиш учун ҳар бир инсон иймон-эътиқодли бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди. Алломанинг таълим беришича, бу дунёда олим ва фозил зотларнинг диққатига муносиб фақат икки ҳодиса бор. Булар — юлдузли самою қалбимиздаги маънавий қонуниятлар. Кант ўзининг содда, лекин доноларча айтган фикридан яна бир муҳим хулоса чиқарган ҳолда шундай дейди: “Ўзгалар билан муомалада уларнинг сенга қандай муносабатда бўлишини хоҳласанг, ўзинг ҳам шундай йўл тут”.

Буюк файласуфнинг бу фикрларини келтиришдан мақсад юртимизда озод ва обод Ватан, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида

маънавий-ахлоқий тамойиллар муҳим ўрин тутишини таъкидлаш эди. Дарҳақиқат, инсоният тараққиёти ҳам, жамият ривожини ҳам маълум бир маънавий қонуниятлар, ахлоқий меъёрларга асосланади. Инсон ва жамият муқаддас деб билган ахлоқий тамойиллар одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларнинг ҳаётига маъно-мазмун бахш этиш, уларни ягона халқ, ягона миллат қилиб бирлаштиришда беқиёс аҳамият касб этади. Айнан ахлоқ туфайли ҳар бир шахс жамият аъзоси эканини, фақат ўзини ўйламай, ўзгаларнинг хоҳиш-истакларини ҳам инobatга олиб яшаш шартлигини чуқур ҳис этади.

Бинобарин, бугун биз барпо этаётган янги жамият кишиларининг ўзига ўхшаш фуқаролар билан бўладиган муносабатлари юксак ахлоқий тамойиллар асосига қурилса, кўзлаган мақсадларимизга шунча тез етамиз.



Эътиқод ва маърифат

Инсоннинг юксак эътиқод ва маърифат эгаси бўлиши, унинг ҳар бир воқеа-ҳодисага теран илмий асосда ёндашиши фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир. Президентимиз Ислоҳ Каримов "Фақат маърифатли инсонгина демократик жамиятда яшаш мумкин", деб таъкидлаганида ана шу ҳақиқатни назарда тутгани шубҳасиз. Содда қилиб айтганда, эркин жамият аъзолари энг аввало маърифатли ва маънавиятли инсонлар бўлиши лозим. Шу ўринда бу иккала қадрият — маърифат ва маънавиятнинг ўзаро мутаносиблиги қандай бўлиши керак, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга жавоб топиш учун яна тарихга, дунё олимларининг илмий меросига мурожаат қиламиз.

Аксарият олимларнинг фикрича, кўплаб давлатлар демократия нимадигани, унинг имтиёз ва имкониятларини англагани сари тарғибот ва ташвиқот ишларига эътиборни кучайтирган. Бу борада америкалик олим Аронсоннинг мулоҳазалари диққатга сазовор. У шундай дейди: "Тарғиботлар даврида демократиянинг яшовчанлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири — коммуникаторлар, яъни фикрларни бошқаларга етказувчилардир. Улар электорат — тарафдорларнинг маълумотлилиги ҳамда кўп нарсани билишини инobatга олиб, ўз ғояларини аниқ ва раvon тилда, ҳақгўйлик шиори остида етказсагина айtilган ҳар бир сўз, ғоя таъсирчан бўлади".

Тарғибот билан эътиқод ўртасида бирон бир алоқа борми, деган саволга олимлар қуйидагича жавоб беради: ҳар қандай эътиқод ҳам тарғибот маҳсули эмас, лекин ҳар қандай тарғиботдан кўзланган мақсад — эътиқодга таъсир кўрсатишдир.

Бу масалага ҳатто қадим Юнонистонда ҳам катта эътибор берилган. Масалан, Арасту "Риторика" асарида устози Афлотун ва софистларнинг одамларга таъсир кўрсатиш маҳорати хусусидаги фикрларини баён этган. Унинг фикрича, инсон эътиқодини шакллантиришдан кўзланган асл мақсад — нуқтаи назар ёки муносабатни аниқ билдира олишдир. Со-

фистлар эътиқодини фақат муайян бир далилларга эга бўлиш ва уларнинг борлигини исботлаш билан боғлаган. Арасту эса далилларга ёки билимга эга бўлиш билан эътиқодли бўлиш ўртасидаги фарқни кўрсатиб, билимга ақл ва мантиқ орқали ҳам эришиш мумкин, дейди. Лекин билимга эга бўлиш осон эмас. Ҳаётда шундай одамлар борки, уларга бирор нарсани уқтириш, қалби ёки онгига етказиш учун аввало уларнинг эътиқодига таъсир ўтказиш лозим бўлади. Римлик буюк нотик Цицерон “Сўз ила таъсир кўрсатиш инсонга зиён етказиб қўймасмикан?” деган саволга қуйидагича жавоб берган: “Донишмандлик нотиклик маҳоратидан холи бўлса, давлатга кам фойда келтиради, лекин инсон нотик бўлса-ю, донишмандликдан бебаҳра бўлса, ундан ҳеч қандай наф йўқ, фақат зиён етади”.

Яъни, одам жуда ақлли, кўп билимга эга бўлиб, билган нарсасини нотиклик маҳорати билан гўзал сўзлар воситасида баён этолмаса-да, ундан жамиятга маълум маънода наф тегади. Лекин одам сўзга чечан ва кучли нотик бўлаётуриб, илми саёз нодон бўлса, ундан жамиятга кўпроқ зиён етади. Бунга ҳаётда мисоллар кўп. Масалан, Фарбда ўз вақтида шовшувга сабаб бўлган мунизм фақат ҳавойи сўзлар билан одамлар эътиборини қозонмоқчи бўлган. Бугунги кунда эса ислом оламида ваҳҳобийлик каби ақидапарастлик оқимларининг асл исломий ғояларга зид ақидаларни тарғиб этиши ҳам донишмандликсиз амалга оширилаётган воизликдан бошқа нарса эмас.

Бундан чиқадиган мантиқий хулоса шундан иборатки, катталар тарбия жараёнида болаларда эътиқод асосларини шакллантирар экан, аввало ўзлари билган ва кўрган-кечирганларини аниқ ва раvon тилда, уларнинг тасаввури қабул қила оладиган тимсоллар воситасида тушунтира олиши лозим. Энг муҳими, ота-она бирон нарса ҳақида гапираётганда чин дилдан, астойдил сўзлаши керак, токи айтаётганига уларнинг ўзи ҳам қаттиқ ишониши, эътиқод қилиши маълум бўлсин. Агар ота-она билган ва кўрган-кечирганларини — бутун ижобий тажрибасини кундалик хатти-ҳаракати, муомала, феъл-атвори орқали болага сингдира олмаса, шунчаки тақлид объектига айланиб қолиши мумкин. Тўғри, агар катталарнинг хулқи ижобий бўлса, бола уларга тақлид қилиб ҳам фойдали кўникмаларни орттириши мумкин. Аммо катталар болани ўзи амал қилмайдиган ҳаракатларга ундаса ёки уларга ўзининг ақли етмаган нарса хусусида чалкаш, нотўғри фикрларни айтса, улар шунчаки лақма нотикқа айланиб қолади. Бундай муносабат мурғак бола тасаввурида охир-оқибатда, ижтимоий психология фани атамаси билан айтганда, когнитив диссонанс ҳолатини келтириб чиқаради. Бундай ҳолатни тили бошқа-ю, дили бошқалик, муллани айтганини қилгин-у, қилганини қилма қабалида иш тутиш, дея таърифлаш мумкин.

Фуқаролик жамияти аъзосининг психологияси қандай бўлади?

Фуқаролик жамиятидаги муносабатлар алоҳида олинган индивид психологиясига монанд ривожланади. Дейлик, индивид, яъни инсон дунёга келгач, ҳаётининг дастлабки даврларида (илк чақалоқлик, гўдаклик даврлари) ўзини ўзгалардан фарқли деб билмайди. Яъни, бу даврда у ўзини

ота-онаси, оила аъзолари билан бир бутун, яхлит вужуд сифатида ҳис этади ва “биз” психологияси билан яшайди. Унинг тили чиқиб, “мен” деган сўзни айтишни ўрганиши билан вужудида шахсий мустақилликка интилиш майллари уйғонади. У энди ўзининг кимлигини, ўзгалардан фарқли ёки умумий хусусиятларини тушуна бошлайди. Бу жараён бир неча йиллар давом этиб, ўсмирликнинг дастлабки даврларида унинг “мен”и нуқтаи назаридан ўзгаларга эътибор бериши кучаяди, бунда у энди ўзига тенгдош, фикрдош, ҳамдард бир муҳитни кўмсаб қолади. Унинг шахс сифатидаги кейинги такомили ана шу муҳитнинг унга қанчалик яқинлиги, уни ўз бағрига қабул қилишига боғлиқ бўлади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида ҳам айнан шу қонуниятга ўхшаш жараён мавжуд. Ҳар бир фуқаро ўзини, она тили, оиласи, миллий қадриятлари, уни ўраб турган атроф-муҳитни билгани сари уларга меҳр кўя бошлайди. Одатда шахсий манфаатдорликнинг ижтимоий манфаатдорлик билан уйғунлашуви шахс ўзлигининг миллий ўзликка боғланиши тарзида кечади. Яъни, миллий ўзликни англаш, унга алоқадор қадриятларни билиш муайян шарт-шароитда — оила, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти ва меҳнат жамоасида рўй беради. Лекин фуқаролик жамиятига хос муносабатларга кўникиш, уларнинг ўз манфаатларига мос эканини англаш ўз-ўзидан бўлмайди. Агар жамиятдаги алоҳида бир ижтимоий гуруҳ, айниқса, ёшларни назарда тутсақ, бу жараён турли тарғибот-ташвиқот ишлари орқали амалга оширилади. Тарғиботчилик амалиётида бу ишларнинг илмий, оммавий ва амалий кўринишлари фарқланади.

Илмий тарғибот асосан жамият ва давлат ривожининг илмий асосларини замонавий, жумладан, халқаро тараққиёт анъаналарига боғлаб тушунтиришни назарда тутади. Бу иш ўқув-тарбия муассасаларида амалга оширилади. Кенг омма учун эса у илмий-оммабоп тарзда, тингловчиларнинг ёши, жинси ва сиёсий қизиқишларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Яъни, бу борадаги маърифий тарғибот қуруқ сафсата ёки назарийлаштирилган гоёлар йиғиндиси эмас, балки ҳаётимиз, фаолиятимиз, маиший турмуш тарзимиз қонуниятлари билан боғлиқ, илмий асосланган ўқув жараёнидир.

Оммавий ташвиқот фуқаролар онгига бевосита таъсир кўрсатиш учун амалга оширилади. Бунда психологик таъсирчанликнинг энг оммабоп усуллари — образли фикрлаш, кўргазмали қуруқ ва визуал воситалардан фойдаланилади. Бу ишлар асосан маънавий-маърифий тарбия, профессионал таълим (касб-хунарга оид махсус фанларни ўқитиш), оммавий ахборот воситалари, ижтимоий реклама (халқ хўжалигида эришилган ютуқлар кўргазмаси, монументал тарғибот, музейлар, халқаро ютуқлар), ишлаб чиқаришдаги юксак натижалар, маданий-маърифий ишлар, байрамлар, оммавий мулоқот каби усуллар орқали амалга оширилади. Бу оммавий таъсир воситалари одамларнинг қизиқиш ва мақсад-муддаоларининг ўзгаришига мос тарзда янгилашиб, такомиллашиб боради.

Бу ўринда бўлғуси фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантирувчи тарбия жараёнига айниқса катта аҳамият бериш керак. Агар сиёсий тузум барқарор бўлса, бир авлод фуқароси ўзидан кейинги авлодга шу жамиятга хос асосий муносабат ва қадриятларни етказиши лозим.

Бундай шароитда уларда қонунларга нисбатан ҳурмат ва итоаткорлик ҳиссини ошириш борасидаги тажриба оила ёки таълим орқали ўз-ўзидан, табиий тарзда узлуксиз рўй бераверади.

Демак, амалдаги қонунларнинг мукамал ва пухта бўлиши, жамият ҳаётида юз бериши мумкин бўлган беқарор ва мураккаб вазиятларда ҳам уларга таяниб иш кўриш фуқаролик тарбиясида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бундай қонунчилик ҳукмрон бўлган жамиятда бир авлод манфаатига тўғри келган нормалар кейинги авлод томонидан ҳеч иккиланмай қабул қилиниши мумкин. Демак, сиёсий тизимнинг легитим ва барқарор бўлиши фуқаролик жамияти аъзоларининг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онини шакллантиришдаги муҳим омилдир.

Фуқаролик жамиятининг дастлабки ижтимоий институти оиладир. Чунки оила бундай жамиятга хос асосий хусусият ва тамойилларни ўзида мужассам этади. Миллий қадриятлар асоси бўлган ахлоқ-одоб, юриш-туриш, меҳнат меъёрлари айнан оилада сингдирилади.

Давлат ва ҳокимиятга муҳаббат, обрў-эътибор — авторитет тўғрисидаги сиёсий онга алоқадор тушунчалар, сиёсий маданият ва ҳулқ-атвор асослари ҳам оилада шакллантирилади. Бир қарашда оддий ҳол бўлиб туюладиган эр ва хотиннинг никоҳга муносабати, унинг қадрланиши боланинг ёшлиқданоқ оилани, ундаги бурч ва масъулиятни теран тушуниб боришига сабаб бўлади. Бундан ташқари, умумхалқ референдумлари, сайловлар, сайловолди жараёнларида ота-онанинг фаол ва онгли иштироки, уларга бўлган муносабати фарзандлар учун ўзига хос сиёсий мактаб вазифасини ўтайди. Буни тушунган ота-она сайлов участкаларига фарзандлари билан бирга боради. Бу эса боланинг мурғак қалбида жамият сиёсий ҳаётининг тенг ҳуқуқли иширокчиси бўлишга ҳавас уйғотади, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялайди. Бундай болалар ўша кунларга етишни интиқлик билан кутиб яшайди. Ёки бўлмаса, баъзи оилаларда тоқчаларнинг юқори қисмига Куръони карим қўйиб қўйилган бўлади. Бу — яхши, албатта. Оилада муқаддас ислом динига эътиқод, Оллоҳни ҳамиша қалбида сақлаш, гуноҳ ишлардан тийилиш, савоб ишларни кўпроқ қилиш каби амалларни эгаллашда бунинг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Лекин Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам ҳар бир оилада, китоб жавонларининг тўрида, чиройли жилдларда айни шу тарзда сақланса, нур устига нур бўларди. Оила аъзолари вақти-вақти билан уни варақлаб, ўзининг фуқаро сифатидаги барча ҳуқуқ ва бурчлари унда мужассам эканини ҳис этиб, тегишли моддаларнинг маъносини тушуниб борса, болаларда ёшлиқданоқ қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий тафаккур шакллана бошлайди. Қисқаси, оила жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ўзгаришларнинг маъно-моҳияти фуқаро онгига сингиб борадиган муқаддас даргоҳдир. Шу боис юртимизда оила мустақамлиги, унинг жамият ҳаётидаги нуфузини оширишга катта эътибор берилмоқда.

Оилада бошланган бундай тарбиявий жараён кейинчалик таълим муассасаларида давом этади. Бу босқичда гуманитар таълим ва шахс тарбияси асосида сиёсий маданият тамойиллари (сиёсий партияларга муносабатдан тортиб, сайловлар жараёнида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, фаол иштирок этишгача) изчил ўргатиб борилади. Бу жараён мафкуравий тарбия билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Эркин жамиятда инсонда ёшлиқданоқ фуқаролик онги ва ўз-ўзини англаш туйғусини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик онги — ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, у ҳар бир шахснинг ўзини муайян бир жамият аъзоси сифатида идрок этиши, бошқа инсонлар, айниқса яқин қариндошлари, ёр-дўстлари, ватани ва халқи манфаатлари билан ўз манфаатини уйғунлаштира олиш қобилиятидир.

Америкалик сиёсатшуно Р. Ароннинг таъкидлашича, том маънода демократик жамият билан давлат ўртасида аниқ дифференция бўлиши керак. Маълумки, собиқ социалистик тузумда бундай дифференция бўлмаган, чунки у тизим фуқаролик жамияти эмас эди. У номигагина умумхалқ давлати бўлиб, аслида унинг таркибида халқ давлатга қоришиб кетган, жамият ўз мустақиллигини йўқотган эди. Жамиятда элита — “оқ суяклар” қатлами ҳосил бўлган, жамият ҳам, давлат ҳам фақат уларнинг манфаати учун хизмат қилган.

Фуқаролик жамиятида инсон мамлакат сиёсий ҳаётида шунчаки расмиятчилик учун қатнашмайди. Аксинча, у жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, ватани, халқи ва оиласи манфаатларини кўзлаб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга онгли тарзда ўз муносабатини билдиради.

Аслида жамият манфаатлари кенг қамровли бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг турфа қизиқиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқади. Фуқаро ҳақ-хуқуқларининг кўплиги ва хилма-хиллиги ҳам шунга асосланади. Буни бугунги ҳаётимиздаги битта мисолда яққол кўришимиз мумкин. Юртимизда маҳаллаларга эътибор кучайиб, унинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатидаги ҳуқуқи ортгани сари одамлар орасида маҳалланинг обрўйи ошди, “маҳалланинг иши кўп” каби гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Бундай қизиқишларнинг сабаби — жамият манфаатлари билан фуқаро ва унинг оиласи манфаатлари кесишган жой — маҳалла эканидир. Маҳаллада фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларидан тортиб, ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий манфаати ҳам уйғунлашади. Шу боис кундалик ҳаётдаги кўпгина муаммоларнинг ечими маҳалладан изланади.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон шароитида барча фуқаролар — маҳалла аъзоларидир. Шу маънода, эътиқод ва маърифат тарбиясида оила билан бир қаторда маҳалла ҳам муҳим ўрин тутади. Халқимиз ҳам бежиз “Маҳалла — ҳам ота, ҳам она” деб айтмайди.

Амалий тарғибот ва ташвиқот асосан одамларнинг турмуш тарзини, билим ва тарбия олишини, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш орқали амалга оширилади. Яъни, агар юқоридаги икки ҳолатда асосан фуқаролар онгига таъсир этиб, уларнинг фикрлаш тарзи ва ўй-фикрларини ўзлаштириш орқали фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга эътибор қаратилса, учинчи ҳолатда одамларнинг кундалик хатти-ҳаракатларига амалий ишлар, реал шароит орқали таъсир этилади.

Албатта, фуқаролик жамияти барпо этиш ва унинг ҳар томонлама онгли ва маърифатли аъзоларини тарбиялаш — ўта мураккаб иш. Лекин қадим-қадимдан юксак маърифий анъана ва қадриятларга эга бўлиб келган халқ ва миллат бу масъулиятли вазифани босқичма-босқич амалга оширишга қодир. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонларни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар бунинг далили бўла олади.

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Саъдулла ҲАКИМ

ATIRGUL SOYASIDA

МАНГУ ҲИЖРОН НАВОСИ

Кутган фақат бир менми,
Бир менми гирён фақат?
Ҳар тонг қон бўлиб бағри
Нимани кутар шафақ?

Саргайган кўзёшларин
Олмалар тап-тап тўкар.
Улар кимнинг йўлига
Бунчалар зор кўз тикар?

Қоронғу кечаларда
Ой фонусин кўтариб,
Юлдуз кўзли сулувлар
Кимни юрар ахтариб?

Карвон-карвон булутлар
Нега ўкириб бўзлар?
Дунё кезган шамоллар
Увлаб нимани излар?

Кутавериб охири
Тоғ бағри бўлганми тош?
У кимни кута-кута
Тўкар дарё-дарё ёш?

Олов тусли арғумоқ,
Йўртиб ўтар ҳар кун.
Ким сугориб ҳар кеча,
Қайда ўтлатар уни?

Кўриниш бермас нега
Алп қоматли чавандоз?
Кимни қутиб фасллар
Ёяр турли пойандоз?

Ер устини бирма-бир
Кезиб чиққач қадамлаб,
Ер остига нимани
Излаб кетар одамлар?

Эй олами кубаро,
Гоҳ вайрон, гоҳ шод кўнгил.
Қилча меҳр нуридан
Қаъбача обод кўнгил.

Бағри қон шафақ бу — сен,
Бу сен — саргардон шамол.
Олов аргумоқ бу — сен,
Бу сен — ҳасби-хатти ҳол.

На ошкор — сенда ошкор
На ниҳон — ниҳон сенда!
На рост — сенда-да рост бор,
Ёлгон — на ёлгон сенда!

ҚОРА ТОШ

Кимнинг баланд тоғларга
Бир қур келмас чиққиси?
Гараша тепасида
Бобомўла чўққиси.

Бошида булут тўзир,
Ажиб виқор. Ҳашамат.
Ёшлик гайрати кўзиб,
Чўққига тирмашаман.

Сайҳонда Гарашасой
Оқиб ётар буралиб.
Икки чети узумзор,
Тош иморат, қўрали.

Ногоҳ тойиб, оёғим
Остидан кўнар бир тош.
Фарёд солиб, боёқши,
Жарликка учар бир тош.

Эй қора тош, қора тош,
Тилинг борми сенинг ҳам?



Оғритдимми дилингни,
Мен бебои, гофил одам?

Қўшилиб нола қилган
Тошлар дўстинг эдими?
Наъматак чўзиб қўлин
Ушлаб қолай дедими?

Сакраб нақд осмон бўйи
Ўнгирдан ошди оху.
Кимни огоҳ этгали
Бунчалар шошди оху?

Эй қадрдон тоғимнинг
Миттигина бўлаги,
Тош бўлиб шунча бўлсанг,
Мен ҳам бир тош бўлайин.

Ўраниб қор кўрпага,
Қиш уйқусига қонай.
Қўнғироқ чалса ёмғир
Гул кўтариб уйғонай!

ИЗЛАР

Икки чети ораста,
Ёлғизоёқ чамбил йўл.
Кетиб бораман аста,
Ҳар ёнда гиёҳлар мўл.

Қуриб қорайган янтоқ,
Чўкир шубоқ, кўк барра.
Узоқда кунгура тоғ
Осмонга тортар арра.

Шу биргина сўқмоқда
От изи, қулон изи.
Эшак изи, ит изи,
Қуш изи, илон изи.

Шу биргина сўқмоқда,
Дон изи, бугдой изи.
Юзиб ўтар оҳиста,
Қуёш изи, ой изи.

Балки бунда бир чоқлар
Озод қўйиб навқарин,
Елиб ўтган қўнондай
Амир Темур навқари.

Балки... Машираб сўзона
Наволар қилиб ўтган.
Тушганча йўл узала
Оёқларини ўтган.

Шу йўлда бобом изи,
Отам излари пойдор.
Қор ўтган, ёмғир ўтган,
Шамол ўтган неча бор.

Шу сўқмоқда менинг ҳам
Изим қолар экилиб.
Бугдой донаси каби
Сўзим қолар тўкилиб.

...Қай бир замон бегона
Йўловчи қўйса қадам,
Маънос бир соғинч ила
Эслармикан мени ҳам?

ШУ ГЎЗАЛ БОҒ ИЧИНДА

Бамисли жавҳару зар тоғ ичинда,
Моҳият нарсанинг ишундоқ ичинда.

Тафаккур дур каби ноёблигидан
Мудом тутмиши макон чаноқ ичинда.

Ясаб тоиштахтадан мўъжаз иморат,
Мағиз қадри баланд ёнгоқ ичинда.

Очар япроқ ичинда лола рухсор,
Муҳаббат лаззати ардоқ ичинда.

Сенинг тилинг, ай ёр, шириндир,
Садафдан кўргони дудоқ ичинда.

Қабоқ устида қолмиши қош, сабабким,
Қароғ — кўз гавҳари қабоқ ичинда.

Азал ҳукмин, аё, ҳар лаҳза ёд эт,
Азиздир жон, қазо — сиртмоқ ичинда.

Униш бордир, яшаи бор, яшариши бор,
Сўлиши бордир гўзал шу боғ ичинда.

Мурод шу, қолдириб бир майса яшиноқ,
Моҳият касб айламоқ тупроқ ичинда.

ҲАР ЛАҲЗА

Ҳар лаҳза кўнглимни очсам, аллаёр,
Бир қур ўзлимдан кечсам, аллаёр.

Куртак оча олча шохида кўклам
Биллур шабнамларни ичсам, аллаёр.

Юракни гул каби тутиб ялангоч,
Сохта либосларни ечсам, аллаёр.

Қучсам қучоғимга тўлса ифорлар...
Ватан ҳаволарин қучсам, аллаёр.

Охир... хазон янглиг чалиб қўнгироқ,
Бош узра ҳаволаб учсам, аллаёр!

БЎЛМАГАЙ

Қулмагай ҳеч ким гўдак сайрон сафо қулганчалик,
Келмагай ҳеч бир замон ёшлик замон келганчалик.

Жонга жону танга тан, дилга дил малҳам эса,
Қулмагай ҳеч ким вафо ёринг вафо қилганчалик.

Қимга тан маҳрам лазиздир, қимга дил маҳрам азиз,
Бўлмагай тан маҳрами дил маҳрами бўлганчалик.

Эй табиб, жонинг сабил, воҳ, неча асру неча йил,
Билмагай дарднинг давосини қазо билганчалик.

Қатра шодликни — баҳр, уммонча ғамни қатра бил,
Тўлмагай бахт қосаси ғам қосаси тўлганчалик.

Савди олло, ғам ўтар, шодлик ўтар, касбингни қил,
Қолмагай сендан тирик бир янги сўз қолганчалик.

СЕНДИН ОРТИҚ

Сендин ортиқ менга на даркор, керак, лозим, зарур,
На фаришта, ҳур на ва даркор, керак, лозим, зарур.

Ҳижрону дардинг кўксима тиг урса жоним ўксимас,
Озори йўқдир ҳечгина, даркор, керак, лозим, зарур.

Сухбат қурарга нечалар ой ухлаган зим кечалар,
Нур қосасига шамгина даркор, керак, лозим, зарур.

Аҳволу дардим сен каби бўса билан соғлар табиб,
Йўқ бу қадар билгичгина даркор, керак, лозим, зарур.

Аҳду қароринг олибон, шаккар висолинг болидан
Ичгим келар, ичсам яна даркор, керак, лозим, зарур.

Бир мен эмасман ишқ қули, ҳар дилнинг бўлса булбули,
Ул ўша ҳилолдакина даркор, керак, лозим, зарур.

Ишқ ичра зорлик истаган бир бўлса-да, минг юзтадан,
Ер — кўрпача, осмон — пана, даркор, керак, лозим, зарур!

ЎЙЛАСАМ

Ўйласам, фоний бу дунё тарзи доим шул экан,
Йўқни бору борни йўқ этмоққа тенг масъул экан.

“Иброҳимдан қолгон ул эски дўкон” ўзгармамиш,
То ҳануз бек ҳам, гадо ҳам бўз тўқиб машгул экан.

Илму ҳикмат газнасига молу жонинг етмагай,
Беҳаёлиг, бешармлиг, қанча ол, бепул экан.

Қўйма асло шону шуҳрат, кибру мансабга кўнгул,
Бир қуни ташлаб қочодур кўп асов дулдул экан.

Боқ, эранлар эғнига киймиш боқийликдан либос,
Кийгани аҳли жаҳоннинг ёқасиз камзул экан.

Бордилар кўп, келдилар кўп, айтдилар сўнг оҳ уриб:
Каъбача вожиб зиёрат — тоза бир кўнгул экан.

АТИРГУЛ СОЯСИДА

Булбул сайрайди хушхон
атиргул соясида,
Чин ошиқ топар макон
Атиргул соясида.
Атиргул ифориға
арзимас дунё моли,
Мени ҳам эт имтиҳон
атиргул соясида.

МАШРАБ

Шодлиги офтобча, тунча дарди чўнг,
Дунё — тилсимотдир, тўла асрорға.
Мингта дордан қочган шуародан сўнг
Машрабдек бир шоир тик борар дорға.

ISHQ FASLI

ИШҚ ФАСЛИ

Шу Ватанни севаман жондан,
Севдим — яна гўзал бўлди у.
Оққуш бўлди ҳар тушган қори,
Ҳар ёмири асал бўлди у.

Қўлимга сув қўйди булоғи,
Шамоллари тутдилар сочиқ.
У қўлини очгани сайин
Йўли бўлди шунчалар очиқ.

Шу Ватанни севаман жондан,
Севдим — яна дилбар бўлди у.
Оқ каптарлар — опам, синглиму
Жайронлари жигар бўлди у.

Гулзор ичра хонқизчалари
Лабин қўйди бармоқларимга.
Мусичаси тунлари ювош,
Юриб чиқди қабоқларимда.

Шу Ватанни севаман жондан,
Севдим — бахти бекам бўлди у.
Сиртлонлари — эмишганларим,
Қоплонлари акам бўлди у.

Шеърларимга сарлавҳа ёздим,
Кийик ўтган сўқмоқларидан.
Ҳайратимнинг нафасин сездим
Қизгалдоқнинг титроқларидан.

Шу Ватанни севаман жондан,
Севдим, қатра қоним бўлди у.
Кўзим, сўзим, умри баёним,
Жоним бўлди, жоним бўлди у.

* * *

Мана, турна қайтди, қайтди қумрилар,
Қай дарахт йиқилди, қай тош сурилар,
Бошга тушиганини кўз-ла кўрилар,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Қай кун турна қайтди — онам қайтмади,
Кўнгли ярим-ку, деб ҳеч ким айтмади,
Дунё — васлу видо учрар байтмиди?
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Умр — маҳзунгина матал, кутайлик,
Эшиклар ёнида маҳтал кутайлик,
Турналарни тўрткўз-туғал кутайлик,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Мен кўнглимнинг қули, ўзинг хушёр бўл,
Менга тош отсалар, тани девор бўл,
Дўстим, сен ўлмагин, ёнимда бор бўл,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Изласак, анқо не, анқо топилар,
Ҳар кимга бир жони фидо топилар,
“Одам топилмайди, дунё топилар”,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Гоҳ билиб-билдирмай ўтар одамлар,
Сувга кетган каби кетар одамлар,
Дунё барчамизга етар, одамлар,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

* * *

Бу фаслнинг тикону гули тарафиндаман,
Бу савдонинг шоҳио қули тарафиндаман.
Муҳаббат бор, деб айтган тили тарафиндаман,
Аллоҳ, етказмадинг, деб айламасман шикоят,
Бу дунёда сиз борсиз, шунинг ўзи кифоят.



Бу кўчада ким бедор — саодатлик тиладим,
 Бу кўчада ким бемор — саломатлик тиладим,
 Бу кўчанинг итларин оёқларин силадим,
 Аллоҳ, етказмадинг, деб айламасман шиқоят,
 Бу дунёда сиз борсиз, шунинг ўзи кифоят.

Сизга ёзган ҳар шеърга кўзим ёшлар сочадир,
 Қаноат ширин қандлар, гул бардошлар сочадир,
 Туллар ойлар сочадир, кун қуёшлар сочадир,
 Аллоҳ, етказмадинг, деб айламасман шиқоят,
 Бу дунёда сиз борсиз, шунинг ўзи кифоят.

Ҳар қадамим — ибодат, тилимдан тушмас оят,
 Жонимда оппоқ тасбеҳ айтиб турар саловат,
 Изтиробларим — новбот, азобларим — қандолат,
 Аллоҳ, етказмадинг, деб айламасман шиқоят,
 Бу дунёда сиз борсиз, шунинг ўзи кифоят.

Бу кўчадан ўтганлар ўлим нима билмайдир,
 Қайда шоним демайдир, қайда жоним демайдир,
 Кўзларимга термулса, йўлбарс мени емайдир,
 Аллоҳ, етказмадинг, деб айламасман шиқоят,
 Бу дунёда сиз борсиз, шунинг ўзи кифоят.

МУҲАББАТ

Бу фасл — гул фасли, суҳбат фаслидир,
 Оҳулар учрашган ҳайрат фаслидир,
 Булбулнинг юз турлик фарёд фаслидир,
 Бу сизнинг фаслингиз — Фарҳод фаслидир.

Тошларни эритган олов фаслидир,
 Йўқолган жаннатни чорлов фаслидир,
 Изламоқ фаслидир, сўров фаслидир,
 Бу сизнинг фаслингиз — Ҳусрав фаслидир.

Қирнинг қизгалдоққа мафтун фаслидир,
 Сувпарни ўқиган афсун фаслидир,
 Йўлбарсни уйғотган жунун фаслидир,
 Бу сизнинг фаслингиз — Мажнун фаслидир.

Фирдавс боғига бу — йўл фаслидир,
 Кўзларга айланган ой-йил фаслидир,


Бу — юрак фаслидир, кўнгил фаслидир,
Бу сизнинг фаслингиз — Бедил фаслидир.

Топмоқлик, келмоқлик, ташириф фаслидир,
Гунча оғиз очган латиф фаслидир,
Зулайхомонандлар ошуб фаслидир,
Бу сизнинг фаслингиз — Юсуф фаслидир.

Бу боғлар, бу борлиқ — ошён фаслидир,
Мен севдим, тирилдим — аён фаслидир,
Фақат ишқ маҳрами — султон фаслидир,
Бу сизнинг фаслингизким, жон фаслидир.

* * *

Термулгим келади кўзларингизга,
Куйдиргим келади армон тўнини.
Кўнгилдан кечадир бир юпанч уни.
Муҳими — термулмоқ эмасдир ишқда,
Муҳими — соғинмоқ, севмоқ — муҳими.
Ҳижрон боғларида куйди бир дарахт,
Чорламоқ истадим оққуш руҳини.
Кун ботарда уфқ ортидан элас
Эшитгандек бўлдим оққуш оҳини.
Муҳими — етишимоқ эмасдир ишқда,
Муҳими — соғинмоқ, севмоқ — муҳими.
Эшитгим келади обозингизни,
Жонимда йиғлайди минг турфа гуллар.
Ишқий ҳасратларга чулганди нечун
Кўздан юраккача борувчи йўллар?
Ёруғ хаёлларга эргашидим мен ҳам,
Покиза тушларга топширдим ўзни.
Азизим, азизим, айтнинг нимага,
Нечун йиғлайдирман эласам кузни?
Ёшим — боғингизда обирабондир,
Умрим — бошдан-оёқ гарқи ҳижрондир.
Ахир, шу яшашми, кун кўриши шуми?!
Муқаддас оятлар келар жавобга:
Муҳими — кун кўрмоқ эмасдир, ишқда
Муҳими — соғинмоқ, севмоқ — муҳими.



СИРЛИ САРҲАДЛАР

Гулистон МАТЁҚУБОВА

QAYTMOQ UCHUN KETMOQDAMAN

*Ҳайкалтарош
Жулдосбек Куттимуродов
ижодининг руҳий
манзаралари*



Мусаввирнинг сир

Жўлдосбек Қуттимуродов. Ҳайкалта-рош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофотининг соҳиби, академик... Қахрамонимизнинг яна бир талай унвонлари бор. Лекин Жўлдосбек оға ҳақида гап кетса, унинг қиёфасини, ички оламини унвонлар билан эмас, балки Қорақалпоғистон деб аталмиш қадимий юртининг кўз илғамас кенгликлари, тошқин Амударёси, алам ва армонлардан бағри тўлиб кетган қурраи замин, бобо қуёш, тўлин ой билан уйғун ҳолда тасаввур этиш мумкин. Жўлдосбек оға "Чархпалак" новелласида бундай деб ёзади:

"...Учинчи ҳаётимда жоним дарахтга ўтибди. Ёнимда сочлари толим-толим мажнунтол ўсиб турибди. У менинг Анахита — илоҳам. Япроқларимиз ўзаро шивирлашиб, шохларимизга қўнган кушларнинг чуғур-чуғуридан қувониб, шод бўлиб яшайвердик. Кунлардан бир кун ёнимизга бир тўда одам келди, кимдир ўткир болтаси билан белимиздан чопиб ташлади. Мен уни танидим — у қиёфасига ёвузлик аломати мухрланиб қолган кимса эди. Уларнинг ҳаммаси ёвуз бўлиб дунёга келган. Қонхўрлар... Жонимиз дорилфанони тарк этди. Ниҳоят, 1934 йили жоним ўзимга қайтди — мен туғилдим. Мучалим — ит. Улғайдим, ҳайкалтарош бўлдим. Такдир экан-да, бундан 2000 йил муқаддам илк бора ҳайкалтарош бўлиб ўтган маконимга қайтдим. Мана, 2000 йил илгари ўз кўлим билан яратганим Анахитанинг ҳайкалчасини ушлаб турибман... Қачонлардир дарахт бўлиб, сўнг ўтинга айланган жойимни кидирдим. Хис-туйғуларим панд бермади — ўша жойни топдим. Тупроқдан бўртиб турган қўш илдиз мени кўрган захоти "Келдингми, чи-роғим?" деб сўрагандек бўлди. Улардан мен Анахита тимсоли учун андоза олдим. Кейин ўша тимсолнинг нусхаларини кўпайтирдим. Ҳозир улар Америка, Австралия, Австрия, Франция, Голландия, Швейцария, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларда яшаётир..."

1969 йили

Тошкентда санъат асарларининг йирик кўргазмаси бўлади. Жўлдосбек Қуттимуродовнинг ёғочга ўйиб ишланган нафис асарлари ўшанда кўпчили-нинг эътиборини жалб этади. Улар ўзига хослиги, борлиқни шоирона акс эттириши билан ажралиб турарди. Санъаткор ижодига хос нафосату ифодасини топган. Сиз гўё ҳайкалга эмас, мўъжизага дуч келгандек бўласиз. Ёғочга ўйиб ишланган бу шакллардан туйғулар уйғунлиги ҳосил бўлади; уларни томоша қилсангиз, қалбингизни шеърят сеҳри қамраб олади. Умуман, Ж. Қуттимуродовнинг асарлари туйғулар таранглиги билан кишини ҳайратлантиради, мафтун этади.

Жўлдосбек оғанинг авлод-аждодлари кўчманчи ўтган. Ота томонидан бобосининг исми Жонтой, она тарафидан бобосининг исми Орзу эди. Орзу қўли гул дурадгор бўлиб, кўпинча "кегай" ёғочидан аравалар ясаган. Она уруғидан бўлган бувиси Болмон эса гиламу наматларга ғаройиб нақшлар солган.

Ҳайкалтарошнинг отаси Қуттимурод асли Қозоғистоннинг Оқтўба вилоятидан. 1930 йилда улар Қорақалпоғистонга кўчиб келади. Орадан тўрт йил ўтгач, Жўлдосбек туғилади. У Кегайли туманидаги ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида расм чизишга ишқибоз эди, деворий газеталарни безатарди. 1956 йилда Тошкентга келиб, республика рассомлик билим юртига ўқишга киради. Бўлажак ҳайкалтарош билим юртининг тасвирий санъат бўлимини тамомлайди.

Ж. Қуттимуродов маълум муддат Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва кулолчилик бўлимида таҳсил ола-



ди, сўнг Нукусга қайтади — институтни тугатмайди. У маҳаллий нашриётда безакчи муҳаррир вазифасида ишлайди. Фикри-зикри қизгин ижод билан банд бўлади.

Дарвоқе, Жўлдосбек бир неча муддат Ленинграддаги Ҳарбий денгиз флоти билим юртида ҳам таҳсил кўрган. 1954 йилда Ленинграддан отасига йўллаган мактубида бундай деб ёзади:

“...Отажон, сизнинг панд-насиҳатларингизни ерда қолдирмоқчи эмасман. Боз устига, геофизикани фан эмас деб ўйлаётганим ҳам йўқ. Лекин мендан геофизик чиқмайди. Хафа бўлманг, ўзимни мажбур қилсам ҳам бу ўқишга кўнгул кўя олмадим. Отажон, барибир бўлмаяпти. Нукул расмлар оламини, ҳар хил ранглари, бўёқларни ўйлайвераман. Кўз ўнгимда она юртимнинг манзаралари намоён бўлаверади. Мен юртим манзарасини чизсам дейман. Мана, ўн кундирки, ажиб бир манзара кўз ўнгимдан нари кетмаяпти: бепоеён кенглик, баланд тераклар орасидан куёш порлаб турибди, олис-олислардан ям-яшил далалар кўзга ташланади, қиз-жувонлар даладан қайтапти — уларнинг юз-қўзларида ҳоргинлик аломатлари сезилиб турибди, аммо гўзаллик нурига чўмилиб олгандек... Мен уларни кўряпман, ҳис қиляпман. Албатта шундай картина яратаман...”



“Товоқ”

Отажон, билим юртининг директори Михайлов: “Ёш юрак қушга ўхшайди, доим учиб-кўниб юришни истайди, — деди. — Геофизик касби ҳам яхши, бу ҳам санъат. Лекин сенинг истеъдодинг айнан соф санъат йўналишида тўла-тўқис намоён бўлиши мумкин. Қалбингдаги талпинишларни қоғозда рангин бўёқларда акс этганини кўриб, сени санъат билим юртига ўтказиб йўборишга қарор қилдим, имтиҳон топширишинг ҳам шарт эмас”. Отажон, сиз ҳам рози бўлинг. Мен барибир расмом бўламан, шу соҳада ўқийман. Мен сизнинг панд-насиҳатларингизни ерда қолдириб ўзбошимчалик қилаётганим йўқ, фақат қалбимга кулоқ соляпман, холос...”

Жўлдосбек у пайтда 20 яшар йигит эди.

Жўлдосбек оға ҳайкалтарошлик соҳасида бирданига муваффақият қозонмайди, тинимсиз изланади, меҳнат қилади ва зинҳор тушкунликка тушмайди. Ниҳоят, “Ёш аёл боши” деб номланган ихчамгина ёғоч ҳайкали Тошкентда очилажак санъат асарлари кўргазмасига жўнатилади. Не бахтки, Ўзбекистон давлат Санъат музейи ўша ҳайкалчани сотиб олади. Илк муваффақият санъаткорни янада илҳомлантириб юборади. Тез орада Қорақалпоғистон давлат Санъат музейининг директори И. В. Савицкий ёғочдан совгабоп буюмлар тайёрлаш бўйича буюртма беради, сўнг уларни музейга сотиб олади.

1966 йилда Ж. Қуттимуродов Қорақалпоғистон давлат Санъат музейига таъмирчи расмом бўлиб ишга кириди. Ҳозирга қадар шу даргоҳда хизмат қилиб келади.

Истеъдодли ҳайкалтарош асарлари халқчилиги билан ажралиб туради. У ижодкор сифатида халқимизнинг қадимий маданиятидан, миллий муҳитдан руҳ олади.

Мен Жўлдосбек оғанинг санъатга муносабати, эстетик диди, идеаллари тўғрисида кўп ўйлайман. У яратган хотин-қизлар тимсолида мажозийлик ва реаллик табиат манзаралари билан уйғунлашиб кетганидан (“Амударё”, “Шамол”

каби ҳайкаллар) ҳамиша ҳайратларга тушаман. Халқ дostonларида куйланган қахрамонлар ҳам ҳайкалтарош эътиборидан четда қолмайди. Ёғочга ўйиб ишланган қизларнинг қиёфалари айниқса бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Ижодкор 60-йилларнинг охирларида бир туркум жозибали асарлар яратди. “Орзу ёки қизнинг боши” асари, хусусан, таҳсинга сазовор. Бу ҳайкалда қахрамоннинг кўзи яхлит кесма, ботиқ ҳолатда ифодаланган. Қизнинг кўзлари катта-катта, андак гамгин, тубсизга ўхшайди — унда қат-қат маъно яширинганини пайқаш қийин эмас. Айтишлари-ча, қадимги ҳайкалтарошлар қимматбаҳо тош-гавҳарлар қадаш ниятида қахрамоннинг кўз ўринларини чуқурроқ “ўйиб” олар экан. Жўлдосбек оға эса жавоҳир қадамасдан ҳам кўз қорачиқларини маънодор ифодалай олган.

Санъаткор 1970 йилда “Ниҳол” деб аталган ҳайкалини ниҳоясига етказди. Бу асар юртимиз монументал санъатида янгилик бўлди. Унда тасвирланган гўзал аёл гўё осмони фалакка, қуёш сари талпинаётганга ўхшайди. У кейинчалик яратган аёллар тимсолида ҳам гўзаллик билан улугворликни уйғун тасвирлайди...

Биз Жўлдосбек оға билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турамиз.

Бир кунни Жўлдосбек оға бир даста хат кўтариб келди.

— Эс-хушимни йиғиб олган йигитлик чоғимда тасодифан бир қизни учратиб қолганман. Бир кўришдаёқ унга ишқим тушган. Менимча, илоҳий муҳаббат шу бўлса керак. Ҳамон ўша қизни ўйлаб юраман, руҳига мактублар битаман... — деди маъюс тортиб.

— Нега руҳига?.. — деб сўрадим ажабланиб.

— Чунки у вафот этган, менинг кўнглимда яшаяпти, холос.

Орага оғир сукунат чўкди. Сўнг хатлар орасидан мўъжаз бир суратни олиб узатди.

— Иложи бўлса, шуни компьютерда каттартириб берсангиз... Агар вақт

топсангиз, руҳга аталган хатларимни ҳам кўриб чиқарсиз. Ростини айтсам, бу армонли муҳаббатдан юрак-бағрим эзилиб кетган. Умримни шу муҳаббатга бағишлаганман. Негадир кейинги пайтларда ўша қиз тез-тез тушимга кирапти. Балки хузурига чорлаётгандир... Қайдам... Сиз ижодкорсиз, ҳартугул, тушунасиз деб ўйлайман... Бутун ижодим мана шу қиз сиймоси билан боғлиқ...

Суратдаги қиз ниҳоятда сулув эди. Мени хаёл олиб қочди. Кўргазма залларида, Жўлдосбек оғанинг ижодхонасида кўрган ҳайкалларни бир-бир эсладим: “Ниҳол”, “Амударё”, “Орзу”, “Келинчак”, “Катта келинчак”, “Ёшлик”, “Олма”, “Шамол”, “Тобелеклик қиз”, “Саукелеклик қиз”, “Бош кийимига тош қадалган қиз”, “Яланғоч аёл”, “Товоқ”, “Оққуш ва қиз”, “Қизнинг боши”, “Нафосат”, “Ҳаёт муштарақлиги”, “Балиқларни кутқараётган Анахита”, “Бош кийимли қиз”, “Гулдурсин”, “Гулзира”, “Маъбуда”, “Ўтирган қиз”... Жўлдосбек оғанинг мен номини билмайдиган яна қанча-қанча нафис ҳайкаллари бор. Суратга синчиклаб разм соламан: жуда таниш чехра, кўзлари, қошлари, ақиқаблари... Ажойиб истеъдод соҳибининг кўнглини бир умр чароғон этиб юрган санам — илҳом париси шу кўзлар, шу чехра экан-да!

Ўзимни хийла вақт эс-хушимдан айрилгандек ҳис қилиб ўтирдим. Сабаби аён: ранглар султони Жўлдосбек оға бир умрлик сир-асрорини менга ишониб айтган эди.

Қизнинг исми Мақпал экан, ўзбекчаси Бахмал бўлади. Унинг руҳига атаб ёзилган мактубларни ўқиганимдан сўнг бир ҳайратим минг бўлди. Гўё қандайдир фавқулудда ҳодиса рўй бергандек эди. Бир неча кун давомида сеҳрланган одамдек ҳардамхаёл бўлиб юрдим. Бевақт оламдан ўтган бўлса-да, ёруғ дунёдаги энг бахтли қиз Мақпал бўлса керак... Тинчим йўқолди. Негадир Мақпалнинг ўрнида бўлиб қолишни орзу қилар, унга ҳавасим келар эди.

Мен Жўлдосбек оғанинг “Ниҳол”, “Амударё”, “Шамол”, “Олма” каби машхур ҳайкалларининг яратилиш тарихидан хабардор бўлдим. Ижод — сирли, сеҳрли олам. У инсоннинг ўзи сингари ечилмас жумбоқ, ўқилмаган афсун. Қалб кўри билан яратиладиган нафосат, гўзаллик бетакрор бўлади.



“Катта келинчак”

Ҳайкалтарошнинг қалби ҳамisha бедор, нотинч бўлса ҳам хотиржамлик, осойишталик кўпгина асарларига хос хусусият. У ташқи таъсирларни, намоийш-корона кескин хатти-ҳаракатларни четлаб ўтади. Деярли барча қаҳрамонлари осойишта ҳолатда тасвирланган. Образлар томошабинни суҳбатга чорламайди, балки фаол ўйлашга, фикр юритишга ундайди. Улардаги ҳис-туйғулар ўткинчи эмас, собит ва давомийдир. Дафъатан Жўлдосбек оғанинг асарлари замон ва макондан ташқари, замонавийликдан узилиб қолгандек туюлиши мумкин. Бирок, аслида уларда ўтмиш билан ҳозирги кун кўзга кўринмас ришталар билан маҳкам боғланган...

Суҳбатларимиздан бирида Жўлдосбек оға бундай деган эди: “Мен Врубелни жуда севаман. Рус рассомлари орасида у менинг энг суюкли санъаткорим. Қолаверса, Леонардо да Винчининг асарлари ҳам, айниқса, у яратган аёллар образи мени ҳамisha ўзига мафтун этади”.

Қадимги Миср ва юнон санъати ҳам ҳайкалтарош қалбини ларзага солади. “Кўҳна халқларнинг санъати фақат савқи табиий эмас, балки аниқ ўлчовга, математик ҳисоб-китобларга ҳам асосланган”, дейди у. Жўлдосбек оғани кхмер, яъни Камбоджа ҳайкалтарошлиги ҳам бефарқ қолдирмаган. Унинг шахсий кутубхонасида қадимий Миср ва Юнонистон, Хитой ва Ҳиндистон, Япония ва Индонезия тарихи ҳамда маданиятига алоқадор китобларни учратиш мумкин. Бу китоблар доимий изланишда бўлган санъаткорнинг кундалик суҳбатдоши, бир умрлик ҳамроҳидир.

Азиз ўқувчи!

Камина Жўлдосбек Куттимуродов асарлари, унинг мураккаб тақдири таъсирида туғилган қалб туғёнларим — кўнглимдаги кечинмаларни қоғозга туширган эдим. Улар сизнинг ҳам қалбингизга етиб борар деган умидда эътиборингизга ҳавола этмоқдаман.

НИДО

..Исмингдан айланайин, Мақпалим!

Суратинг олдимда турибди. Сулувлигингни таърифлай десам, тилим калимага келмайди, кўзларингдан кўнглимга фақат нур киради. Кўз кўриш воситасигина эмас, ёруғлиkning ўзи эканини энди ҳис қиляпман...

Сен билан қўшилмадим, бирга яшамадим деб ранжимаيمان. Сен, ахир, мен учун осмондаги ойсан. Ойни қучиб, бағрингга босиб бўладими?

Бўйингдан айланайин!

Сен орқангга бир қарамай кетдинг. Дастлаб бир тўп қизнинг ичида сенинг кўзларингга кўзим тушди. Юрагимда нимадир ярқ этди, чакмоқ чакқандай бўлди. Ё қудратингдан, оёқларим остидаги ер қимирладими?!

Сен кета бошладинг... Йўқ, ердан сал кўтарилиб, учиб кетаётганга ўхшадинг; худди фариштанing ўзи эдинг.

Қулоқларимга нидо келди:

«Эй мусавир! Сен фариштага эмас, худди Биби Марямнинг ўзига ошиқ бўлибсан. Энди ичинг дарду ғуссага тўлади — унга етишолмайсан. Армонларинг ушалмайди.

Ўкинма! Бахтинг шуки, сен уни кўрдинг. Сен энди унинг суратини чизасан. У мангулик Мадоннаси бўлиб қолади. Қовушолмадим деб афсусланма, кўз олдингда намоён бўлган гўзалликни минг йилларга олиб ўт. Замонлар алмашади, янги авлодлар келади, аммо ўша сулувни чиздингми, ундан бўсалар олдингми, қовушдингми — бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

Фақат қалбингдан қоғозга кўчган гўзаллик одамларни ром қилади, хайратга солади. У сенинг муҳаббатинг, демак, сен яшаяпсан, сенинг муҳаббатинг — мангу тирик!»

Мен бу нидо олдида эсанкирамадим, ичимда қуёш чиққандек, кўзларим олдидан парда кўтарилгандек бўлди. Осмонга боқсам — булутлар ичидан, дарахтга боқсам — дарахтлар орасидан, ерга тикилсам — тупроқ қатидан сенинг сиймонг кўринаверди. Тошда ҳам, сувда ҳам, баҳайбат тўронгил вужудида ҳам сен боқиб турардинг.

Кўзларингдан айланайин! Сўзларимни эшитяпсанми?


САДО

Эй азиз инсон!

Наҳотки, шу сўзларни сиз менга айтяпсиз? Наҳотки — менга?! Мен бир муштипар қиз бўлсам, кўнглим дарду ҳасратга тўлик, хатто худо ҳам қувончни фақат қарзга беради. Бу бевафо дунёда менга меҳр кўрсатадиган одам йўқ деб юрардим... Наҳотки, менинг юз-кўзимда, ғариб дилимда сизнинг таърифингизга муносиб, кўнгил оламингизга монанд бир гўзаллик бўлса!..



“Кизнинг боши”



"Ялангоч аёл" (парча)

Аччиқ ҳаёт, бу дунё, бу тақдир мени бунчалик «сийлади»! Ахир, мен бир кун кулсам, ўн кун кўзёшим тинмайдиган хокисор бир қиз эдим. Йўқ, ишонмайман, ишонишдан кўрқаман. Негаки, не-не ўмидларим шамолга совурлиб кетди. Ўзим каби, орзуларимнинг ҳам ҳеч кимга керак эмаслигини билиб, бу дунёни тарк этдим.

Рост, бир инсонни севдим. Жонимни, меҳримни бердим, лекин меҳр топмадим. Наҳотки, энди ўша меҳр сизнинг сирли қалбингизда пайдо бўлди, наҳотки у бор бўлса?! Наҳотки сиз бор бўлсангиз!..

Мени ҳаёт кўп алдади. Ҳар гал ишонганимда, яна алданиб қолганимни англай эдим. Онамнинг меҳрини ололмадим. У бизни ташлаб кетганида мен ҳали бир гўдак эканман. Балки, шу боис ҳеч ким менга меҳр кўрсатмагандир. Отамни яхши кўрардим. Лекин бутун умр унинг кўнгли юшмаганини, менга бир оғиз ширин сўз айтмаганини, айтолмаганини қандай тушунтирай?!

Мени ҳамма ўлган деб ўйлайди. Мен бу дунёдан кетган бўлсам-да, ҳар тонгда гуллар баргига, назик мажнунтол шохларига шўдринг бўлиб тўкиламан... Қўёш қиздира бошлагач, оппоқ булултарга айланиб, осмони фалакка кўтариламан. Менга она замин — Ер курраси аниқ кўриниб туради. Гоҳ ёмғир бўлиб ёғаман, гоҳ яна оппоқ пардай бўлиб уфқларга ёйиламан.

Меҳр тополмаган бўлсам ҳам, оёқларим теккан ерни ташлаб кетолмайман... Бунинг боисини энди тушунапман: сиз бор экансиз!

Менга меҳр кўрсатганингизни, кўрсатаётганингизни билмабман, узр. Ахир, одамзод кўпинча ён-атрофига бефарқ боқади. Мен ҳам бир неча бор бефарқлик қурбони бўлганман.

Меҳрингиздан шундай ҳайратланыпманки, сўзларимдан ҳам адашяпман. Мен одамларни бефарқ демоқчи эмас эдим. Улар гоҳо ўзларининг ичидаги гўзал оламни кўролмайди, шунинг учун ҳам кўзларида бефарқлик пардаси қалинлашаверади...

Бу олам — руҳият олами, унинг мангулиги ҳақ. Рўҳ мангу бўлмаганда эди, мен у дунёдан туриб, сиз билан гаплаша олармидим...

Сизни эшита олармидим, меҳрингизни сезармидим...

Эй азиз инсон!

Мен ўзим меҳр қўйган, олдида кўнглимни очиб, сир-асрорларимни гул япроқларидай тўккан ва бу япроқлар унинг оёқлари остида янчилганини кўриб, дунёдан кетишга мажбур бўлган одамман... Ишончларим кулдай совурилди... Меҳрга меҳр топмасам, вафога жафо кўрсам, садоқатга хиёнат қилсалар... У дунё менга қоронғи бўлди. Рўҳим янчилди, юрагим эзилди, қийналдим ундан қутулмоқ йўли кетиш эканини англадим. Буни англаганим сари енгил тортдим...

Мана, энди мен йўқман. Чирт этиб узилган баргчалик ҳам қадр ва меҳр тополмаган ёлгончи дунёдан кетдим... Энди менга ҳамма нарса аён. Сиз айтгандай, мен осмондаги ой эмас, ҳеч кимга кўринмас тиниқ ва шаффоф бир шуъламан. У мени англаганларга, менга меҳр кўрсатганларгагина кўринади...

Сиз зўр истеъдод соҳибисиз. Лекин буни ўзингиз билмайсиз. Сезяпсизми ёнингиздаги шаффоф шуълани? Шу — менман. Сиз мени бир мартагина кўрган экансиз. Қорачиқларингда ўзимни кўрдим, дейсиз. Кўзларим сизга кўнглимни англаган экан-да. Орадан шунча йиллар ўтса ҳам мени кўряпсиз, шаффоф бир нурни сезяпсиз. Мен эса у сизга куч ва илҳом бераётганидан қувонялман. Мени Биби Марямга ўхшатган экансиз. У Исо пайғамбаримизнинг онаси-ку! Мен у мўътабар зот олдида, унинг сабр-тоқати, ақл-заковати олдида ҳеч кимман...

НИДО

Рухинг билан тирикман, сулувим, фариштам!

Бу дунёда балки гуноҳим кўпдир. Энг катта гуноҳим — бу дунё хавасларига кўнгли кўйганим... Аммо сенинг дийдорингни кўриб, мен дорилфано муҳаббатидан воз кеча олдим. Сен — кўлда сокин сузиб юрган оққушсан. Мен — кўл бўйида ўсган тўранғилга ин қуриб, сен сари қанот қоқиб, интила-интила чириллаётган бўзтўрғайман. Мен — оққуш, сен эса бўзтўрғай бўлмайсан.

Мен — чўл бағрида зумрад майса, сен — тепамда мовий осмонсан. Мен сенга интилганим сайин оёғим ерга тортилади. Айланаинг сендан, сен Ойсан-ку, кучоғимга қандай сиғарсан? Муҳаббат йўли мушкул-ку! Мен шу мушкул йўлни танладим, сенинг дардингни, муҳаббатингни танладим. Ёнимда бор ёки йўқлигингни ўйламадим — юрагимда турибди азиз сўвратинг. Менинг армоним — сени бағримга босиб эркалаш эмас, сулув бўй-бастингни, гўзалликда танҳо гул чехрангни мангуликка қолдириш. Минг йиллардан кейин бу — Леонардо да Винчининг Мона Лизаси, бу бўлса — Жўлдосбекнинг Мақпали-ку, десинлар. Мен сени мадонналар, санамлар шоҳсуласига кўтариб, бир куни сенинг мангу муҳаббатинга сазовор бўларман деб ўйлайман. Бу йўлда бирга бўлиш йўқ, бу йўлда ўт бўлиб ёниш, дард ила ўртаниш бор...

Мана, олдимда суратинг турибди. Мен унга термулган сайин сен жонланасан...

САДО

Эй азиз инсон! Мени яна безовта қияпсиз. Сиз у дунёда туриб, менинг дунёмга кириб келяпсиз, менга азоб беряпсиз. Мени унутинг! Мен сизнинг



“Нафосат”

бу қадар илоҳий меҳрингизга арзимайман. Мен у дунёдаги ёлғонларга чидай олмай жонимдан кечганимда сизнинг борлигингизни билмадим. Энди бу жонсарақ руҳимда ҳаловат йўқ. Мен меҳримни берган одам эса мени севмади, мени тушунолмади. У дунёда мен ҳасратларимни ҳеч кимга айтолмаган эдим, энди сизга айтман. Мен у инсонни ҳамон севаман, у эса мени аллақачон унутган, дунёвий ҳаваслар билан тўлиб-тошиб яшаб юрибди... Сизга қалбимни тўқяпман, сизнинг руҳий ҳолатларингиз, қалб манзараларингиз менга кўрингани каби, сизга ҳам ерда ёлғиз бўлган, энди фалақда ҳам ёлғиз бир кизнинг қалб титроқлари аён бўлар.

Мен у дунёдан кетар олдида шундай шеър битган эдим:

*Мен қайтиб келаман,
Қайтаман албат...*


*Билсангиз,
Кимгадир кераклар қайтар.
Дарди ичга сиғмас
Юраклар қайтар.*

*Қайтар
Кўзёшлари дарё бўлганлар.
Жисми тирик бўлиб,
Ўлиб кўрганлар.*

*Қайтар
Ҳар юракда бир дунё очиб,
Дунёнинг ҳуссасин
Гул деб терганлар.*

*Мен қайтиб келаман,
Кузда учиб кетган оққушлар
Ёзда қайтиб келгани каби.
Ва Сизни топаман,
Баҳор қуёши
Бир титроқ топгандай
Майса бағридан,
Бир япроқ топгандай
Новда бағридан —
Сизни топаман.
Яна йиқиламан оёгингизга,
Қўшилиб кетаман нафасингизга.*

*Жимжит, қора тунлар ортидан
Янги кун келгандай қайтиб келаман.
Шеърим билан яшаб янги умрни,
Излаб-излаб яна топаман Сизни.*



"Амударё"

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

НАКИМ ОТА DOSTONLARI

Ўзбек ёзма адабиётининг илк юксалиш даври XI — XII асрларга тўғри келди. Бу даврда Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавийнинг юксак шеърий истеъдоди ёрқин намоён бўлди. Сулаймон Боқирғонийнинг ана шу асрлар адабиётида алоҳида ўрни бор.

У том маънода Аҳмад Яссавийнинг шогирди, энг садоқатли издоши сифатида қалам тебратган. Шеърлари Яссавийнинг машҳур ҳикматларига ҳар жиҳатдан — ҳам мазмун, ҳам бадиий услуб эътибори билан ҳамоҳанг.

Лекин, Яссавийдан фарқли ўларок, Сулаймон Боқирғоний ўзбек шеърлятини янги жанрлар, хусусан, эпик шеърлят билан тўлдирган ва кенгайтирган. Бинобарин, у шеърлятда ҳикоя услубида, қиссачилик шаклида ҳам дадил қалам тебратган. Бунга унинг “Ўртанайин, хуш тинглангиз, аё дўстлар...” деб бошланган воқеабанд шеърий асари мисол бўла олади.

Унда пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳаётининг сўнгги кунлари (милодий 632 йил июни) ҳақида ҳикоя қилинган. Ул зотнинг товлари қочиб, ётиб қолганлар. Ҳамма, ҳатто, фаришталар ҳам, бир шум хабарни олдиндан билгандай, қаттиқ ташвишга тушган. Ниҳоят, хасталикнинг тўққизинчи куни Оллоҳ амри билан ажал фариштаси Азроил эшик тақиллатади. Бу мушкул бир руҳий вазият Азроилни пайғамбар ва қизлари Фотима қандай кутиб олганини шоир шундай тасвирлаган:

Тўққуз кун ариғ расул оғриб ётди,
Жабраил фармон бирла Ҳақдин етди,
Фаришталар барчаси мотам тутди,
Дунёдин расул сафар қилмоқ учун.

Қайғурур: "Умматум!" деб, расул ётиб,
Фотима йиғлар эрди бошин тутиб,
Азроил фармон бирла Ҳақдин етиб,
Шариф тандин азиз жонни олмоқ учун.

Малак ул мавт тошда туруб, қопу қокди,
Фотима қопу очиб, қарши чиқди,
— Сан ким? — дею Расул анга қарши боқди,
— Қапудаги ким эдикин — билмак учун.

Фотима қарши чиқиб, салом қилди,
Азроил ҳайбат бирла алик олди,
Ариғ расул иймон бирла машғул бўлди,
Ҳиммат урди охиратга бормоқ учун.

(Сулаймон Боқирғоний. "Боқирғон китоби". Т., 1991 йил. Кейинги парчалар ҳам шу нашрдан олинди.)

Муҳаммад пайғамбар Азроилнинг ниятини, у ўз хоҳиши билан эмас, Оллоҳ продасига бўйсунган ҳолда келганини тушунганлари, ҳеч иккиланмасдан Оллоҳ буйруғига бўйсунганларини яқинлари, саҳобалари эса инсоний дард билан уввос солиб йиғлаганлари ниҳоятда жонли гавдалантирилади:

Расул айтди: "Ё Азроил, қўйғил мани,
Ўғон Изим жон олмага изди сани!"
Саҳобалар йиғлашурлар, кўриб ани,
Ўн саккиз минг олам фаҳри — расул учун.

Расулulloҳ душанба куни жон бердилар. Куёвлари ҳазрат Али уни ювган, Ибн Аббос эса сув куйиб турган. У киши ўша куниеқ ўз жойларига қўйилган. Сулаймон Боқирғоний мотам маросимини мумкин қадар аниқ тасвирлашга, фарзандининг отаси учун дод солиб йиғлаганларини айтиб ўтишга ҳаракат қилган.

Бу асар 15 тўртликдан иборат. Қадимий туркий аънаанага кўра, воқеалар шу усул билан баён этилган. Орадан саккиз аср ўтган бўлса ҳам, бу тўртликлар ҳамон зўр ҳаяжон билан ўқилади. Асарни мўъжаз тарихий қисса ҳисоблаш мумкин.

Боқирғонийнинг "Исмоил қиссаси", "Меърожнома", "Биби Марям", "Собит қиссаси", "Нўмон ҳикояси", "Охирзамон" манзумаларини ҳам кичик дostonлар сирасига киритиш мумкин.

"Исмоил қиссаси" 37, "Охирзамон" 49, "Меърожнома" 57, "Собит қиссаси" 34, "Биби Марям" 53 тўртликдан ташкил топган. Пайғамбаримиз тўғрисидаги қиссани ҳам кўшсак, булар ҳаммаси 245 тўртлик ёки 1000 га яқин мисрани ташкил этади. Бу эса унинг лирик шеърияти ҳажмидан анча катта. Демак, Ҳаким ота кўпроқ эпик, яъни қиссанавис, дostonнавис шоир.

Лекин бу бой адабий мерос адабиётшунослигимизда на тарихий-адабий, на матншунослик, на шеършунослик жиҳатидан жиддий ўрганилган. Бунинг устига, кўп вақт Сулаймон Боқирғоний шеърияти Аҳмад Яссавий ижоди соясида қолиб кетган. Бу ҳақда, жумладан, олий мактаблар учун тузилган бир дарсликда ўта беписандлик билан "Боқирғон китоби"даги шеърлар ғояси, услуби ва тили жиҳатидан Аҳмад Яссавий шеърларига шунчалик яқин ва монандки, баъ-

зан уларни бир-биридан ажратиш ҳам амримаҳол экани таъкидланади (Н. М. Маллаев. *Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т., 1976, 159-бет*).

Бу — шўро мафкураси тазйиқида юзага келган адабий меросга бирёқлама муносабатда бўлиш оқибати эди. Аслида, Сулаймон Боқирғонийнинг ҳар бир асари, хусусан, киссалари ўз даври қаҳрамонлари образларини адабиётимизга олиб кирган, туркий бармоқ вазни турли кўринишларини ўзбек ёзма шеърятига биринчилардан бўлиб татбиқ этган, услуб жиҳатидан халқона йўлда ёзилган.

Боқирғоний даврида ўзбек адабиётида туркий аъёнлар, бармоқ вазни етакчилик қилар, оғзаки шеърят таъсири кучли бўлган. Арабий ва форсий шеърятга хос хусусиятлар ўзбек шеърятига энди-энди ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди.

"Исмоил қиссаси" ва "Биби Марям" қиссаси мавзулари фақат бизда эмас, бошқа халқлар адабиётида ҳам машҳур диний сюжетлар асосида ёзилган.

"Биби Марям" қиссасида психологик таҳлил кучли. Исо алайҳиссалом — Марямнинг ўғли. У отаси, яъни елдан туғилган. Оллоҳга ардоқли зот ҳисобланса ҳам, ҳаётда кўп қийинчилик кўрган, дашномлар эшитган, камситилган, фақат онасига суяниб яшаган. Бироқ унга кўп илоҳий фазилатлар берилганди: дуо қилса, кўрмас кўзлар — кўрадиган, шол оёқлар юрадиган бўлиб қолар эди.

Кунларнинг бирида маънавий тазйиқ кучайиб, Исо туғилган жойи — Фаластиндан онаси билан Лубнонга (ҳозирги Ливанга) кўчади. Лубнонликлар уларни яхши қарши олади. Хурмат ва иззатда яшай бошлайдилар. Уларга саҳродаги кийиклар, ҳаводаги қушлар, ҳатто, ковақдаги илонлар ҳам саломга келади.

Лекин орадан кўп ўтмай, уларнинг катти-ҳаракатларида шундай ҳодиса юз берадики, Оллоҳ бундан норози бўлиб, Азроилга Марямнинг жонини олишни буюради. Шу пайт Исо уйда йўқ эди, Марям Азроилдан ўғли келгунча жонини олмай туришни илтижо қилади.

Лекин баджаҳл Азроил бунга кўнмай, унинг жонини олади. Онадан етим қолган Исонинг оҳ-фарёдларини шоир катта эҳтирос билан ифодалаган:

— *Аном жонини олдинг,
Кимни ано дегайман?
Кимнинг бирла тургайман? —
Зоре қилиб қўбдиё.*

Шоир тасвирича, Исо майитни кўмиш учун ёрдам сўраб, она юртига боради, улар кўмагида қийинчилик билан бу вазифани адо этади. Марямни ювишга жаннатдан фаришталар келади. Жанозада етмиш фаришта қатнашади. Бу ишга Жаброил ўзи бош бўлади.

"Собит қиссаси"да художўй, диёнатли, "обид" йигит — Собит кунларнинг бирида ўй орқасида, ариқ бўйида таҳорат олар экан, сувда оқиб келган бир дона олмани кўлига олиб, ярмини еб бўлганда, кўнглига Худо "Бу чиройли олма қаердан оқиб келди? Эгаси ким? Уни ейишдан олдин бунни аниқлаб, ҳақини беришим, сўнг ейишим керак эди-ку!" деган фикрни солади ва андишасизлигидан уялгани учун олманинг эгасини топиб, уни рози қилиш мақсадида сув ёқалаб, боққача боради, эгасини топади.

Боғ эгаси бу йигитнинг ҳалол, тўғри ва соддадиллигини кўриб, уни илн-тириш, зинҳор қўлдан чиқармаслик йўлини қидиради, олмани берухсат еганини унга катта айб сифатида қўймоқчи бўлади:

— Бу олмани олибсан, биздин рухсат олмай сан,
Охиратда жазосин хўб берурсан! — тедиё.

Собит “айб”ини тўлки бўйнига олиб, боғ эгасига: “Энди сизни қандай рози қилишим мумкин?” — дейди. “Менинг шундай бир қизим борки, сўзлай деса — тили йўқ, кўрай деса — кўзи йўқ, оёғи ҳам майиб, кўли ҳам ишламайди. Шу қизимни хотин қилиб олмасанг, мен сени шариат йўли билан жазолатаман!” дейди. Собит эса охират жазосидан қўрқиб, унинг таклифига рози бўлади. Бироқ тўй бўлиб, келин-куёв гўшангага киргач, ойдинлашадики, қиз отаси айтгандай гунг ҳам, кўр ҳам, чўлоқ ҳам эмас, хушсурат, айб-нуқсонсиз, иймон-эътиқодли экан. Бу аҳвол ҳам йигитни қўрқитиб юборади. Собит бундан хурсанд бўлиши керак эди. Лекин унга қизнинг отаси ёлгончи экани сира ёқмайди:

— Оғзи десанг, оғзи бор. Кўзи десанг, кўзи бор,
Оят, ҳадис сўзи бор. Мундоқ эрур! — тедиё,
Йигит кўрди қизини. Терс ўғирди юзини,
— Ёлгончидур отоси! Қизни олмам! — тедиё.

Қиссада воқеалар бутун драматизми билан баён қилинган. Қизнинг ота-онаси ёлгон сўзлаганлари учун куёвдан узр сўраб, жиндий масалани ҳазил йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилганларини айтдилар:

Келди қизнинг отоси: йўқдур сўзум хатоси!
Ото бирлан оноси кулуб, узр қилдиё.
Тили йўқдур дегоним — фосиқ сўзни айтмади,
Ҳақ ёрини кўймади тилдин мудом! — тедиё.

— Кўзи кўрдур деганим — номаҳрамлик кўрмади.
Хатти “Қуръон”дин ўзга назар қилмас! — тедиё.
— Оёғи йўқ, деганим — ёмон ишга юрмади.
Эшит эмди бу сўзни, аё фарзанд! — тедиё.

Ўзбек адабиётининг кўп асрлик тарихида бир-бири билан боғлиқ ўзига хос ички тараққиёт қонуниятлари бўлган. Сулаймон Боқиргонийнинг бу каби асарларида XX асрда Абдулла Қодирий, Чўлпонлар яратган Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Зеби каби иймон-эътиқодли, ҳаёли-иболи, покахлоқ қаҳрамонлар намуналари, яъни прообразлари яратилган, дейиш мумкин. Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романида, Эркин Хушвақтовнинг “Қизил олма” драмасида Сулаймон Боқиргонийнинг “Собит қиссаси” асари сюжети қайта ҳикоя қилиб берилгани ҳам бежиз эмас.

Сулаймон Боқиргонийнинг бу қиссалари ўтган бир неча аср давомида машҳур бўлган. Айниқса, аёллар китобхонлик даврасида кўп ўқилган. Бунга уларда ота-ўғил, она-бола мавзуси таъсирчан ҳамда халқчил тилда ёритилгани, ички дард-андухлар ёрқин ифодалангани сабаб бўлган. Бу дostonларни биз бугун фақат XII-XIII аср ўзбек адабиёти контекстидагина эмас, умуминсоний қадриятлар олами майдонида ўқишимиз ва талқин этишимиз керак.

Сулаймон Боқиргоний адабий мероси, жумладан, унинг лиро-эпик асарларини пухта тадқиқ этиш имконияти ҳозир жуда кам. Негаки, аввало, шоир асарлари қўлёзмалари йиғилмаган ва ўрганилмаган. Қолаверса, шоир асарлари матнининг илмий наشري амалга оширилмаган. Бусиз шоир ижодига ҳолисона баҳо бериш қийин.

Хуллас, Сулаймон Боқиргоний ижоди ўзбек адабиёти тарихида тасодифий ҳодиса эмас. Илм шуни исботлаши керак.





“Коперникона to'ntarish”

ёхуд Кант кашфиётининг сири

Одатда фалсафа илми таълимотлар тарихи сифатида ўрганилганида немис миллий фалсафаси унинг ривожига янги босқич тарзида талқин қилинади. Иммануил Кант ана шу давр фалсафасининг асосчисидир. У асос солган мактаб, жаҳон фалсафий тафаккурининг таркибий қисми ўлароқ, унинг кейинги тараққиётида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Кант — нафақат немис халқининг, балки бутун инсониятнинг буюк фарзанди. Унинг номи башарият маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган ақл-заковат соҳиблари қаторида тилга олинади. У фан тарихида бутун олам ривожланиб борувчи яхлит коинотдан иборат экани, унинг бағридаги бизнинг сайёрамиз эса замонда ўз таъсирига эгаллиги тўғрисидаги космогоник гипотеза муаллифи сифатида муносиб ўрин тутади. Фалсафа тарихида диалектика ислоҳотчиси, уни янги маз-



мун билан бойитган мутафаккир сифати-дан хизмати бекиёс.

Космология, космогония, галактикамикдан ташқарида яна бошқа галактикаларнинг мавжуд бўлиш эҳтимоли тўғрисидаги фаразлар, Ернинг бир кеча-кундузги ҳаракати объектис жараёнларнинг таъсири — булар барчаси табиатшунос Кантнинг илмий қизиқиш ва тадқиқотлар доирасини ифода этса, фалсафанинг билиш назарияси, этика, эстетика, давлат назарияси каби йўналишлар файласуф ижодининг муҳим қирраларини ташкил қилади.

Иммануил Кант 1724 йилнинг 22 апрелида Кёнигсберг (ҳозирги Калининград) шаҳрида унчалик бой бўлмаган хунармаңд оиласида таваллуд топган. У туғилган оиладан тақводорлик руҳи ҳукмрон эди. Шундан бўлса керак, ота-онаси дастлаб унинг руҳоний — пастор бўлишини хоҳлаган. Бироқ фан ва фалсафага бўлган қизиқиш уни ёшлигиданок дунёвий илм сирларини эгаллашга ундайди. Иммануилнинг илм-фанга интилиши аён бўлганч, ота-онаси борада маълумот олиши учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилган. Уни Кёнигсбергдаги Фридрих коллегиясига ўқишга берадилар. Кант университетда Ньютон натурфилософияси ҳамда Вольф таълимоти билан яқиндан танишади, латин тилини кунт билан ўрганади ва бу тилда моҳирона ёза оладиган даражага етади. Кант яшаган давр аъналарига кўра, латин тилини билиш зарур эди, шунинг учун у диссертациясини ҳам латин тилида ёзган.

Кант 1745 йилда ўқишни тугатганч, тўққиз йил давомида учта хонадонда яшаб, оила муаллими бўлиб ишлаган. Шундан иккитаси аслзодалар хонадонини эди. Улар бўш вақтларида фалсафий тадқиқот олиб бориши учун Кантни моддий қўллаб-қувватлаб тургани маълум.

1755 йилда метафизик билим тамойиллари тўғрисидаги диссертациясини химоя қилганч, Кант приват-доцент унводини олади. Бироқ профессорлик даражасига эришиш учун у яна ўн беш йил кутишга тўғри келди. Бу давр мобайнида Кант Кёнигсбергдаги сарой кутубхонасида кутубхоначи лавозимида хизмат қилади. Ниҳоят, 1770 йилда у Кёнигсберг университетининг мантиқ ва метафизика

профессори этиб тайинланади. Бу ерда узок муддат — 28 йил мобайнида фалсафа, математика, физика фанларидан дарс беради. Унинг асосий фалсафий асарлари ҳам асосан мана шу даврда ёзилган.

Кант ўз фаолияти давомида педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини уйғунлаштирган ҳолда олиб борган. Шу билан бирга, у вақти ва машғулотларини қатъий ҳамда оқилона тартибда ташкил этган. Унинг ҳаёт ва фаолият тарзидаги бундай аниқлик, ўз-ўзига бўлган талабчанлик кўпчиликини ҳайратга солган. Ҳатто шаҳар кўчаларидаги уйларнинг пештоқидаги соатлар ҳам Кантнинг кундалик иш ва яшаш тартиби, унинг йўлдан ўтиб-қайтишга қараб тузатиб турилгани тўғрисидаги ривоятлар ҳам буюк олимнинг ўзига ниҳоятда талабчанлигидан далолат беради. Бу тўғрида буюк немис шоири Хенрих Хейне таъкидлаганидек, Кёнигсбергдаги "ибодатхона пештоқидаги катта соат ҳам ўзининг кундалик вазифасини Кантчалик аниқлик билан ва бир маромда бажармаган бўлса керак".

Шу боис Кантнинг ҳаёти ва турмуш тарзининг ўзиёқ жуда антиқа ва ажойиб бир фан дейиш мумкин. Бу фан эҳтимол баъзилар учун мавҳум ва жумбоқ бўлиб туюлар, лекин унинг қизиқарли ва ибратли эканини тан олмаслик мумкин эмас. Кулранг нимчада, қўлида қамишдан ясалган ҳассаси билан уйи олдидаги хиёбонга (унинг хотираси ҳурматиға ҳозир Файласуф хиёбони деб аталади) сайр қилиш учун йўл олган олимни кўрган кўшниллар соатларига қарамасданок вақт уч ярим бўлганини билишган. Йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, файласуф бу хиёбон бўйлаб ҳар куни саккиз мартадан ўтиб-қайтишни қанда қилмаган. Ҳаво очик ёки булутли кунларда ҳам, шаррос ёмғир куйиб турган дамларда ҳам содиқ хизматкор қария Лампе узун соябонни кўтарган ҳолда ҳўжайинининг кетидан соядек эргашиб юрган.

Кечки соат тўққиз бўлиши биланок Кант уйкуға ётган. Тонгда ҳеч қачон бундан кеч турмаган. Нонушта ўрнига унчалик аччиқ бўлмаган бир пиёла чой ичган, холос. Чойдан сўнғ эса бир дона, ҳа, ишонаверинг, бир кеча-кундузда фақат бир дона тамаки чеккан. Кун давомида фақат

бир марта овқатланган. Бунда ҳам қатъий тамойилга риоя этган, яъни жуда оч қолганидан кейингина тамадди қилган. У шундай қилинганда овқат танага яхши сингади деб ҳисоблаган. Овқат вақтида стол атрофига ҳамиша олти киши тўпланган. Фақат ўткир зеҳнли, хозиржавоб ва ақлли кишиларгина бундай "зиёфат"да қатнашиш шарафига муяссар бўлган. Озгина шароб, уринмаган балиқ гўшти, кулгили ва марокли хикоялар, зарофат ва латофатга йўғрилган сўхбат олимнинг жону дили бўлган. Зеҳни ва савияси паст кишилар бундай даврага ҳеч қачон тақлиф этилмаган.

Нимжон ва касалманд бўлиб туғилган Кант оқилона кун тартибини ҳеч қачон бузмагани учун узоқ ва энг муҳими, ҳар жиҳатдан соғлом ва сёрмазмун ҳаёт кечирган. Айтишларича, у кундалик ҳаёт тартибини бутун умри давомида фақат бир марта бузган экан. У ҳам бўлса, машҳур француз маърифатпарвари Жан-Жак Руссонинг "Ижтимоий шартнома тўғрисида" асари эндигина босилиб чиққан кунлари, уни бутун дунёни унутган ҳолда, сўнги саҳифасигача ўқишга берилиб кетгани тўғрисида сўхбат бўлган.

Уч ижтимоий омил Кантнинг яшаш ва фикрлаш тарзига кучли таъсир этган. Биринчиси — Жан-Жак Руссо асарлари; иккинчиси — уни ҳуқуқ, давлат назарияси ва фалсафа тарихига эътибор қаратишга ундаган француз буржуа инқилоби; учинчиси эса — дин тўғрисида ёзган асари тўғрисида прусс ҳукумати билан зиддиятга киришгани.

Кант яшаган даврда Германия майда князликлар, эркин шаҳарлар ва қиролликлардан иборат эди. Бир не миллиатнинг умумий манфаатларини бирлаштира оладиган ижтимоий кучнинг йўқлиги мамлакатда ҳукм сураётган давлат абсолютизмига жуда қўл келган. Немис аристократияси, ҳатто назариётчилари орасида ҳам давлат — миллат, турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатидан холи бўлган алоҳида тузилма, деган янглиш тушунча ҳукмрон бўлган. Давлатнинг бундай шакли тўғрисидаги тасаввур ўша даврнинг бир қатор мутафаккирлари томонидан қўллаб-қувват-

ланган. Оқибатда бюрократия тизими кучая бошлаган.

Буларнинг барчаси мамлакат маънавий ҳаёти ривожига таъсир этмасдан қолмасди. Айниқса, мутлақ давлат ҳукмронлиги ва бюрократиянинг фан, адабиёт, фалсафа каби ижтимоий онг шакллари устидан ўрнатган кучли назорати бу борадаги аҳволни янада мушкуллаштирган. Натижада немис фани ва адабиётининг Винкельман, Лессинг, Ҳёте каби вакиллари сиёсий тазйиқ тўғрисида муҳожирликда кун кечиришга мажбур бўлган.

Бироқ эзгу ғояларни тараннум этган немис адабиёти ана шундай оғир вазиятда ҳам жуда катта ижтимоий кучга айланди. Лессинг, Шиллер, Ҳёте шеърлари, драма, поэма ва мақолалари бутун Германияда севиб ўқилмоқда эди. Бизда навоийхонлик, машрабхонлик ва бедилхонлик аънавалари бўлгани каби, немисларда ҳам вольтерхонлик, ҳётехонлик аънавалари вужудга келган. Озодлик, эркинлик фалсафаси шоир ва ёзувчилар ижодининг асосий мавзусига айланган.

Аммо фалсафа ва бошқа фан соҳаларининг аҳволи оғир бўлган. Хусусан, фалсафа тўлиқ илоҳиёт таъсирида қолган эди. Баъзи файласуфларнинг динга нисбатан танқидий муносабати протестант руҳонийларнинг қаттиқ қаршилигига учраган.

Бу даврда Фарб университетларида ўқитилган фанлар асосан диний мазмунда бўлган. Масалан, рационал теология — диний фалсафий жиҳатдан асослаш, рационал психология — жоннинг диний моҳиятини тушунтириш, рационал космология эса олам тўғрисидаги диний қарашларни изоҳлаш билан шуғулланган. Бир сўз билан айтганда, ўрта асрлардаги диний мутаассиблик янги даврда ҳам ўз таъсирини йўқотмаган эди. Гарчи Уйғониш даври мутафаккирлари дин билан муро-са қила олмай, ҳурфикрликка эришиш учун курашчан йўл тутган бўлса-да, фалсафа соҳасида дин билан муро-са қилиш тамойили ҳамон кўзга ташланиб турарди.

Иммануил Кант ана шу мураккаб давр вакили, унинг ижоди эса ўша давр инъикоси эди. XVIII аср охиридаги Францияда инқилобий ҳаракатлар Кантга жуда кучли таъсир қилади. У янги мазмунда-

ги фуқаролик тартиби ва ҳуқуқий омонларни амалга ошириш йўлларини айнан шу воқеаларда кўради. Унинг 1789 йилги француз инқилобига хайрихоҳлиги ҳам ана шундан. Шу боис Кант ҳуқуқ муаммоларига бағишланган асарларида феодалча мерос имтиёзларини қатъий рад этади.

Аmmo аллома француз инқилобига анча хушёрлик билан, бир қадар мавҳум фалсафий тарзда муносабат билдиришга интилган. Чунки ўзи билан ҳокимият ўртасида ҳар хил ихтилофлар келиб чиқишини истамас эди. *

Шунга қарамай, у бундай ихтилофлардан ҳалос бўлолмади. У динни ижтимоий тартибнинг бош мезони ва халқни итотда сақлаб туриш востиси деб билган ҳукумат томонидан қаттиқ таъйиққа учради. Бунга Кантнинг 1794 йилда чоп этилган "Дин фақат ақл доирасида" асари сабаб бўлган эди. Асар мутаассиб руҳонийлар ҳамда ҳукмрон доираларнинг кескин норозилигини уйғотган. Хусусан, немис файласуфининг динни деизм руҳида ва ахлоқий қадриятлар нуқтаи назардан талқин қилиши амалдаги протестантлик тамойилларига зид деб қаралган.

Француз инқилоби ғояларининг Германияга тарқалишидан ҳадиксираб юрган прусс қироли Фридрих-Вильгельм 1794 йилда шахсан Кантга дахлдор махсус фармон чиқаради. Унда Кант агар бундан кейин ҳам дин масалаларида протестантлар эътиқодига пугур етказувчи асарлар ёзгани бўлса, қаттиқ жазоланиши ҳақида таъкидланган эди. Натижада Кант маърузаларида ҳам, асарларида ҳам диний масалалар юзасидан бундай "шаккоклик" қилмасликка ваъда беради. Тўғри, 1797 йилда қирол Фридрих-Вильгельм вафотидан сўнг у сўзидан қайтди. Бироқ бу даврга келиб олимнинг умри ҳам, ижодий имкониятлари ҳам поёнига етиб қолган эди. Ўша йилдан бошлаб буюк файласуф университетда дарс беришдан воз кечади, умрининг қолган қисмини осуда уй шароитида кечиришга қарор қилади ва 1804 йилнинг 12 февралда вафот этади.

Кант фаолияти одатда икки даврга бўлиб ўрганилади. Биринчиси — танқидгача бўлган давр, иккинчиси эса — танқидий давр. Уларнинг ҳар бирида Кант

қарашларига хос муҳим хусусиятлар муҳасамлашган.

Биринчи давр Кантнинг дастлабки фалсафий асари — "Жонли кучларни тўғри баҳолаш тўғрисида фикрлар"дан (1747 йилда чоп этилган) бошланиб, 1770 йилгача давом этган. Унинг "танқидгача" деб аталиши бу даврда Кантнинг танқидий ёндашуви ҳали шаклланмагани билан изоҳланади. Иккинчи давр Кантнинг "Ҳиссий ва ақлий англонадиган дунёнинг шакли ва тамойиллари тўғрисида" мавзусидаги диссертациясидан бошланиб, олим фаолиятининг охиригача бўлган муҳим қамраб олган. Унинг "танқидий" деб аталишига асосий сабаб шуки, Кант бу даврда барча фалсафий изланишлар танқидга асосланиши керак деган тамойилга таяниб ижод қилган. Шу боис у инсоннинг билиш қобилияти ва унинг билими қамрай оладиган чегараларни танқидий тадқиқ этиш лозимлигини илмий асослашга ҳаракат қилган. Албатта, файласуф ижодининг бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи бу икки даврга бўлиниши тасодикий эмас. Бунда, Кантнинг ўзи ёзганидек, инглиз фалсафасининг йирик вакили Давид Юм асарларининг таъсири кучли бўлган.

Агар Кант дастлабки даврда нарсаларнинг ўз ҳолича мавжуд бўлишини оддий мулоҳазага таянган, тажрибага асосланмаган ҳолда билиш мумкинлигини эътироф этган бўлса, танқидий даврга келиб, билишнинг бундай усулини бутунлай инкор қилган.

Танқидгача бўлган даврда Кант илмий изланишлари марказида табиат фалсафаси муаммолари турган. Олимнинг 1755 йилда эълон қилинган "Осмоннинг умумий тарихи ва назарияси" асаридаги сайёралар тизимининг дастлаб туманлиқдан пайдо бўлиши тўғрисидаги фаразни коинотни англаш ва астрономия илми ривожига муҳим аҳамият касб этган. Бундан ташқари, Кант Қуёш системасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Ер тарихи ва унинг истиқболи, ҳаракатнинг хусусиятлари, сув кўтарилиши ва пасайишининг аҳамияти каби масалалар устида сермаҳсул изланишлар олиб борган.

Кейинги даврда эса гносеология, этика, эстетика Кант қизиқишларининг асо-

сий мавзуи бўлган. Билиш жараёнида инсон ақли имкониятларига турлича баҳо бериш Кант фаолиятидаги икки даврни тубдан фарқлаб турарди. Чунки танқидгача бўлган даврда файласуф инсон ақли ёрдамида билиш имкони бўлмаган нарсаларга ҳам эришиш мумкинлигига ишонган. Бу даврда ёзилган асарларда олимнинг билиш соҳасидаги барча қийинчиликларни аниқ тасаввур қила олиши ва уларни руҳан тушкунликка тушмай, умидсизланмай енгиб ўтишга бўлган ишончи яққол акс этиб туради. Аммо, танқидий даврга келиб ақлнинг билиш борасидаги имкониятларига бўлган бундай ишонч ўрнини ишонсизлик эгаллайди. Натижада Кантнинг билиш назариясида агностицизм — дунёни тўлиқ билиш мумкинлигини инкор этиш гоёси ҳукмронлик қила бошлаган.

Кант даврининг ўта билимдон зиёлиси бўлган. У замонасидаги фанлар эришган барча ютуқларни теран ўзлаштирган, уларга таянган ҳолда асарлар битган. Бу ҳол, айниқса, танқидгача бўлган даврда аниқ кўзга ташланади. У астрономия, геология, физика, антропология сингари фанлар асосларининг пухта билимдонни бўлгани учун Кёнигсберг университетидида фалсафий фанлардан ташқари бир қанча табиий фанлардан ҳам маъруза ўқиган.

Кантнинг табиатшунослик масалаларига оид илмий қарашларининг шаклланишида Ньютон, Декарт, Коперник, Кеплер, Галилей, Лейбниц каби мутафаккирларнинг таъсири сезиларли бўлган. Уларнинг асарлари билан яқиндан танишиш Кантга ўзига хос космогоник назарияни асослашда катта ёрдам берган. Ньютоннинг табиий-илмий қарашлари, Декартнинг теологидан деярли холи бўлган механик космогонияси, Коперникнинг гелиоцентрик назарияси, Кеплернинг сайёралар ҳаракати, Галилейнинг жисмларнинг ерга эркин тушиши қонуниятлари Кант космогониясининг назарий асосини ташкил этади.

Бироқ у аввало файласуф эди. Шунинг учун Кант асарларида илмий ютуқлар мужассам бўлган фалсафий хулосалар устун туради. Бошқача айтганда, Кант фаолиятининг биринчи даври табиатшунослик илми тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. 1758 йилда ёзилган "Ҳаракат ва

сокинликнинг янги назарияси" рисоласи бу даврда яратилган асарлар орасида алоҳида ўрин тутади. Унда Кант Декартнинг ҳаракатнинг нисбийлиги тўғрисидаги фикрини ривожлантириб, жисмларнинг ҳар қандай ҳаракати уларнинг ўз жойини ўзгартириш жараёнидан иборат, деган хулосага келади. Немис файласуфи Декартдан ўзиб кетган ҳолда, мутлақ сокинлик бўлиши мумкин эмаслиги, ҳаракат табиатнинг универсал ҳодисаси экани ҳақидаги фалсафий фикрни илгари суради.

Кантнинг танқидгача даврдаги баъзи асарлари Лейбниц рационалиزم таъсирида ёзилган. Хусусан, унинг "Метафизик билишнинг дастлабки тамойилларини янги-ча ёритиш" (1755), "Оптимизм тўғрисидаги баъзи муҳокамалар тажрибаси" (1759) асарлари шулар жумласига киради.

Маълумки, Лейбниц қарашлари, кейинчалик шаклланган Вольф мактаби рационалиزمи каби, предметни билиш асослари предмет борлигининг асосларидан фарқ қилмайди деган хулосага таянган. Кант эса, улардан фарқли ўларок, билиш асослари билан борлик асослари ўртасида фарқ мавжудлиги гоёсини илгари сурган. Унинг фикрича, нарсалар моҳиятини билиш уларнинг асл моҳиятидан фарқ қилиши лозим. Яъни, билиш, унинг асосида олинган билимлар ўз объектдан фарқ қилади, улар субъектив ҳодисалардир. Бундай фарқлаш кейинчалик немис файласуфи ижодининг иккинчи — танқидий фалсафа даври учун замин бўлиб хизмат қилган.

Кантнинг билишни реал воқеликдан фарқлаш гоёси шу даврда шаклланган. Аммо бу гоё унинг таълимотида сезиларли аҳамият касб этган эмас. Файласуф бизнинг ақлимиз нарсалар ўртасидаги реал боғлиқликини билиш қобилиятига эга эмаслигини таъкидламоқчи бўлган, холос. Кант агностицизмнинг бошланғич нуқта-си ҳам, файласуф ижодининг иккинчи даври ҳам айнан шу нуқтадан бошланади. Бу даврнинг асосий хусусияти билиш назарияси — гносеологиянинг фалсафий фан даражасига кўтарилганидир. Фалсафий фикр ривожига ҳисса бўлиб қўшилган бу таълимотни Кантнинг ўз ибораси билан

айтганда, "коперникона тўнтариш"га қиёслаш мумкин.

Кантгача бутун Оврупо фалсафаси, гарчи аънанавий равишда "фанларнинг отаси", "донишмандлик илми" ҳисобланиб келган бўлса-да, ҳамон Афлотун ва Арасту илгари сурган муаммолар тўғрисида бош қотириш билан банд эди. Кант эса инсон ақлининг энг назик жиҳатларини англаш бобида унганча ҳеч ким эътиборга олмаган нарсаларни кўра билган биринчи файласуф бўлди.

Кант таълимоти асосан нима учун ва қандай қилиб деган саволларга берилган жавоблардан иборат. Нима учун бизнинг олам тўғрисидаги билимларимиз мавжуд, қандай қилиб инсонда янги билим ҳосил бўлади, бу билим нимага асосланади, билиш жараёни қандай бошланади ва бу жараённинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Буларнинг барчаси немис файласуфини қизиқтирган, айна чоқда фалсафа тарихида гносеологик муаммолар ҳеч қачон бу тарзда қўйилмаган масалалар эди.

Кантнинг фикрига кўра, барча билимлар, бир томондан, бизни ўраб турган борлиқдан иборат ва ҳиссий тажриба ёрдамида ҳосил қилинади. Бошқа томондан эса, билимнинг таркибидаги турли тушунча, гоё, хулоса, мулоҳаза ва назарияларда бизни ўраб олган борлиқдаги сингари ушлаш, кўриш, пайқаш мумкин бўлган бирон бир нарса йўқ. Шундай экан, билим қандай ҳодиса? У қаердан олинади, қай тарзда пайдо бўлади?

Айнан ана шу муаммолар Кантни объектив дунёни билиш борасида "коперникона тўнтариш" ясашга ундаган. Файласуф назарида, борлиқ кўпчилик ўйлаганчалик содда эмас, балки анча мураккаб моҳиятга эга. Уни қандай бўлса шундайлигича билишда инсон сезгилари ягона восита ҳисобланади. Бошқача айтганда, биз нарса ва предметлар дунёсини кўра оламиз-у, ammo уларни ташкил қилган атом ва молекула заррачаларини, турли майдонларни, шунингдек, ўзаро боғлиқ бўлган табиат ҳодисаларини кўра олмаймиз. Кантнинг ўйлашича, инсон табиатига хос номукамаллик уларни кўра олишга имкон бермайди. Файласуф тушунчасига кўра, барча қонунлар, жумла-

дан, табиат қонунлари ҳам бизнинг онгимизда жойлашган. Бинобарин, билиш жараёнида биз фақат онгимиз хусусиятлари билан иш юритамиз, холос. Шунинг учун бизнинг онгимиз, сезгиларимиз ва ақлимиздан ташқаридаги барча мавжудот — "нарса ўзида" ҳолатида мавжуд, яъни унинг сир-асрори, моҳияти фақат унинг ўзи билангина ифодаланиши мумкин. Уни билиб бўлмайди. Шунинг учун Кант фаннинг бош вазифаси — инсон ақлининг имкониятлари чекланганини тадқиқ этишдан иборат, деган фикрни илгари суради. Бунда инсоннинг билиш имконияти ва қобилиятларини танқидий ўрганиш гоёси априор, яъни тажрибага-ча бўлган билишга тегишлидир. Априор билимлар тажрибадан ташқари билимлар бўлиб, улар ҳодисалар ўртасидаги умумий сабабий боғланишларни ифода этади. Тажриба асосида ҳосил бўладиган билимларни эса Кант апостериор, яъни тажриба асосида эришилган билимлар деб атаган. Апостериор билимлар мантикий фикрлаш жараёнида қайта-қайта синовдан ўтган ҳолда ҳосил бўлган таҳлилий хулосалар бўлган боис уларни априор билимларга таққослаб бўлмайди.

Кант фалсафаси априор билимларнинг ҳосил бўлиши масаласида идеализмга асосланган. Лекин Кант идеализми — трансцендентал фалсафадан иборат танқидий идеализмдир.

"Трансценденталлик" тушунчаси аслида схоластик фалсафада кенг қўлланилган ва мавжудлик олами чегарасидан ташқаридаги борлиқни англатган. Кант бу тушунчанинг гносеологик аҳамиятини ёритиб беришга уринган. Яъни, унингча, илмий тажрибага асосланган билишнинг замири — априор шароитларга тегишли барча нарсалар трансценденталликни ташкил этади. Масалан, фазо, вақт, субстанция, сабабийлик шулар жумласидандир. Кант фалсафасида фазо ташқи сезги ёки мулоҳазанинг априор шакли бўлса, вақт унинг ички априор шаклидир.

Илмий билимнинг ишончлилиги ҳиссийлик ва мантикийликнинг априор шакллари билан боғлиқ. Агар ҳиссийликнинг априор шакли математик билимларнинг ишончлилики шартли ҳисобланса, табиат-

шуносликнинг ишончлилик шарти мантиқийликнинг априор шакли ҳисобланган. Масалан, Кантнинг фикрича, математик тенгламалар ўрганилаётган предметни ёки фазони соф ҳис қилиш (геометрия) ёки вақтни соф мушоҳада этиш (арифметика) натижасида намоён бўладиган билишдан иборат.

Шундай бўлса-да, Кант фалсафий гносеологиясининг асосий мақсади билимларнинг ишончлилигини асослашдан иборат эмас. Унинг фикрича, янада муҳимроқ мақсад борки, у ҳам бўлса, ақлий жиҳатдан идрок этиш ва англаш мумкин бўлган дунёнинг худо, эркинлик, умрбоқийлик каби "объект"лари мавжудлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Бундай ҳақиқатларнинг борлигига ишонч ҳеч қандай илмий танқид ёки илм-фан тараққиётига боғлиқ эмас. Кант кашф этган идеализмнинг алоҳида тури эса ақлий жиҳатдан идрок этиладиган дунё объектларининг "нарса ўзида" ҳолида мавжудлигига ишонтиришга қаратилган. Бу фалсафа, бизнинг назарий билиш имкониятларимиз алоҳида ҳодисалар билангина чегаралангани учун, гўё "нарса ўзида"ни билиш мумкин эмаслигини асослаб берувчи таълимотга айланади. Уни Кант танқидий идеализм деб атаган ва бу борада ўзига хос фалсафий қарашлар мажмуини яратишга ҳаётининг иккинчи даврини сарф этган.

Кант объектив дунёнинг реал мавжудлигини тан олган, фақат уни иккига, яъни ҳодисалар дунёси билан ҳеч қачон билиб бўлмайдиган "нарса ўзида" яшовчи дунёга ажратган.

"Нарса ўзида" деганда Кант, аввало, онгимиздаги ҳиссий ва мантиқий билиш шаклидан ташқаридаги объектларни тушунади. Уларнинг барчаси ўзича мавжуд. Инсон "нарса ўзида"ни билиш қобилиятига эга эмас. Инсон моҳияти пинҳон бўлган нарсаларни эмас, балки ташқи ҳодисаларнигина била олади. Ҳодисаларни ўрганиш эса билимларимизни бойитиб туради. Кантнинг фикрича, ҳодисалар дунёсида зарурий боғланишлар ҳукмронлик қилгани боис улар узвий алоқадорликда намоён бўлади.

Кантнинг таъкидлашича, инсоннинг би-

лиш қобилияти бир вақтнинг ўзида чекланган ва чекланмаган. Билишнинг чексизлиги субъектив руҳда талқин этилади, яъни ҳар қандай комусий фан табиат ҳодисаларини кузатиш ва таҳлил қилишда чегара билмайди. Бироқ, айна пайтда, у чекланган ҳамдир. Чунки илмий билимлар ҳар қанча бойигани ва чуқурлашгани билан онгимиздан ташқарида мавжуд ва унга боғлиқ бўлмаган объектив реалликини билишнинг зарурий ва мантиқий шакллари-дан ташқарига чиқа олмайди.

Кант фалсафасида "нарса ўзида" билиб бўлмайдиган ҳақиқат сифатида талқин этилиши, шубҳасиз, агностицизмнинг ёрқин кўринишидир. Бироқ унда билиб бўлмасликнинг бошқа бир жиҳати ҳам акс этган. Хусусан, Кант "нарса ўзида" тушунчаси орқали объектив дунёни билиб бўлмаслигини эътироф этган, бироқ бу — дунё инсондан ҳамisha сир тутишини билдирмайди, деган қарашни ҳам илгари сурган. Шу маънода, "нарса ўзида" деган қарашнинг бир оз ўзгача талқини Кантнинг этика, тарих фалсафаси, давлат ва ҳуқуқ фалсафаси тўғрисидаги қарашларида акс этган. Бундай талқиндаги "нарса ўзида" инсон ақли билан идрок этиладиган дунё объектларидан ташқарида умрбоқийлик, киши ҳаракатларининг асоси бўлган эркинлик ҳамда оламнинг яратувчиси — худонинг мавжудлигини англатади.

Эркинлик, Кант фикрича, инсоннинг ҳис этиладиган дунё қонуниятларига боғлиқ бўлмаган хатти-ҳаракатларни мустақил содир эта олишидир. Умрбоқийлик эса руҳ ва жоннинг ўлмаслигидир, дея таъкидлайди аллома. Агарда инсон онгли равишда эркинлик, умрбоқийлик ва худонинг мавжудлигига ишонч ҳосил қила олса, шунда фалсафа ўзининг олий даражадаги вазифасини бажарган бўлади.

XVIII аср Оврупо воқелигининг умумий ривожи Кантнинг айнан ана шундай хулосага келишига сабаб бўлди. Зеро, ўша давр табиатшунослик фанлари ютуқларидан яхшигина хабардор бўлган файласуф эркинлик, умрбоқийлик ва худонинг мавжудлигига илмий далилларсиз ишонч ҳосил қилиш мумкин эмас деб ҳисобларди. Фан эса чегарасиз эрк ҳам, мангулик

хам бўлмаслигини борган сари кўпроқ исботлар эди. Ана шундай вазиятда Кант худого эътиқод қилиш масаласини янги-на талқин этишга уринади. Унингча, бундан кейин ҳеч қандай илмий ва фалсафий танқид бу борадаги эътиқодга путур етказишга қодир эмас.

Худди ана шу асосда Кант воқеликни "ҳодисалар дунёси" ва "нарсалар ўзида дунёси"га ажратишга ҳаракат қилади. Табиатни илмий билиш объекти сифатида у "ҳодисалар дунёси"га — эркинлик, мангулик, худони эса "нарсалар ўзида дунёси"га нисбат беради. "Нарса ўзида"ни билиб бўлмайдди. Демак, худо ҳам билиб бўлмайдиган "нарса ўзида" мақомидадир. Оламда унинг мавжудлигига зид бўлган далил ҳам, даъво ҳам топиш мумкин эмас.

Кантнинг танқидий ёндашуви билиш назариясида анчагина ноизчилликларга олиб келиш билан бирга, айрим диалектика унсурларини қайд этиш имконини ҳам яратади. Бу ҳол файласуфнинг ақлдаги зиддиятлар ва билиш юзасидан билдирган фикрларида ифодасини топган. Мазкур зиддиятларни у антиномиялар деб атаган. Булар — дунёнинг чекланган ва чексиз, сабабий ва сабабсиз, оддий зарралардан ташкил топган ва ташкил топмагани ҳақидаги зиддиятлардир. Антиномияларни Кант мустаҳкам мантиқий ишончга эришиш воситаси деб билган.

Аллома таҳлил этган антиномиялардаги тезис ва антитезис тафаккур ва билиш диалектикасини тўғри тушунишда янги қадам бўлган дейиш мумкин. Улар диалектиканинг кейинги тараққиётида муҳим ўрин тутган. Хусусан, антиномиялар унинг таълимотида "нарса ўзида"нинг билиб бўлмаслигини, инсон ақлининг "нарса ўзида" билан ҳодиса ўртасидаги чегарадан ҳеч қачон ўта олмаслигини исботлашга хизмат қилган. Шуниси ҳам муҳимки, немис файласуфи баён қилган диалектик зиддиятлар бизнинг онгимизда акс этадиган ташқи дунё зиддиятларининг тўлиқ ифодаси эмас. Улар билимларимизнинг бойиш жараёнини кўрсатмайди, балки инсон ақлининг "нарса ўзида" дунёсига кириб боришидан тўсиб туради, холос.

Кант таълимоти фалсафий фикр тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. У турли мунозара ва танқидларга ҳам сабаб бўлган. Баъзилар уни "ўнгчилик" нуқтаи назаридан инсон онгига боғлиқ бўлмаган "нарса ўзида"ни эътироф этгани учун материалистик ноизчилликда айбласа, бошқалар "сўлчилик" нуқтаи назаридан танқид қилиб, "нарса ўзида"ни тан олгани эмас, балки ушбу тушунча орқали бизни ўраб турган нарса-ҳодисалар дунёсини билишни инкор этгани учун маломат тошларини отган. Шу тариқа Кант фалсафасини "ўн" ва "сўл"дан туриб танқид қилувчилар ҳамда бу таълимотни махсус ўрганувчи мутахассислар пайдо бўлди. Фалсафий фикр боши берк кўчага кириб қолган даврларда эса "Орқага — Кантга қайтайлик" дея уни қўмсаганлар ҳам бўлди. Буларнинг барчаси шунини кўрсатадики, Кантнинг таълимоти фалсафа тарихида анчагина шов-шувга сабаб бўлган. Кейинчалик Кант ижодидан баҳра олган турли файласуфлар ҳам уни муайян масалада материализм, идеализм ёки дуализм томонида турганликда айблаган.

Айни пайтда унинг ҳамфикрлари ҳам йўқ эмасди. Кантнинг тарафдорлари XIX асрнинг иккинчи ярмида кантчилар, сўнграқ эса неокантчилар фалсафий мактабига бирлашди.

Хуллас, Кант ва унинг таълимоти ҳақида турли фикр ва мулоҳазалар билдириш мумкин. Аммо, нима бўлганда ҳам, нафақат немис мумтоз фалсафаси, балки бутун жаҳон фалсафасини Кантсиз тасаввур этиш қийин. Файласуфлар орасида Кант бўлмаганида Фихте ҳам, Шеллинг ҳам, ҳатто Гегель ҳам бўлмас эди, деган фикр бежиз пайдо бўлмаган.

Кант ижодига қизиқиш вақт ўтгани сари ортиб бораётгани юқоридаги фикрларнинг нечоғлиқ тўғри эканини тасдиқлайди. Чунки унинг асарлари файласуфларнинг ҳар бир авлодида даврнинг кўплаб муаммоларига жавоб топишда ёрдам беради. Шу маънода, Кант жаҳон фалсафаси тарихидан буюк ва бетакрор файласуф сифатида мустаҳкам ўрин олган, унинг илмий мероси эса бутун инсоният маданий тараққиёти учун ҳали узоқ йиллар хизмат қилиши шубҳасиз.

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН УЗИНГ

Абдулхамид ИСМОИЛ



IK KI CHOL QISSASI

(Тоир Маъдий бисотидан)

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

1

Кечкурунлари ёлғиз ўзи сайр этиб кимсасиз уйига қайтарди-да, хассасини бурчакка тираб, чигили ёзилмаган оёқларини судраганча юқориги хонага чиқиб кетарди. Суякларими, зиналарми оғир вижирлар, мияда эса тегирмон тошлари ҳам янча билмайдиган ўша битта савол айланарди: “Нима бўляпти ўзи?” Бу саволга жавоб эмас, шунчаки тасалли топиш ниятида ошхонага кириб алангларди, аммо чой қайнатишга ҳам хуши бўлмай яна катта хонага чиқарди, бу ерда на чирок ёқар, на ўтиришга майл топар эди. Сўнг апил-тапил ювиниб, ётовига ўтардию ечинмасдан ўзини ўринга ташларди. Шу ётганча хоб-бехоб бутун вужуди билан гўё вақтнинг имиллаб ўтишини зимдан кузатар эди.

2

Ёшлиқда арзимаган нарсаларга ҳам чалғийверар экан киши. Телевизор кўришинг, радио эшитишинг, китоб ўқишинг, жиллакурса, ўз-ўзингни хар хил бўлмағур хаёллар билан овутишинг мумкин. Энди эса ўша эрмакларни эсланга ҳам мадор етмаётгандек туюлади.

Кечаси соат икки-учларда ўрнидан туриб, хожатхонага кирар, тувакда ўтирганча жўмрақдан томчилаётган сувни кузатар, онда-сонда эшитилиб қоладиган шовкин-суронга, товушларга кулок тутар эди. Ичи мусалласдан бўшаган хумдек... Чак-чак этиб сув томар, зийрак кулок эса бўшлиқдан, жимжитликдан бир садо келармикан, деган илинжда мана шу чаккини хар охангга солиб кўрар эди.

3

“Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушқулҳо...” деган мисра ёш йигитнинг фикри бўлса керак.

Хаёт кейинчалик жўн бўлиб колар экан. Вужудинг нени ҳис этса, миёнда ҳам ўша нарса акс этади. Узун-узун ҳаёлларга кучинг етмай қолади. Чалғишга, ён-верингга аланглашга ҳафсала йўқ. “Уф” тортиш ҳам бир азоб.

4

Бундан рошпа-роса икки ой муқаддам Махсумни ерга қўйдилар. Икки ой ҳам чол ҳаётида анча-мунча фурсат экан. Бир умрга татигулик фурсат. Қариликни бахт деб бўлмайди. Қарилик қандай қилиб бахт бўлсин?! Ўтган умрингдан ижирғанмасанг ҳам, лекин нимадандир кўнглинг тўлмайди, нимадандир қаноатланмайсан.

Бир кун келиб ҳар қандай кишининг паймонаси тўлади.

Махсум охириг кунига қадар қазойи муаллақ ҳақида гапириб юрди. Гўё тақдирга тан бергандек кўринарди-ю, аммо барибир бу дунёни ташлаб кетишни истамас, кўзларида армон бор эди.

5

Кейинги салкам беш йил мобайнида Махсум билан бирга умргузаронлик қилди. Болалари чет элга қўчиб кетгач, булар ҳамхона бўлиб қолишган эди. Илгари куда-андачилик, юз-хотир деган гаплар бўларди. Энди бу гаплар ҳам таомилдан қолибди, чоғи. Бир уйни сотиб, пулини чолларнинг еб-ичишига қолдиришди-да, яна биттасига икковини тикиб, ўзлари бизнеснинг кетидан қувишди. Дастлаб икки чолнинг гапи гапига тўғри келмади, ҳеч чиқиша олмади. Бу келишмовчиликнинг илдизи чуқур эди — куда-андачилик бошланган кундан бери давом этарди. Яъни, Марленнинг кизи Клара қайсидир гап-гапшакда Махсумнинг ўғли Абдуманнобни учратиб, унга кўнгли қўяди. “Шу йигитга турмушга чиқаман!” деб оёқ тираб туриб олгандаёқ орага совуқчилик тушди. “Қизим, тенг тенги, тезак қоғи билан”, деб насиҳат қилиб кўрди Марлен. Бироқ, Кларанинг қулоғига гап кирмади. Охири тўй бўлди. Ўшанда, коммунистнинг кизи диндорнинг ўғлига тегибди, деган гап етти иклимга тарқалди. Бу гапни Марлен Саидваккасович кўтара олмади. Ҳагто, қизини оқ қилишга ҳам чоғланиб кўрди. Қизи эса пинак бузмасдан: “Оқ қилиш дегани, папочка, мусулманский сарқит — обряд ҳисобланади”, деди.

6

Тўйдан кейин судлашмоқчи ҳам бўлди. Лекин ким билан судлашсин, ўз кизи биланми? Қуда тараф иссиқ-совуқ қилди деса, коммунистик ғояларга бидъатларни суқиштиряпти деган иғво чиқади. Марлен хотинини “патриархальный” мақомда сўқиб хуморидан чиқди. Хотини парткомга шикоят қилиб, тенг ҳуқуқли эканини эслатиб қўймоқчи бўлди-ю, ич-ичидан эзилиб юрган эрига раҳми келиб, шаштидан қайтди, бошини эгиб туриб берди.

Э-э, раҳматли хотини! Ундан кейингиси билан уч ойи кам тўрт йил яшаган бўлса-да, барибир, кўз очиб кўрганидек бўлмади. Хотиннинг ўғайи бўлмайди, дейишарди. Қаёқда! Бўлар экан.

7

Фикр-хаёли чувалашиб негадир Махсумга қайтаверади.

Бир куни болаларидан “мерос” қолган икки қаватли квартиранинг ката-лакдек нимқоронғи хонасида “халқлар отаси”нинг сарғайиб кетган газетадаги суратини катталаштириб қўчираётган эди. Махсум занг чалмасдан ўз калити билан эшикни очдию юмшоқ маҳсиларида фаришта мисоли енгил юриб келиб, Марленнинг тепасида серрайиб томоша қила бошлади. Марлен Саидваккасович сесканиб орқасига ўтирилса — Махсум! У хижолатомуз алланималарни минғирлади. Марлен унга сира дашном бермасди. Ўзи билан ўзи овора эди. Бироқ бу гал унинг минғирлашидан жахли чикиб жеркиб берди. Махсум индамайгина ўз хонасига чикиб кетди. Ярим кечаси паства тушиб таҳорат ушатди. Уйқуси қочган Марленнинг яна жахли чиқди.

8

Мана, энди битта ўзи қолди. Жўмрақдан ҳамон сув томчиляпти. Ўридан туриб жўмрақни маҳкамроқ ёпиб қўйишга на ҳоли, на майли бор. Ҳозир набиралари ўрисча билан инглизчани аралаштириб гапириб қаерларда юришган экан? Каттаси онасига тортибди. Бир куни телефон қилиб қолди. “Нима қиялпсан, синок?” деб сўраса, “Папам бизга китоб ўқитяпти”, дейди. “Қанақа китоб экан? Ўрисчами?” “Билмадим қай, лекин баҳоси етти доллар экан”, деб жавоб берди тирранча.

9

Бу зумраша ўзи илгаритдан анойи эмасди. Беш-олти йил аввал, Марлен Саидваккасович хали нафақага чиқмаган, тагида давлат бериб қўйган опшок “ГАЗ-31” бор эди. Бир куни эрталаб қизига сим қокса, ўша тўнғич набираси тўшакни олди. “Ие, сан шу пайтгача уйда нима қилиб ўтирибсан, боғчангача чиқмадингми?” “Мошина қутяпман”. “Мошинани нима қиласан, боғчанг бир қадам-ку?!” “Сизнинг ишхонангиз ҳам бир қадам-ку?..” “Биласанми, мен кимман — партияний руководитель!” “Ну и что? А, ман партияний руководительни наварасиман!”

Ўшанда Марлен Саидваккасович ғудраниб тайинли бир гап айтолмаган эди.

10

Ҳазаллару ояти қаримани кироат билан ўқийдиган кенжа набирани Махсум кўпроқ сийларди. Болалари “хижрат” қилгандан кейин ҳам анча вақтгача масжиддан сарвардалар қўтариб келиб юрди. Марлен хардамхаёл Махсумни бир-икки қойиди. У хафа бўлмасди, ишшайиб тураверарди, шафақлари қизариб, намланиб турадиган кўзларини артиб қўярди, холос.

11

Махсумнинг қизиқ одатлари бор эди. Гоҳида ўзининг хўжаю сайидларга бориб тақаладиган ота-бува авлодларини санаб ўтирар, гоҳ ўшалардан биттаси бўлмиш холаваччаси Солихон тўранинг хулқ-атворидан гапириб қолар эди. “Анови куни тўрам, ўғлингиз Абдуманноб яқин-орада келиб қоларми-

кан, зарур ишим бор эди, деб мени олдингизга юборган эди. Мен хабар топиб келгани кетган киши бўлиб куни бўйи Чорсудаги чойхонада бекорчи-хўжалар билан хангомалашиб ўтирдим-да, кечкурун олдиларига ўтиб, хали-бери келмас экан, дедим. Тўғри қилибманми?” деб сўраб қоларди, боёқиш. Соддалигидан на қулишингни биласан, на қувлик қиялпти деб ўйлайсан...

12

Махсум ўша холаваччаси Солихон тўра билан Марленни ҳам таништирган эди. Девсифат, шоимўйлов тўра қаршисида эгилган ҳам эгиларди, эгилмаган ҳам. “Вей, нимангга гердаясан ўзи? Дастмоем билан бир урсам йиқиладиган ҳолинг бор экан-у, яна бақрайишингга ўлайми?!” деган эди бир гал бозорда тартиб ўрнатиб юрган мелисага.

13

“Қўйинг, гапирманг ўша муллаларийзди! — дерди у Махсумга беписанд кўл силтаб. — Меядан бўш квартирамнинг қалитини олиб, қиз ўйнаб юришарди-ку, пиёнисталар”. Махсум бундай дашномни эшитиб, қудасининг олдида изза бўларди. Боз устига, эндигина олқиш олиб, мазахўрак бўлиб қолган ахли уламо учун ўзи хижолат тортиб, нафаси бўғзига тикилиб қоларди, хатто истиффор айтишга ҳам мадори етмасди.

14

Битта қўйнинг гўштини қозонга ташлаб, ундан қиём бўлиб ажралиб чиқадиган шўрвасини ичиб юрадиган Солихон тўра ҳам дунёни орқалаб кетолмади. Соппа-соғ юрган одам бир куни гуп этиб йиқилдию тилдан қолди-қўйди. Энди илгариги қариллашлар қаёқда дейсиз! Икки кундан кейин омонатини топширди. Бир вақтлар меҳмонларга кўз-кўз қилиб, тез-тез алмаштириб кийиб чиқадиган етгита ноёб зарбоф тўни ҳам, отаси замонида ўтган бир ёвқур қўрбошидан қолган тулки қалпоғи ҳам жияиларига, хирапашша шотирларига қолиб кетди.

Махсум бундай ҳикоя қиларди: “Абдуманнобга айтинг, чет элдан зўр киночи топсин, ўша тулки қалпоғимни кийиб, пўстинимни ёпиниб Қўрбошини ўйнаб берай! Овозини бўлса Набижонга айтамин, ўзи боплайди”.

Мана, энди халқ артисти Набижонни ҳам худо кўп кўрди...

15

Бу гапларни айтган Махсумнинг ўзи қани... Жанозасига чет элдан на ўғли келди, на тўқмоқлик қариндошлари. Ҳаракат қилганлари зўр-базўр “қирки”га етиб келди. Яхшиямки, атрофдаги домларда уч-тўртта қария бор экан, маҳалла-қўй номига бўлса ҳам тўпланиб тобутни елкалашди. Аслида, буларни маҳалла қилган ҳам Махсумнинг ўзи эди. Қаллаи сахарлаб Марленни уйғотиб, “Сақичмонда ош бор экан”, деб ҳаловатини бузарди. Кейин иккови домма-дом юриб, ўрису қарисларнинг қарғишларини, норози тўнғиллашларини эшитиб, боғи уч-тўртта қарияни йиғишарди-да, узоқдан-узоққа, сабил қолгур Сақичмонга субҳи қозиб маҳали етиб боришарди. Энди буларнинг бошини қовуштирадиган дахбоши ҳам қолмади. Марлен уларга раҳнамолик қилолмади.

16

Марлен Махсум билан ўтказган узоқ киш кечаларини эсларди. Уйдаги иситгич батареялар ўчиб, иссиқ сув ҳам келмай қолгач, ошхонада газнинг тўрттала гулханчасини ёқиб қўйиб, мовий шуълаларнинг жилваланишини томоша қилиб ўтиришарди. Улар дуч келган мавзуда бахслашиб кетаверишарди.

Бир окшом гапдан гап чиқдию Марлен ўзининг исмини ёқлаб, отаси хақида сўзлай кетди. Отаси урушга сафарбар этилиб, Харьков остонасида бедарак йўқолади. Оиласи номига келган “қорахат”да Саидваққоснинг қахрамонлиги, биринчилар сафида жангга ташлангани обдон таърифланган эди. Кейинчалик урушдан ногирон бўлиб қайтган поссовет раиси Ашурмат “Хойнахой, отанг танклар жангида оммавий қурбон бўлиб, қардошлик мазорига дафн этилган бўлса керак”, дейди. Мана шу гапнинг завқи билан Суворов номидаги харбий мактабга ўқишга топширилган Саидасрор Саидваққос ўғлига янгитдан Марлен деб от қўйилади. Бу — пролетариат дохийлари номининг бош бўғинлари эди.

17

Уруш мавзусида гап кетган ўша окшомда Махсум ҳам ўн етти яшар пайтида хамқишлоқ қўнғилили аскарлар сафига ёшини катта қилиб қўшиб юборилганини, сўнг шофёр бўлиб Ленинград фронтига жўнатилганини сўзлаб қолди. Марлен сўраб-суриштирса, “Хаёт йўли” деб ном олган Ладога қўли музликларида ҳайдовчи бўлган экан. Дастлаб, Махсум қаерга келиб қолганини билмайди. Икки ой тинимсиз қатновлардан сўнг йигитчанинг тинкамадори қуриydi ва бир куни машина юриб кетаётган пайтда рулга бош қўйиб пинакка кетади. Машинанинг битта нилдираги муз ёригига тушиб, қояга тиралиб қолади. Худо бир ўлимдан асрайди. Ўн қават арқон билан бортга тортиб боғланган яшиқлардан бир қанчаси сувга қулайди. Машинани шатак қилиб бир амаллаб йўлга чиқариб олишади, лекин Махсумнинг ўзини “халқ душмани”га менгзаб Сибирга сургун қилмоқчи бўлишади. Бу можарога командир аралашиб, уни “штрафной батальон”га юборишади.

Кейин нима бўлганини Махсум негадир гапирмасди...

18

Марлен ҳам сир бой бермасди.

Урушдан кейин орадан салкам икки йил ўтиб, “бедарак йўқолди” деган хамқишлоқларидан беш-олтитаси қай гўрлардандир қайтиб келди. Уларнинг аксариятини НКВД барибир ўз холига қўймади — қўпларини йигирма беш йилга кесиб, озодликдан махрум этиб юборди. Ўшалар орасида Қосимқори деган киши ҳам қишлоққа қайтиб келган эди, аммо ҳеч ким унинг мушугини пишт демасди. Аксинча, райбанкда ревизор бўлиб, одамларни кийратиб юрди. Қосимқори қунарнинг бирида Марленни ҳузурига чақиртириб, намозшом пайти уйдан томорқасига эргаштириб чиқди-да, гўё ниҳолчаларни кўрсатаётган киши бўлиб, отаси Саидваққоснинг тирик эканини, Туркистон легиони тарқатиб юборилгач, Туркияга ихрож қилганини шипшитди.

19

Бу сир район мелисасида ишлай бошлаган Марленнинг узок йиллар мобайнида юрак-багрини ўртади. Аввалига иғво бўлса керак, деб ўйлади у. Эҳтиёти шарт, бундан қандай қутулишни ҳам ўйлаб қўйди. Бирок Қосимқори ҳеч гапдан хабари йўқдек юраверди. Марлен эса Қосимқорининг пайига тушди. Секин суриштириб билди. Область НКВДсида ишлайдиган қариндоши марказдан Қосимқорини суриштиришганда уни ўлдига чиқариб жавоб ёзиб юборган экан. Туркистон легионида имомлик қилган Қосимқори “ўликлар рўйхати”дан паноҳ топган эди. Аммо Марлен бу ҳақда бировга миқ этиб оғиз очолмасди — ўртада тирик отаси бор.

Шундай қилиб, райбанк ревизори ҳам нафақага чиқиб, ёшини яшаб, ошини ошаб, бундан йигирма йилча муқаддам оламдан ўтди. У билан ёнма-ён, хизмат пиллапояларидан поғонама-поғона юқорига кўтарилаётган “уруш қахрамонининг ўғли” Марлен ҳам томорқадаги сир ютган ниҳолчалардек улғаяверди.

20

Эпкинсиз кечада бир зумгина кўзи илиндию босинкирай бошлади. “Виллис” машинасида аллақаяқдан пайдо бўлган Қосимқори: “Юринг, хув анави ерда бир нарса қўрдим, жиңми-шайтонми билолмаяпман”, дермиш. “Э-э, қўйинг-э, отангиздан қолган саркитларни халиям кўтариб юрибсизми!” дейди Марлен. У Марленни хилватга олиб боргач, ўзи машинадан тушиб, “Ҳозир келаман”, деганча ғойиб бўлармиш. Машинани чирок ёритиб тураркан, кабинада ёлғиз қолган Марлен ён-верига аланглаб, “Умримда инсжинсни қўрмаганман, ҳар нарсани вайсайверишади-да”, дермиш норози бўлиб. Эсли-хушли одамнинг кўзига жин кўринармиди?.. Марлен ўзича Қосимқори билан ғойибона бахслашиб ўтирган пайтда ўнг елкасидан оппоқ бир қўл сирғалиб ўтармиш. Бу қўл қаердан узатилганига қарашга мажоли етса кошқийди! Оққуш бўйиндек бурама қўл устидаги камокхонани эслатадиган тамғага доғ бўлиб ўтирган Марленнинг қулоқлари остида кимдир “Чирокни ўчир”, деб шивирлайди. Марлен шу захоти жонҳолатда “Ло илоҳа иллаллоҳ... Ло ҳавлу иллоҳо...” дея калима қайтариб юборди. Қўл эса унинг бўйни атрофида билтангларди. У ховлиқиб икки қўли билан унга ёпишиб, “Ло илоҳадан бошқа яна қайси оятни ўқисам экан?” деб ўйлар, тинмасдан типирчиларди. Ҳатто “Қул аъзузу бираббин нас...” оятини ҳам чалакам-чатти айтиб такрорларди. Қўл эса дуо кучи билан ғойиб бўлмас экан. Хамирдек юмшоқ қўлни машина ойнаси томон беҳуда итариб роса холдан тойди...

21

Ўйғонганидан кейин ҳам дахшат оғушидан чиқиб кетолмади. Туриб бетқўлини ювди. “Тушингни сувга айт” деган нақлини эслаб, шариллаб оқаётган сувга тикилганча ҳозиргина бўлиб ўтган воқеани пала-партиш хаёлидан ўтказди. Қурукшаб кетган оғзини чайди. Қўрқувни тарқатиб юбормок истагида ўзини чалғитадиган юмуш излади.

22

Бир куни Махсум бозорданми, масжидданми қайтиб келиб, “Биласизми, келаси йилдан бошлаб анави кабельний телевизорга обуна арзонлашармиш. Шунга обуна бўлиб қўйсақмикан деб эдим”, дейди. “Хой, инсон, телевизорнинг ўзи йўқ-ку, унга обуна бўлиб нима қиласиз?!” деб сўрайди Марлен. Махсум эса елкасини қисиб, “Арзонлашганига қизиқиб эдим-да”, деб қўя қолади. Куласанми, ўласанми киши.

23

Сўнгги йилларда иккови ҳам хийла қийналди. Болалари онда-сонда чет элга чиқиб келадиган одамлардан юз-икки юз доллар бериб юборганини айт-маса, чолларнинг куни қотган нонга қоларди, хатто шамани дамлаб ичишарди. Шундай қулларда ялангоёқ, оч-наҳор ўтган болаликларини эслашарди. “Бошқалар нима қияпти экан?” деб бир-биридан сўраб қўярди.

Бундан йигирма йиллар аввал Марлен, ўша давр ибораси билан айтганда, хизмат отини қамчилаб, қайноқ хаёт майдонида жавлон уриб юрган кезлари кечкурунлари қўчага ахлат чиқариб тапшларди. Шундай дамларда коронвликда заъфарон юзли, йўқ, ундай дейилса жуда чиройли бўлиб туюлади, аслида, ертўлада келаси кузгача қолиб кетган картошкадек қўқариб кетган захил қиёфали бир кампир тўсатдан пайдо бўлардию “Болам, бир бурда қотган нон борми?” деб сўрарди. Сўнг Марленнинг кетишини ҳам кутиб ўтирмасдан ахлатдонни титкилай бошларди. “Алкаш, проклятий!” дея жеркиб, ижирганиб уйига қайтарди у. Марлен хатто шу масалани навбатдаги бюро мажлисига олиб чиқиб, муҳокама қилишни ҳам чамалаб қўярди. Аммо кампирнинг ўзбеклиги ёки ўзбеклашиб кетгани уни шаштидан қайтарарди: наҳотки, бола-чакаси бўлмаса, ярим тунда нима қилиб юрибди, қаерда ётар экан, деб ўйларди. Эртаси куни иш пайтида эса бу манзарани унутиб юборарди. Орадан уч-тўрт ой ўтгандан кейин ўша кампир, унинг асабини синамоқчидек, яна қутилмаганда пайдо бўларди.

24

Кампирнинг ахлатдонни титқилаётган қўли ҳам ойдинда бояги қўлдек оппоқ кўринарди. Марленга кўришиб турган қошларига илонизидек ўсма суртилган, лекин сайрамлик аёллар игнанинг учи билан терисининг остига сиёх томизиб, учта қийшиқ нуктани мухрлаб қўйгандек, хунуқкина холи ҳам бор эди.

Бир куни Марлен ўзини дўхтирга кўрсатиб қайтиб келаётса, уйининг орақасидаги ахлатдон остида уч дона норинж думалаб ётибди. Увол бўлади-ку, деб энгашганини билади. Энгашган захоти ахлат қутисидан шунақанги қўланса ҳид анқидики, дафъатан бу ерда нима қилаётганини англай олмасдан талмовсиради. Шармандагарчиликдан ўзини қўярга жой тополмай қолди, шу ҳолатда ён-верига аланглади. Бироқ барибир бояги уч дона норинжни уйга олиб келди. Лекин хануз оғзига олиб боргани йўқ, томоғидан ўтмайдигандек туюлади. Уч дона норинж сап-сарик нуктадек ойна тоқчасида ҳамон ётибди...

25

“Ҳақ йўлдан адашдик, — дерди Махсум, — шунинг учун мана шундай кўргуликлар бошимизга ёғияпти”. Бундай пайтлар Марлен жиғибийрон

бўлиб, “Адашмаган чоғингизда, инқилобдан аввал нима қилиб юргансиз?! Ана, ҳақ йўлидан адашмаган афғонлар нима бўлди?!” дея баҳсга киришиб кетарди. Кўпинча Махсум “Ха-а, шунчаки айтдим-қўйдим-да”, деб гапни айлантирарди. У бир гал ўзини тутолмасдан “Сиз мактайдиган Фарб қай ахволда?!” деб исён қўтарди. Марлен баттар тутакиб кетди: “Мен Фарбни мактаган эмасман, ўзимизнинг эски ҳаётни назарда тутганман!” деб ўшқирди. Ногахон нигоҳлари “халқлар отаси”нинг тоқчада турган расмига тушиб иккови ҳам жимиб қолди.

26

Марленнинг жиғибийрон бўлиши бекорга эмасди. Гап шундаки, Махсумнинг отаси район мелисасига бошлик бўлган. Бу ҳақда Махсумнинг ўзи ломим демаган бўлса-да, Марлен тегишли манбалардан суриштириб, хув ўша куда кутиш маросими арафасида ҳаммасини аниқлаб олган эди. Кейинчалик ўзи ёрилиб қолар деб ўйлади. Лекин иккови бир хужрага қамалиб олган кезлари ҳам Махсум миқ этмади. Отаси шўро хокимиятини ўрнатаман деб халқ душманлари томонидан захарлаб ўлдирилганини, кейин кашшоф ўспирин Махсумбой Қори поччасининг уйида тарбияланиб, урушга хайдаб кетилгунча Каломуллоҳдан уч-тўрт порасини ёд олганини ҳам зинҳор билдирмасди у.

27

Махсумдан ўпкалай деса, Туркистонни озод қиламан деб фашистлар сафида большевикларга қарши курашган отасини қачон эслабди?! Буниси ҳам майли. Бунисини мелисада ишласанг ҳам фош этишинг амримаҳол. Чунки бирдан-бир гувоҳ бўлмиш Қосимқори сир қўмилган мирзатерақлар остида аллақачондан буён тупрокка қоришиб ётибди. Марленнинг кўнглини бошқа нарса пишхона эговларди... Ҳозирги ит ётиш — мирза туриш ҳаёти уни қаноатлантирарди. Қаноат ҳам гапми, бундан фахрланарди. Махсумнинг хузурига қироатни ўрганаман деб келган ёш-яланг гугурт чақилмаса ҳам чирсиллаб ёниб кетаман дерди. Уларга гап уқтириб бўлмасди, фақат ўзлариникини маъқуллашарди. У маҳмадона тирранчалар билан соатлаб баҳслашиб ўтирар, уларга эски ҳаётнинг афзалликларини тушунтирмоқчи бўлар эди.

28

Муллаваччалардан бири “мунофик”, иккинчиси “замон қурбони”, бошқаси “бечора” деб шивирлаганча дахлизда калишларини оёқ учига илиб чиқиб кетишарди. Марлен эса Махсумдан хафа бўларди. “Сиз уларни уйга иккинчи қўйманг! Что вы? Ахир, улар кип-қизил экстремист-ку, радикал фундаменталистлар-ку!” деб қудасига ғазабини сочарди. Қудаси хижолат тортиб, муллаваччалар чой ичган пиёлаларни ювишга киришар ёки беихтиёр дахлизни супира бошларди. Марлен қўл силтаганча хонасига кириб кетар, ўтган ҳафта район кутубхонасидан олиб келган “Ислам: правда и вымысел” деган юпкагина китобни кечгача хижжалаб мутолаа қиларди. Анави-ларга зарба бериш учун хозирлик қўрарди.

29

Идиш-товок ювишними, дахлизу зиналарни супуришними давом эттираётган Махсум эса бир вақтлар раҳматли холаваччаси Солихон тўрадан ҳеч қутилмаганда эшитган гапларини эсларди. “Вей, қудайиз аслида диндор оиладан бўлади, отаси унга болалигида “Ёсин”ни ёдлаган экан”, деган эди бир сафар Туркиядан қайтиб келган тўра. Рост, гап тезда бошқа мавзуга бурилиб, Туркияга кўтариб борган ўн кило тоза асалию саккиз дона харбий дурбини тўғрисида гапиравериб, унинг роса бошини қотирган эди. “Ўнашининг пулига мови тилло узукди олдим”, деб Солихон тўра ёш боланинг сонидек келадиган бармоғига такиб олган матохини кўз-кўз қилган эди.

30

Буларнинг барини сўраб-суриштиришга Махсум қудасидан андиша қиларди. Шу тобда ўз хонасига қамалиб олган Марлен Махсумнинг онаси Раҳима опани эслаб ўтирганини энди қайдан билсин! Опа ҳақидаги маълумотларни ҳам Марлен қудачиликнинг илк даврида ўша ишончли манбалардан суриштириб билиб олган эди. Улар қуда тутинишганда Махсумнинг уйида савдо-йирик бир кампир кўзга чалиниб қоларди. Бегошанинг назари тушган захоти Махсумнинг хотиними ё бошқа биров кампирни ичкари хонага тортиб кетарди. Бу аёл ўттизинчи йилларда мелиса эрини тупроққа топшириб, боласини қишлоқда қолдиради, ўзи эса шаҳарга келиб, аввал Тўқимачилик комбинатига ишга қиради, кечалари ФЗУда ўқиб сиёсий саводини оширади ва даврнинг илғорлари сафидан ўрин олади. Уруш даврида эркаклар танкис эди. “Хамма нарса фронт учун, хамма нарса ғалаба учун!” шиори ўртага ташланади. Партиявий раҳбарлик лавозимига кўтарилган Раҳима опа хотин-халажни қувиб юриб ишлатади...

31

Дунёнинг ишлари телба-тесқари экан. Қишлоқда қаровсиз қолган онаси вақт-бевақт отинчалик қилиб юганини эшитган Марлен ўзини қўярга жой тополмай қолади. Замона қалтис эди. У дарҳол онасини домга қўчиртириб келади ва қизи Кларанинг қармоғига топширади. Уляяна Громовага (“ёш гвардия”чи) таклид қилиб юрадиган студентка Клара қишлоқи бувиси билан фақат ўрчисча гаплашарди, уни ёлланма оқсоч деб ўйларди, шекилли. Дўст-дугоналарини атайлаб кампирни калака қилиш ниятида уйга эргаштириб келарди. “Бабушка, посмотри, вода на плите согрелась?” деб шерикларига кўз қисиб қўярди. Тараққиётдан четда қолган содда кампир кўрсатгич бармоғини сувга ботириб қўрар, “вой!” деб оғзига тикар эди. Клара шарақлаб қулиб юборар, мулзам бўлган кампир эса бармоғини сочикка ўраганча кўксига босиб, мўлтираб тураверарди. “Ты хоть руки мыла?” деб сўрарди Клара кулгисини тўхтатиб. Бечора кампир гунохкорона бош эгиб, кеча оқшом ўргатилган нотаниш сўзларни ағдарма талаффузда: “Мулён рас мила, мулён рас...” деб такрорларди. Сўнг хонани ларзага солиб яна қахқаха янграрди.

32

Соат неччи бўлди экан?..

33

Ёшликда ҳам ўн кечадан бири уйқусиз кечади. Жавобсиз севги ё ишратга бурканган тунларгина эмас, тўшақда у ёндан-бу ёнга аударилиб, уйку келмас бедор кечалар ҳам бўлади. Хаёл ўлгур чувалашиб-чувалашиб япроқ қўниб турган зормондага бориб қадалаверади. Суворов мактабида ҳам ўша мавзу сира оғиздан тушмасди. Фомченков деган командир имтихон арафасида “Йигитлар, имтихондан олдин яхши ухлаш керак, шунинг учун найза тешиб ўтган галвирни хаёлдан чиқариб ташланг!” деб огохлантириб қўярди. Огохлантирмаса ҳам бўлмасди. Чунки взвод худди домод арилардан ташкил тошган уядек алламаҳалгача фувиллаб ётарди, боғи зормонда юз минг мақомга солиб таърифлангач, йигирма саккиз навқирон мия байтални кўриб қолган айғир мисоли жунбушга келарди, жиловни ҳам назар-писанд этмасди. Одам Атодан мерос бўлиб қолганми ёки эркак зотининг турган-битгани шуми, ишқилиб, бедор тунларнинг асосий мавзуси ўша зормонда эди.

34

Мана, энди бемаъни хаёлларга ҳам мадор қолмаганга ўхшайди. Шукр, васвасадан қутулдим, энди покликка талшимок керак деб ўйлайсан-у, лекин негадир кўнгилини аллақандай армон китиклайверади.

Бир замонлар Марлен Темиртоғ курортига дам олгани борганида кизи сиз қоқиб қолади. “Тинчликми?” деб сўрайди. “Мана, бабка сизга бир нима демоқчи”, дейдию гўшакни кампирга беради. Онаси хол-ахволини сўрагач, “Болам, айтганингдек, дўхтирга қўринган эдим, битта дори ёзиб берди, номи АТИВИ экан. Шунга юборасанми?” дейди. Марлен Саидваккасович Темиртоғу Бештоғ атрофидаги барча таниш-билишларини оёкка турғазади. Охири чет элдан келадиган “АТИВИТ” деган танкис дорини топиб беришади. “Онам учун” демаганми, негадир ишшайиб дорини узатишади. Марлен раҳмат айтади, ўзича хайратланади. Ўша куниёқ биринчи самолёт стюардессаси орқали дори Ўзбекистонга жўнатилади.

Марлен хордиқ чиқариб уйга қайтса, кизи “Бабуляга қанақа дори юборган эдингиз?” деб сўрайди. “Нима қилди?” дейди у ажабланиб. “Ахир, у хомилани ривожлантирадиган дорини ичиб ётибди-ку!” дейди кикир-кикир қулиб кизи.

Кейин Марлен дўхтирлардан сўраб-суриштирса, улар кампирга АТФ деган бошқа дорини буюришган экан.

35

Ўшандан кейин кампир талаффузини анча тузатиб олди.

У хозиргина Махсумнинг онаси Раҳима опани эслаётган эди. Ҳамма уни оддийгина қилиб “опа” деб чақирарди. “Опа”нинг кўнглида армони бор экан. Одамларнинг айтишича, қариган чоғида боғи армони ҳам қучайиб боради, устига устак, ичкиликбозликка ружу қўяди. Тўйиб ичиб олгач, на шовкин-

сурон кўтарарди, на йўқ жойдан жанжал чиқарарди, фақат рўпара келиб қолган одамга қараб ишшайганча сўлақларини оқизиб ўпишга тушарди, холос. Гохида сўлақларига қўзёшлари ҳам аралашиб кетарди, пойинтар-сойинтар дийдиё килар, хикиллаб йиғларди...

36

Баъзи бировлар ўша кезлари Махсум ҳам онасига кўшилиб ичиб юрарди, дейишади. Ким билсин... Мишмишларга караганда, у ичиб олгандан кейин карнидошларининг оstonасига бориб, тебранганча уларнинг ота-бувасидан тортиб бола-чакасигача бирма-бир, қават-қават қилиб сўкиб чиқар экан.

Марлен Махсум тўғрисидаги бундай маълумотларга унчалик ишонмасди. Лекин, яна худо билади.

37

Хаёли чалғиб кетяпти.

Нега Махсумга бунчалик боғланиб қолган экан? Умр бўйи ҳеч кимга ишонмасдан яшади, биров билан дўст тутинмади, ўз билганидан қолмади. Ҳар бир ишни ўзи бажармаса кўнгли тўлмасди. Кларанинг мактабга кийиб борадиган туфлиларини ямаб берар, хотинининг кишки этикларига пошна қоқиб қўярди. Кларага янги пианино олингач, уни созлаш лозим бўлиб қолди. Ўшанда “Шунга ҳам уста чақириб юраманми? Қизим, сен менга нотасининг тўғри-ноғўғрилигини айтиб тургин, мурватларни ўзим бурайвераман”, деб оврупоча куйларни минг мақомда ижро этадиган ажойиб пианино кашф этган. Нафақага чиққанидан сўнг ёлғизлиги билинди-қолди. Мунодоқ қараса, атрофида хотинию кизидан бошқа ҳеч ким йўқ. Кимсасиз сохилда яшаётганга ўхшайди. Лекин у парво қилмасди. Бир ҳисобда шуниси ҳам яхши, эски фалваларни кўтариб келиб бошимни оғритишмайди, ўз холимга кўйишса бас, деб ўйларди.

Нега Махсумни шу қадар кўмсаёпти?..

38

Бир вақтлар Марленнинг икки дўсти бўларди. Бир — армани Вазген, иккинчиси — яхудий Мося. Арманиси юз олтмиш килолик автослесарь, яхудий эса кетмон сопидек котма тикувчи эди. Ўзи ҳам айнан кетмон сопига ўхшарди, бошида ҳамиша қозоннинг қопқоғидек қалпоғи бўларди.

Марленнинг эски “Москвич” машинаси бор эди, бирор жойи тик этиб қолса, Вазген бирпасда тузатиб берарди. Мося эса кийим-кечаклар учун масъул ҳисобланарди, ўзини ҳам, хотини билан Кларани ҳам кўғирчоқдек ясантириб қўярди. Аёлларга “Крестьянка”, “Работница”, “Саодат” журналларида чиққан қандай мода маъқул келса, худди ўша нуҳасини тикиб берарди.

Вазген бочкалаб пиво ичишни яхши кўрарди, Мося ичкетар касалига мубғало бўлган эди. Лекин иккови ҳам чин дўст эди.

39

Ичкетар бўлса нима бўпти! Мося касалини ҳеч кимдан яширмасди. Аксинча, фахрланиб юрарди. Унинг айтишича, уруш пайти жанг айна кизгин

тус олган чоғда бирдан ичбуруғи тутиб қолади. Хандакдан ўттиз кадамча нарига чиқиб иштонбоғини ечишга аранг улгуради... Шу он хандакка битта снаряд келиб тушадию бутун бошли взводдан ном-нишон ҳам колмайди. “Ичкетар касали мени ўлимдан кутқариб колган”, деб юрарди бечора Мося.

40

Вазгеннинг ичиши ҳам ўзига яраша “кароматли” эди. Бир куни учаласи балиқ овига чикқанда бу ҳақда Вазгеннинг ўзи ёрилиб қолди.

Вазгеннинг аввалги малла хотини суюкоёк экан. Ундан шубхалана бошлайди. Зимдан кузатиб юради. Дастлаб уйларига кўпроқ келадиган меҳмонларнинг хисобини олади. Ўйлаб қараса, божаси серқатнов экан. Ҳар гал ҳар хил баҳоналар топиб келади — уйдан сира оёғи узилмайди. Бир куни Вазген уларни синамоқчи бўлади. Нима қилади денг: роса ичиради. Ўзи ҳам улардан қолишмайди. Кейин ўзини ухлаганга солиб, ташпа кулайди. Анавилар бирпас валаклашиб ўтирадию сўнг шивир-шивир қилишиб, ишкий мулоқотни бошлаб юборишади. Вазген ҳаммасини сезиб ётади. Авжига чиккан чоғларида шартта туриб икковини ҳам гумдон қиламан, деб ўйлайди. Бирок, пайт пойлаб ётган жойида ростакамига ухлаб қолади. Орадан аллақанча вақт ўтиб уйғонса, ярим кеча бўлибди, ховлида ит вовуллайди, эшик ланг очик қолган. Ётоққа кирса, хотини донг қотиб ухлаб ётибди. Бирдан “Ўлдиранман!” деб бўқирганча пичоқни олиб келиш учун ошхона томонга югуради. Фирт маст эмасми, хотинининг устидан хатлаб ўтаман деб ўмбалок ошиб тушади. Сўнг ўрнидан туриб уст-бошини коқади-да, сассикопишак хотинини ташлаб чиқиб кетади. Шу кўйи ғойиб бўлади.

“Агар ўшанда хотинимни ўлдириб қўйганимда борми, ҳозир камоқда чириб ётган бўлардим”, дерди шўрлик армани кайф аралаш.

41

Икковининг ҳам ўлиб кетганига ўн беш-йигирма йиллар бўлиб қолди. Махсум истисно қилинса, Марлен бошка дўст тутмади. Бирок Махсумни ҳам дўст деб бўлмасди. Хеч жаҳонда қуда ҳам дўст бўладими...

42

Чет элга кетишларидан уч-тўрт йил аввал Клара қўққисдан Абдуманноб билан ажрашадиган бўлиб қолди. “Менга бунақа лаллайган эрнинг кераги йўк! — деди у тутакиб. — Бирор ишни эплолмайди, ландовур! У эрлик бурчини ҳам аллақачон унутиб юборган...”

Ўшанда Марлен кизи билан пачакилашиб ўтирмади, куёвига ҳам домим демади, индамасдан хонасига кириб кетди-да, салкам уч соат камалиб ўтириб қудасига мактуб ёзди. Дурустрок чиқсин деб аввал русчасига олди, хат яримлаб қолгач, қудасининг ўрисчага нўноқ эканини эсладию бир бурчакда чанг босиб ётган “Русско-узбекский словарь”ни топиб, ҳозиргина корозга туширган хатини ўзига қўнам таниш бўлмаган ўзбек адабий тилига ўгира бошлади.

“Хурматли қуда! Хатимнинг биринчи қаторида руҳсат этинг изҳор қилишга ўз хурматимни. Мен ҳамиша ҳисоблардимки, бизнинг муносабатимиз яхши қурилган эди, токи пайсалга солинган проблемалар

хаммасини бузмади. Менга қаранг, мен сизга айтиб қўяй, орада мучучадек (кейин бу сўзни ўчириб устидан “мусичадек” деб тўғрилайди) иккита бола бор. Мен қодирман уларни боқиб олишга ва тарбия бериб комил ишон қилиб вояга етказишга, лекин бу ҳолатда, айтиб қўяй, сиз мен билан орани очик қиласиз...”

Хат роппа-роса беш бет бўлди. Охирига бориб Марлен мактубни пункт-ма-пункт, “Словарь” да айтилганидек, бандма-банд бўлиб ташлади, ора-чирара оғзаки нутқ намуналаридан ҳам илаштириб кетди, хотима қисмига эса бюро қарорларини эслатадиган хулосаларни ҳам илова қилди. Эртаси куни қудасининг ховлисига борди. Қўнғироқ товушини эшитиб, отаэшиқдан қорасини кўрсатган Раҳима опага хатни топширди. Сўлаги оқиб турган савдойи камшир “Ичкарига кириш, қуда, отамлашамиз” дейишига қарамасдан, зарур иши борлигини баҳона қилиб изига қайтди.

43

“Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши” деганларидек, уч-тўрт кундан сўнг ёшлар яна апоқ-чапоқ бўлиб олишди. Чет элга ҳам ахил оила бўлиб жўнаб кетишди. Аммо қудаси ўша хатни ҳеч қачон эслатмади.

Ажабки, мана энди, ёлғиз колганидан сўнг Марлен ўша машъум хатни дам-бадам эслаб, ўзидан ўзи уялар эди.

44

Ўйлаб кўрса, Марлен энди кўп нарсалардан хижолатда. Ўшанда қизи эридан ажрашаман деб туриб олганида қудасига мактуб ёзгани ҳолва экан. Сўнгра битта таниши орқали қизини ўт ўчирувчилар командасига ишга жойлаштириб қўймоқчи бўлганини айтмайсизми! “Болаларингни ўзинг боқиб оласан, қиладиган ишинг “алё, ноль бир эшитади” дейишдан иборат, холос. Сенга офицерлик ушвони берилади, маоши ҳам шунга яраша бўлади, мўмайгина нафақасини айтмайсанми!” деб роса таърифлаган эди. Унинг гапларини захарханда билан тинглаб ўтирган Клара охири жириллаб берган: “Нафақа, говоришь?! Сам ты на эту поганную пенсию многого покупаешь?! Прямо скажи мне, многого покупаешь?!” дея эшикни қарсиллатиб чиқиб кетган.

45

Негадир юраги санча бошлади. Буниси ошқозон оғриганда кўкракка тарқаладиган оғриқларга ўхшамасди. Чамаси, юракнинг ростакам оғриғи эди.

Чол қоринни ерга бериб ётиб кўрди. Оғриқ ўтиб кетмади. Чалқанчасига ётди, кўлини кўксига босиб укалади. Ҳорғин юрак қизишиб, ачишиб оғрирди. Бўлмади. Симиллашини қўймасди қурғур.

Нафақага чиққан кунидек Марлен хотини билан қизини рўпарасига ўтказиб, “Энди бу ёнига қариб қолдим, бугун бўлмаса эртага ўламан”, деб васитянамо гап қилган. Кейинчалик ҳам тез-тез соғлиғидан нолиб турарди.

Маҳсум иккови бир хонада қолиб кетишгач, “Қаранг, тиззаларим шишиб кетди-я! Бу ёғи яқин қолди шекилли, тайёргарчиликни кўриб қўяверинг”, дея кунда-кунора ғингшиб кўярди. Бунга жавобан қудаси қулибгина “Сиз хали менинг жанозамда шамоллаб қолмасангиз бўлгани...” деб ҳазиллашарди. Мана, ҳазили ҳам чин чиқди.

46

Юраги тинимсиз оғрирди. Ҳазин бир хотира хижолатомуз воқеаларни ҳаёлига ҳайдаб келар, юрак эса уларнинг барини сезимидан ўтказишга улгурмаётгандек хаприклар, ачишиб оғир эди.

Клара ўт ўчирувчилар командасига ишга киришга кўнмай эшикни шарақлатиб ёпиб чиққанининг эртаси Марлен кўёвини уйига таклиф қилган эди. Оғир-босиқ бу йигитни рўпарасига ўтказиб, “Хотинингга тушунтирсанг бўлмайдими?! Сал каттиққўл бўлиш керак-да. Хотин зоти гаҳ десанг кафтга кўнадиган бўлиши лозим. Хотин дегани — чўри дегани...” деб роса жавради. Одатда панд-насихатларни миқ этмасдан эшитиб ўтирадиган кўёви бу гал кайнотасига тик қараб, “Дада, одам бундай фикрларнинг қулига айланиб қолмаслиги керак”, деб гап қайтарса бўладими! Ростини айтганда, Марлен бу гапнинг маъносини яхши англамади. Лекин миёсида бир нарса чирс этиб, электр асбоблари ток ортиб кетганда чийиллаб юборганидек бир ҳолат содир бўлди. У столни муштлаб, “Кўёвбола, сиз менинг жажлимни чиқарманг!..” деб ўшқирди.

Энди ўша воқеани эслаб чол ич-ичидан эзилар эди.

47

Чол-чол дейсан-у, лекин илгари соколи оппоқ нуроний мўйсафидларгина чол аталарди. Ҳозирги чолларнинг на ёшининг, на бошининг тайини бор, қирк ёшида қандай бўлса, олтмиш-етмишга етганда ҳам ўшандай қолаверади — қаримайди, фақат эскиради, холос. Ўз қиёфасига эга бўлган инсонга эмас, сип-силлиқ маска кийган Фантомасга ўхшайди. Ўзингни чол дейишга ҳам уяласан киши.

48

Таҳорат қилмасанг, намоз ўқимасанг, рўза тутмасанг, масжидга бормасанг... Қидирган ҳақиқатинг эса кечалари хонангга қамалиб олиб “Би-Би-Си” ёки “Озодлик” радиотўлқишларини тутишдан иборат бўлса... Уларнинг чучмал, чала-ярим, ўзингникига ўхшаган ўзбекча талаффузидан кўнглинг қолиб, бирини чаласавод отинчага, иккинчисини кўр қорига, учинчисини симёочга ўрнатиб қўйилган карнайга ўхшатиб, эшиттиришининг ярмидан ўчириб қўйсанг-да, аммо эртага бирор янгиликдан беҳабар қоламанми деб яна ўша радионинг қулоғини бурасанг... Шуми етишган камолотинг?!

Камолотга етишганларнинг биттаси Махсум эдими?..

49

У ҳам соқолини селкилатиб ўша “душман овозлари”ни ҳонасига бикиниб олиб ўз радиосида тинглаб ўтирарди. “Қуда, эшитдингизми, Собитхон қори халигача ваъз айтиб юрган экан-да, ё илгари ёзиб олишганмикан?” “Ҳа-да, эшиттиришларнинг аксарияти минг чифриқдан ўтказилиб, аввалдан тайёрлаб қўйилган бўлади. Намунча гўл бўлмасангиз! Собит қори, Собит қори дейсиз, ахир, у ўғлингиздан ҳам ёшроқ бир йигит-ку, сиз бўлсангиз уни салла қилиб бошингизда кўтариб юрасиз... Ҳеч бўлмаса, ўзингизнинг ёшингизни ҳурмат қилсангиз бўлмайдими, қуда!” деб қойиб берарди Мар-

лен. Кудаси эса муросасозлик охангида “Гап ёшда эмас, бошда деб ўйлаган эдим-да”, деб қўяқоларди.

50

Бундай пайтларда Марлен кизишиб кетарди: “Ну что вы, чёрт побери! Нима кераги бор шунака гапларни... Ёшда-бошда эмиш... Биласизми, армияда дед есть дел! Ҳаётда ҳам худди шундоқ. А то ёш-бош всякий...” Бу гапларни эшитиб Махсум ҳам бир сапчиб тушарди: “Қўйсангиз-чи! Мана, икковимиз ҳам ёшларга қарам бўлиб, бир гўр бўлиб ўтирибмиз-ку!” Шундан сўнг Марлен қўл силтарди-да, хонасига кириб кетарди. У аразлаб икки-уч кунгача Махсум билан гаплашмасди. Кейин махаллада бирон бир тўй-маърака чиқиб қолардию кори-пори, мошин-пошин топиш каби галвалар боис бояги пастбаланд гаплар унутилар ва қудалар яна-тагин “Би-Би-Си”, “Озодлик” радиосидан эшитган янгиларни тўғрисида хангомалашиб юрaverар эди.

51

Чоллар илгари ростдан ҳам бошқача бўлармиди? Марлен авваллари қариганингдан сўнг болагинингни эслашдан уялсанг керак, деб ўйларди. Лекин ханузгача қўзларини юмса бас, орада олтмиш-олтмиш беш йиллик тўғон йўқдек туюлади. Катта бозорнинг рўпарасидаги ховлиларига тоғдан тушиб келган қирғизлар отларини қозикқа боғлашаётгани, болакай Марлен уларни эргаштириб бозорга олиб чиққани ҳамон қўз ўнгидан кетмайди. Дарвозадан чиқилгач, сой ёқасида Қосим тақачининг устахонаси бор эди. У кимнингдир эски кетмонини пайванцлаб берса, бошқа бировнинг эшагига така қоқарди, иши авжида, қўли қўлига тегмасди, мешлардан гулханга пов-пов этказиб хаво пурқарди, болғаси ҳам тинмасдан сандонга уриларди... Энди ўйлаб кўрса, кексадек кўринадиган Қосим тақачи, аслида, ўша кезлари анави махмадона Собит корининг ёшида экан, шекилли.

Тақачининг устахонасидан юқорирокда қолхоз қурган электр станцияси бор эди. Сойдан тармоқланган қирра қирғоқли ариқ ҳам станцияга қараб оқарди. Станциядан чиққан сув яна шариллаб сойга қўшиларди. Сой қўпригидан ўтирса, қабирстонга бориладиган кўчанинг бўйида соатсоз Сотим чўлоқнинг кўримсизгина қулбаси бор. Атроф-жавонибда қанча соат бўлса, ҳаммаси унинг қадок қўлларидан ўтган.

У чолларни эсламоқда эди...

52

Бедорликдан боши оғрирди. Хайрият, оғриғи йўқолди. Энди осмон ёриша бошлаган эди. Алғов-далғов хаёллар ўрнини хуш тетиклик эгаллади. Илгари ўнинчи лампанинг шишасини тозалаш учун ичига пуфланса, ховуридан чиққан буғ бирпасда уни қоплаб олар, кейин яхшилаб артилган шиша шаффофдек топ-тоза бўлиб қоларди. Худди ўша шиша мисоли онг ҳам тиниклаша бошлади.

Санчиқ бу сафар юракни эмас, бутун кўкрак кафасини ёриб ўтгандек бўлди. Махсум ҳам мана шунака оғриқ исканжасида жон таслим қилган эди.

53

Шу чоқда Марлен негадир хотинини эслади. Рахматли Закиянинг кизик одати бор эди. Марлен уни бўралаб сўқарди, юзига шапалоқ тортиб юборишдан ҳам тоймасди. Энди мундоқ ўйлаб кўрса, ҳеч қачон Закиянинг чизган чизигидан чиқмаган экан. Закия гўё томчиларди: у ёғидан бир томчи, бу ёғидан ўтиб бир томчи, бошқа тарафдан яна бир томчи, ҳаммаси унутилди деганда — тагин бир томчи. Қарабсанки, миянгда қандайдир режалар пишиб етилади. Ҳаммасини ўзим қилдим деб ўйлайсан-у, энди атрофлича мулоҳаза қилиб, тарозига солиб кўрсанг, буларнинг бари Закиянинг устамонлигидан нишона экани маълум бўлади. Рахматли хотини Марленнинг борлиқ олам билан муносабатларини ўргимчак тўри мисоли ўраб-чирмаб ташлаган экан. Ўргимчак тўри ҳам гапми, эрини нақд пилла қуртидек бутун дунёдан ажратиб қўйган экан. Балки, Марлен шунинг учун Махсумни қўмсаётгандир?..

54

Марлен баданига ўралиб қолган чойшабдан халос бўлишга уриниб беҳосдан бошини ётоқ ўриндиғининг қиррасига уриб олди. Терлаб кетган эканми ёки боши қонадими, тонг ғира-ширасида кафтига томчи тегиб намланди.

Бутун умр эртага ақллироқ бўламан, эртага бир нарсага эришаман деб яшайсан киши. Аммо ҳаёт бир маромда давом этаверади, вужуд қарир экан-у, рух ўзгармас экан: уч ёшингда қандай бўлсанг, етмиш уч ёшингда ҳам дунёга термилиб тўймас экансан. Рух нимани қузатар экан? Беҳуда чиранишларингнми? Ёлвону рўёларингнми? Балки, гуноҳу заифликларингнми қузатар?..

55

Ҳаётни гўё жиддийлик тарк этгандек. Бари ясама, сохтага ўхшайди, кишига эриш туюлади. Хумқалла чолларнинг юзида туки йўқ, Махсумнинг хузурига келиб-кетадиган ёшлар эса кетмондек соқол қўйиб, юзини бир парча қилиб юрарди. Махсумнинг жанозасини ҳам ўшалар бошқарди, маҳалла ахлига ундоқ қилинг, бундоқ қилинг деб йўл-йўриқ кўрсатиб туришди. Чолман деган эскибетлар тўдалашиб битта автобусга чикди, сўнг мазор бошида турнақатор бўлиб юрдилар, тонг сахарда ошга келиб навбат кутиб турдилар.

Курраи замин ўз ўқидан чиқиб кетдимикан?..

56

Тунов куни поликлиникадан чиқиб ёнгинасидаги сартарошхонага кирса, у ерда ўспирин йиғит кўзуга қараб қошни теряпти, дархол қўли билан курсига таклиф қилди. Ўтиргач: “Ну что, старик, как тебя стричь будем?” деса бўладими! “Болам, ўзбекмисан?” деб сўради. “Ҳа-а, нимаиди?” дейди. Бу сурбетни сўкай деса, зумрашанинг қўлида устараси бор, индамай деса, газабдан юраги халқумига қадалиб турибди... Устара бошга теккан захоти қон тиркираб кетган эди.

Ўриндиқнинг қирраси ҳозир ўша ярани очиб юбордимикан?

57

Марленнинг бу дунёда ҳеч кими йўқ ҳисоби. Махсум оламдан ўтгач, янада ёлғизланиб қолди.

Бир куни тушига отаси кирибди. “Болам, Саидасрор, Туркияга бир кел-майсанми? — дермиш. — Бу ерда денгиз ҳавоси шу қадар шифобахшки, юз йил яшасанг ҳам ёшгина бўлиб юраверасан. Келсанг, масжиддан парварда келтирадим...”

Марлен эса ўзининг етмиш учга кирганини билибми ё етмиш уч яшар бўлса ҳам яна болалигига қайтганиданми, ёки ҳаммаси алғов-далғов босин-кираш эканини англаганиданми, ишқилиб, нуқул йиғламоқчи бўлармиш-у, кўзига бир томчи ҳам ёш келмасмиш...

58

Уйғониб, узок ўйланиб ётди. Тушнинг таъбирини рамзий маънога йўймоқчи бўлди. Отаси ҳануз тирик эканми? Унинг манзилини аниқ биладиган Солихон тўра ҳам оламдан ўтиб кетди. Энди отасини қаердан топади? Топган тақдирда ҳам Туркияга битини сотиб борадимиз? Пул тонди ҳам дейлик, лекин отасининг олдига нима деб боради?.. Бу ёғи худди Махсумнинг мубо-рак ҳаж зиёратига боришидек ушалмас армон бўлади-ку! Махсум ҳажга боришга роса ҳаракат қилди: масжиддан ҳужжат-пужжатларини тўғрилаганида пули бўлмади, қарз-қавола қилиб, у ёқ-бу ёқдан йиғиб-териш пул топганида ноҳос бетоб бўлиб, сафардан қолди. Сўнг ноилжоз ҳамма пулларини тад-биркор ёшларга қайтариб берди. Ҳаж зиёрати киёматга қолди.

59

Болалари хориж сафарига отланганда чолларга қафасдаги иккита митти қушчани ташлаб кетишган эди. Бири қизғиш, иккинчиси сарик. Улар тор қафасда қуваланиб қолар, оғизларини қатта очиб бир-бирини қўрқитар, ай-никса, қизғиш қушча сариғига қун бермас, қайси қўналгага ўтирса, кетидан пирр этиб учиб бориб ўша чўпга қўнар ва шеригини хайдар эди. Гоҳида қувғинлик жонидан ўтиб кетган сарик қушча патларини хурпайтириб, тум-шуғини чўпга қайраганча қизғишига ҳамла қилар, қорнини тўйдириб олма-гунча рақибини охурчага яқин йўлатмас эди.

Икки чол гоҳ-гоҳида эшик-деразаларни маҳкам ёпиб қушчаларни қафас-дан чиқариб юборарди. Парвоз эсидан чиқиб кетган қушчалар қафасдан таш-қарида бир-бирининг пинжига суқилиб олиб, ҳар қандай шарпадан хайикар, кейин қатта тувакдаги қарамғулга қўниб, унинг барглари остига яшириниб олар эди. Ўша жойда ҳам қизғиш қушча вотикутилик қилиб сариғига қун бермас, “учмайсанми!” дегандек, бечорани дарларда томонга қувиб юборар, ўзи эса барглар панасида писиб, шеригининг бесўнақай типирчилаб парвозга чоғланишини кузатиб турарди. Кейин улар тил топишиб, дераза ортида учиб юрган қушларни томоша қилиб ўтиришарди, баъзан ўзлари ҳам қанот қоқиб бепоён осмонга талпингадек бўлишарди. Уларнинг ҳаракатига махлиё бўлиб ўтирган Марленнинг эсига болалиги тушиб, бехосдан “Тоғдаги пашмакка оғзини очиб ўтиришар экан-да!” деб юборарди. Махсум эса бирдан “Астағфирулло!” деб соқолини силаб қўярди. Сўнг тинимсиз қулганини айтмайсизми!

Энди ўйлаб кўрса, ўша қушчалар нимаси биландир уларга ўхшар экан.

60

Қушчаларнинг иккови ҳам нар экан. Нима бало бўлдию сарик қушча бир кун и чўзилиб колди. Бечора бирпасда туллаб кетди, бўйнию оёқчаларининг пати тўкилди. Кўзларини парда қоплади, энди у зўр-базўр нафас оларди. Махсум қушни кафтига қўйиб силаб-сийпалади, баданини беозор укалади, сув бериб кўрди. Лекин бундан қушчага ҳеч қандай наф бўлмади, кечга бориб жони узилди.

Аввалига қизғиш қушча жонсарак бўлиб, қафасда қўналғадан қўналғага сакраб юрди. Сўнг қафаснинг симларига кўниб, тўрт тарафга жавдираб шеригини қидира бошлади. Одатда соат олти бўлмасдан хурпайганча ухлаб қоладиган бу қушча ярим кечагача тиниб-тинчимади.

Чоллар эрталаб уйғониб қарашса, қушча донини сочиб ташлаган, сувини ҳам тўкиб юборган экан. Одамзод ҳис-ғуйғуларини яширишга қодир, лекин бу жониворнинг ўзини қўярга жой тополмай типирчилаб юришини кузатиш ниҳоятда оғир эди.

61

Қизғиш қушча ёлғизликда кўп яшамади. Хар ҳолда, у тирик жон эди.

Марлен ёшлигида қайнотаси кизи билан куёвига “Жуфт бўлиб тақиб юринглар” деб бир хил соат совға қилади. Нимадир бўладию Закия соатини йўқотиб қўяди. Йўқолган кунидек Марленнинг қўлидаги соат ҳам таққа тўхтайдди. Уни қишлоқдаги Сотим соатсозга ҳам, шаҳардаги усталарга ҳам бирма-бир кўрсатиб чиқди, лекин ҳеч ким тузата олмади. Усталар “Тузатамиз”, дейишарди. Бироқ, соат миллири кошки қимир этса!

Икки чол қизғишвойни ҳам домнинг орқасидаги яланглик четида шовуллаб турган теракзорга — шеригининг ёнига дафн этишди.

62

Махсумни тупрокка тошпиргандан сўнг Марлен ҳам ўзини қушча мисоли ёлғизланиб қолгандек ҳис этди. Бировга сездирмади-ю, аммо ёлғиз қолғач, роса йиғлади, хўнграб-хўнграб, тўкилиб-тўкилиб йиғлади. Юрак-бағри эзилиб кетди, юраги қушча мисоли кўкрак қафасини ёриб чиқмоққа талшинарди. Хушёр сокчидек хамиша орқасидан кузатиб юрадиган бояги собит рух эса “Йўқ, сен Махсумдан айрилиб қолганинг учун эмас, балки ўзинг ёлғизланиб қолганинга қайғуриб йиғлаяпсан”, деб дашном бериб турди.

Муштдеккина юракка шунча армон сифар экан!

63

...

64

Қўшнилардан бировининг уйида радио қўйилди. Тонг ҳам отибди. Марлен ёстиғида жигаранг қон юкини кўрди.

Махсум сўнгги пайтларда бекорчиликдан китоб ёзишга киришган эди. Марлен “Нима тўғрисида?” деб сўраганида, “Тарихимиз”, деб қўяқолган эди. “Да бросьте вы! Нима, сиз тарихчимисиз? Образованиейз йўқ-ку!” деб

Марлен ўзича эътироз билдирган эди. Энди билса, Махсум ўша ишга бекорчиликдан эмас, эхтиёж туфайли киришган. Аслида, ҳамма тарихчи бўлар экан-у, лекин атрофига ҳам, кечмишига ҳам қарашдан чўчиб, бу ишдан бўйин товлар экан.

Махсум кинғир-кийшиқ дастхат билан қоралаб қўйган ўша олтмиш-етмиш сахифалик қўлёзма қаерда ётган экан? Нималарни ёзган экан у?..

65

Узуқ-юлуқ хаёлларга ҳам нафас етмай қоляпти. Марленнинг юраги сикилди. Бирам сикилди-ей!

Ёшлигида Суворов мактабининг томига чиқиб олиб битта ўзи кун ботишини кузатиб ўтирарди. Ўшанда бир кун шахсий машинада бепоён дашту далаларга чиқиб кетаману ёлғиз ўзим кун ботишини кузатаман, деб кўнглига туғиб қўйган эди. Афсуски, шунга ҳам фурсати етмади...

66

Тирикликнинг яна бир туни ўтди. Ўзи, нималарни ўйлаётган эди? Алғовдалғов ўй-хаёллар, манзаралар, одамлар... Турай деса — борадиган жойи, юрагини тўкиб соладиган бирор сирдоши йўқ. Мадори ҳам қуриятпти... Одамзоднинг куни битта ўзига қолиб кетмасин экан...

Суворов мактабига илк бора қадам қўйганда ҳаммани битта хонага хайдаб киритишадиму ким қандай салла-чопону пўстин-чорикда келган бўлишидан қатъи назар, ечинтириб бир хил формага тикишади. Ўшанда Саидасроф дафъатан ўзини йўқотиб қўйган эди. “Мен кимман ўзи? Булардан қайси бириман?” деб хавотирланган эди. Мўр-малахдай тўдалашиб юришнинг ўзгача гаши борлигини Марлен мана энди ич-ичидан ҳис этяпти. Балки, Махсум шунинг учун ҳар хил қаланғи-қасанғи қорасоқолларга ўралашиб қолгандир... Ҳозир улар қаерда экан? Махсум тирик бўлганда ўзидан сўраб оларди-я, эсиз...

67

Бугун яқшанба бўлса керак. Қир ювиладиган кун. Уч-тўрт ҳафтадан бери қир-қирлари бурчакда бир бўғча бўлиб ётибди. Томорқадаги гуллари ҳам қовжираб қолгандир. Неча кун бўлди, қарагани йўқ. Гуллар ваҳхидан ҳам доим Махсум билан ғижиллашиб юрарди. “Буларни қўлингиз билан бутаманг, қайчи ёки жилақурса, ничоқда кесиш керак. Ана, бурчакдаги гулни ўтган йили қаллақлаб ташлаган экансиз, халигача ўзига келгани йўқ...” “Битта газетада ўкиган эдим-да, мен қайдан билай...” “Ёзишаверади-да!” “Ўзингиз ҳам бошдан-оёқ ўкиб ўтирасиз-ку?..” “Ну и что? Мало ли, нима қиламан...”

68

Аслида, бу дунёда талашиб-тортишадиган нарсанинг ўзи йўқ экан. Эсизгина умри-я! Эсизгина зое кетган умрлар-а!..

Эсида, бир куни Махсум Шайх Саъдийни мутолаа қилган эди: “Хўтиқча йўқолган думини қидириб, иккита қулоғидан ҳам ажралиб қолибди...” Мана

шу хикоят масаласида ҳам роса бахслашишган эди. Энди ўйлаб кўрса, хикоят ўша беҳуда бахс-мунозараларнинг ўзгинаси ҳақида экан-ку! Жамики адашган, алданган умрлар ҳақида...

69

Яхшиямки, унинг атрофида тирик жон қолгани йўқ. Яхшиямки, уни ҳаёт билан боғлаб турадиган ришта йўқ. Бир пайтлар отасими ёки старшинасими айтганидек, унинг “тўнғизга ўхшаб ётган” бу ҳолатини кўрадиган бирор одам йўқ. Орзу-армонларини, кўркувни, ор-номусни, уятларини ҳам чарчок енгиб қўйган. У баридан чарчади, баридан зерикди. Мажолсизланиб ҳаммасидан халос бўлди. Юракка қўшилиб боши ҳам оғриди, энди бунинг ҳам ахамияти қолгани йўқ. Яна озгина сукунат бўлса...

70

...

71

Бемаҳалда уйқуси келяптими... Энди жадвалга солинган кун тартиби нима бўлади...

72

Кўзи бир зумгина илинган экан. Хуш-беҳуш ҳолатида кўкраги шу қадар каттик сиқилибдики, оқибатда қовурғалари синибдию кўкрак қафасидан халос бўлган кизғиш қушчадеккина юраги потирлаб учиб чиқибди-да, бўшликка термилиб хайратланиб турган Саидасрорнинг кўз ўнгида томорқадаги яланглик четида, кизғиш қушботарда шовуллаб ётган теракзорга бориб кўнибди...

“Биҳиштнинг эшигида бир туп дарахт бор, ўзи зафардек, барги заъфарон...”

Саидасрорнинг хаёлини эса болалигидаги ажиб бир хотира чулғаб олган эмиш: “Ҳей, теракда ўтирган сайроқи қушча, қанча талпинмагин, барибир, гард қўнмаган ошёнимга кириб боролмайсан, сен — айро, мен — айро...”

73

Кўшниларнинг уйидаги радиодан эса қуёшнинг киздиришига тобора уйғунлашиб бораётган нағма тараларди:

*Кел, эй Машраб, агар ошиқ эрурсан, бўлмагил гофил,
Бу гафлат уйқусидан, эй ёронлар, уйғониб бўлмас...*

МАФКУРАВИЙ ХАНГОМАЛАР

Бир байтнинг икки “хато”си

“Бобурнома”нинг хоҳлаган саҳифасини ўқиб, бугунги кунимиз учун бир ажиб ҳулоса топасиз. Бу самимий ва тиниқ, аниқ ва пухта, қалб эҳтиросию ақл қудрати бўртиб турган ўзбекона жумлалар зимнида буюк бир шахс, кучли бир тийнат, теран бир нуқтаи назар, қатъий бир сийрат, бугунги тушунчалар билан айтганда, юксак даражада тизимлашган миллий мафкура бор.

Бобур лашкару аъёнлари билан Ҳиндистонга юриш қилиб, уни эгаллади. Албатта, халқ ўз-ўзидан, шунчаки даъват билан Бобурга эргашиб кетаверган эмас. Бобур Мирзо кўзда тутган қатъий мақсад

ва очик манфаат шу эдики, кемага кирганнинг жони — бир: “Мен ўтқа, сувга кирсам-чиқсам, бетаҳоший (ўзбошимчалик қилмасдан) булар била киргайлар ва била чиққайлар. Мен ҳар сориға бўлсам, алар менинг сори бўлгайлар”. Шундагина мақсад бирлигига эришилади. Бунинг акси бўлмаслиги керак. Улар менинг мақсадимга хилоф сўз айтмаслиги, ўзаро кенгашиб, маслаҳатлашиб, буюрилган ҳар иш ва топшириқни бажаришга киришаётганда ҳали мажлис тарқамасдан турибоқ ундан қайтиш бўлмасин, дейди Бобур.

...Бизда иссиқ хонада ювиниш учун ҳаммом қурилади. Ҳиндистон шунчалик иссиқки, ҳаммом салқинлашга мослаб

Баъзилар замоннинг келишига қараб, адабиёт ўлади, деб ҳисоблайди. Бунчалик эмасдир-ов. Инсоф билан айтинг: халқ ҳар йил, ҳар ой, ҳар кун янги-янги анекдот тўқийдими? Анекдот ҳам... адабиёт-ку!

Руснинг зўр адиби Чехов оғзаки ижоднинг бу турини хуш кўрмаган дейишади. Эҳтимол, Антон Павловичга бу жанрни баъзилар фақат беҳаё мавзуларда қўллагани ёқмаган бўлса керак. Аслида эса...

Бизда ҳам анекдот қадимдан бўлган. Латифа дегани — шу. Бироқ бу атама, асосан, Афанди билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар баёнига нисбатан қўлланади. Тиллимизда “хангома” деган сўз ҳам бор. “Чақчақлашмоқ”ни “хангомалашмоқ” ҳам деймиз. Шу маънода “хангома” ҳам “анекдот”га яқин келади.

қурилади. Бунинг устига, бобурийлар Кобулдан чиқиб, Ограни эгаллаган йили ҳаво ҳаддан зиёд иссиқ келган эди. Гармсел эсиб, бунга кўникмаган одамларни қаттиқ ҳолдан тойдирди. Улар "Ҳиндистонда турмоққа рози эмас эдилар, балки кетарга юз кўюб эдилар".

Нима қилиш керак?

Бобур барча бекларни кенгашга ййили, улар олдига қатъий талаблар қўйиб, оташин нутқ сўзлайди:

"Салтанату ҳаҳонгирлиғ беасбобу олот даст бермас. Подшоҳлику амирлиқ бенавқару бевилоят мумкин эрмас. Неча йил саъйлар қилиб, машаққатлар кўруб, узок ерлар қатъ этиб (босиб ўтиб), чериклар юруб (лашкар тортиб), ўзумизни-ву черикни ҳарбу қитол мухотараларига (уруш ва ўлим хатарларига) солғайбиз. Тенгри иноятни била бу навъ қалин ёғиларни (душманларни) босиб, мундоқ кенг мамлакатларни олғайбиз.

Холо (эндиликда) не зўр келибтуру не зарур қилибтурким, мундоқ жонлар тортиб олғон вилоятларни бежихат (сабаб-сиз) солғайбиз (ташлаб кетамиз), яна бориб, Кобулға тангдастлиғ ибтилосиға (қўли калталиқ бошланишиға) қолғай-биз?!

Ҳар ким давлатхоҳдур, мундин сўнг мундоқ сўзларни айтмасун! Ҳар ким тоқат келтура олмай, кетарға юз қўйса, борғонидин қайтмасун!.."

Вазият Бобурдан бекларига шундай дағдаға қилишини, улар олдига шундай қатъий вазифаю шарт қўйишни тақозо этар эди.

Жангларда кўп мардликлар кўрсатган Хожа Калон, барибир, Ҳиндистонда қолишни истамайди. Охири Бобур Мирзо уни Кобул ва Фазнига юборилаётган совға-саломларни олиб борувчиларга бошлиқ қилиб тайинлаб, қайтишга рухсат берди. Унга Фазни, Гардиз ва Султон Масъудий ҳазорани иноят қилди. Яъни Бобур бек норизо бўладиган бирор иш қилгани йўқ. Бироқ...

Хожа Калон Ҳиндистондан кетаётганида ўзи турган уйнинг иморати пештоқиға "Ҳиндистонинг елкаминг чуқури кўрсин" қабилдаги "Ҳинд юртидан эсон-омон қайтиб, уни яна орзу қилар бўлсам, юзим қора бўлсин" деган байтини битиб кетди:

*Агар бахайру саломат гузар ба Синд кунам,
Сиеҳрўй шавам, гар ҳавойи Ҳинд кунам.*

Ана холос! Бунга Бобур нима дер экан?

Айтирини айтди, албатта: "Биз Ҳиндустонда туруб, мундоқ зарофатомиз (камситадиган) байт айтмоқу битмоқу бесураттур (мавқул эмас)". Чунки бундай шеърни айтиш ҳам, уни уй пештоқиға



Оғзаки ҳангомаларни ёзиб олиб, нашр этиш энди-энди расм бўляпти. Ёзма адабиётда ҳам бу жанр намуналари юз кўрсата бошлади.

Ҳангоманинг замонга мослигини фақат ихчамлиги, ҳажвга мойиллиги, халқоналигидангина изламаслик керак. Энг муҳими, бу тиги ўткир мафкуравий жанр.

Агар мафкура деганининг замирида мақсад, муддао, иддао, хуллас, кимнинг ёхуд кимларнингдир манфаати ҳимояси ётса, ҳар қандай ҳангомада мафкуравийлик бор.

Мақсад-муддаони ҳимоя қилиш шундай нарсаки, одамнинг калласини — бигиз, тилини — тиг қилиб юборади.

Ишонмасангиз, қуйидаги ҳангомаларни ўқинг.

ёзиб қўйиш ҳам бобурийларнинг Ҳиндистондаги сиёсати манфаатларига зид ва халал бергучи ҳодиса эди. Бобур Мирзонинг ҳукми қатъий: “Кетмақдин бир кудурат (хафачилик) бўлса, бу навъ зарофаттин икки кудураттур!”

Шоир эмасми, бу воқеадан хабар топган Бобур ўша захоти бадиҳа (ёдаки) йўли билан бир рубоий тўқийди-да, қозғозга битиб, Хожа Калонга жўнатади:

*Юз шукур де, Бобурки, караму гаффор,
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг, Фазни бор.*

Бу нима, манфаатлар тўқнашувими? Ундай бўлса, биз тушунган мафкура — худди шу! Форсча байтга айнан туркона жавоб қайтарилиши тагида ҳам нозик маъно бордек.

Бир инсон бегона юрт иқлимига кўни-колмаган бўлса, шуни шеърга солса, нима қилибди! Шоир Бобур бунга ажаб-товур тушунди. Аммо бу шоҳ Бобурга сира ёқмайди. Чунки шугина икки қатор шеър унинг сиёсатига, демакки, тузган давлати манфаатига қарши. Аввало, ёзмасин эди. Ёзса ҳам, жиллакурса, элга, хусусан, ҳинд халқига бундай ошкор қилмасин эди...

“Бобурнома”да бунга ўхшаш мафкураривий ўринлар сон минг. Шунинг учун ҳам адабиётни мафкурадан холи ҳолда тасаввур қиладиганлар адашади.

“Америкаликлар биздан ўрганган”

2001 йилнинг 11 сентябрида Америкадаги Жаҳон савдо уйининг иккита бир юз ўн қаватли иморати самолёт билан портлатилганини чойхонада телевизорда кўриб ўтирган бир отахоннинг оғзи очилиб қолибди:

— Э қиёмат-э! Қургурлар бир юз ўн қаватли уй қуришган экан-а!..

— Шунга шунча хайрон қоляпсизми? — дебди биродари.

— Нега хайрон қолмайин, биздаги иморатлар 20 қаватдан ошмайди-ку!

— Йўқ, асли бундай кўпқаватли уй тарҳини америкаликлар биздан ўрганган.

— Бўлмаган гап. Ахир, мадрасаларимиз ҳам икки-уч қаватдан ошмаган. Йигирма қаватли иморатларни ҳам энди энди бино қиляпмиз.

— Йўқ, — дебди бояги одам гапида қатъий туриб. — Улар биздан, бизнинг муллаларимиздан ўрганган.

— Қандай қилиб?

— Ахир, ҳар соатда бир худойига борадиган айрим муллаларнинг қорнига қаранг, қани, неччи қават?!

— Муллаларга — меросий. “Мулланинг қорни беш бўлади, тўрти доим бўш бўлади” деган мақол бекорга тўқилганми?

— Бу ёғини энди сал ошириб юбордингиз: “Мулланинг қорни беш бўлади, бири доим бўш бўлади”, дейиларди-ку...

Академикни енгган “укадемик”

Фафур Фулом, кўқонликларга почча эмасми, бу шахарга кўп борар экан, у ерда ошналари ҳам бирталай экан. Аския айтишмаган бирор маҳмаданаси қолмаган экан.

— Кўқон яхши жой-куя, лекин оғзидан гап келадиган бирор одами қолмаган-да, — дебди бир гал борганида шоир. — Ҳаммасини енгганман.

— Янгиси чиққан, Фафур ака, зўр, ўзи чойхоначи, — дейишибди.

— Айтиб кўйинглар, тилини чархлаб турсин. Пешин ошни ўшанинг чойхонасида еймиз.

Фафур Фулом бир гуруҳ мухлисию шогирдлари билан чойхонага кириб бораётган экан. Чойхоначи, бошда дўппи, сочиқ елкага ташланган, қўлида об-даста, гап бошлабди:

— Ассалому алайкум, Фафур ака! Хуш келибдилар, хуш келибдилар! Сизга ўхшаган академиклар келади деб бизга ўхшаган “укадемик”лар чойларди қайнатиб, ошларди дамлаб, сувларди сепиб ўтириппиз-да, ака...

— Ўзбек тилига бир янги сўз қўшдинг, айтишиб ўтирмайман, зўр экансан, хумпар, ошни суз! — деган экан шунда Фафур Фулом.

Шум боланинг саноғи

Фафур Фуломнинг Шум боласи шу замонда ҳам бор экан. У ҳар куни бой отанинг кўйини боқаркан. Боласи тушмагур китобга ўч эмасми, бир куни энг қизиқ жойи келганда бош кўтармай ўқибди. Кўйлар узоклашиб кетибди. Ўнта кўйдан бирини бўри ебди.

Кечга қараб бир амаллаб кўйларни топган Шум бола, қарасаки, биттаси кам. Ҳар куни кўрага қамаётганда бой санар экан:

— Биттаси кам-ку!

“Ўқиган” эмасми, йўлини топибди:

— Ие, бой ота, ҳозир замон ўзгарган, охиридан бошлаб санаш керак.

— Охиридан санасанг ҳам, бошидан санасанг ҳам, тўққиз ўн бўлиб қолмайди-ку, хумпар!

— Мана, қараб туринг, — дебди-да, кўйларни битта-битта кўрадан чиқариб, санай бошлабди: — Ўн! Тўққиз! Саккиз! Етти! Олти!

Шу ерга келганда Шум бола санокни тўхтатибди-да:

— Бой ота, кўрада нечта қолди? Тўрттами? — дебди.

— Тўртта!

— Бошши қотириб мақасиз, бой ота, олтига тўртти кўшса, ўн бўлади-де!

Гап бу ёқда экан...

Истиклолнинг дастлабки йилларида Ёзувчилар уюшмасида катта йигин бўлди. Ҳамма таниқли, хусусан, шўро даврида “гуллаб-яшнаган”лар йиғилган: Мажлис роса чўзилди. Асосий гап — ёзувчиларга эътиборни кучайтиришга қаратилди. Биров у деди, биров бу.

— Одамлар сўраса, ёзувчиман дейишга уялиб қолдик, — деди биров. — Чунки аҳволимиз жуда оғир. Қалам ҳақи камайиб кетди. Ойликлар ҳам ўзларингизга маълум.

— Олган қалам ҳақим асаримни машинкада ёздиришга ҳам етмайди. Бунинг устига, уни босадиган мард нашриёт ҳам топибмайди.

— Ёзувчи китоб ёзиши керак, тамом-вассалом. Уни сотиш билан китоб савдоси шугуллансин. Сотиладим, сотилмайдими, бизга нима, биз ёзайлик, нашриёт боссин, ҳақимизни тўласин, савдо тизими, марҳамат қилиб, сотсин-да...

Биров пастдан луқма ташлаб қолади:

— Думи йўқ товукни, энги йўқ костюмни, “дарча”си бекилмайдиган шимни бозорга чиқариб, ҳашакалло, оласанлар, деб харидорнинг ёқасига тармашасизми?!

Минбардаги нотик ҳам бўш келмайди:

— Бозор иқтисодиёти — ўз йўлига, лекин адабиёт яшаши керак-ку, ахир...

Бундай гапларнинг адоғи йўқ эди. Берди Худо деб ҳамма дардини айтган бўлди.

Мажлис ҳам охирлай бошлади. Чекада қимтинибгина ўтирган, афтидан, қалам ахлидан бўлмаган бир йигит чиқиб, кутилмаган гапни айтиб қолса денг. “Ёзинглар, ҳақини мен тўлайман!” деса бўладими! Ҳамма орқасини суянчидан узиб, чалкаштириб ўтирган оёқларини тушириб, минбар томон энгашиб, жон қулоқ бўлиб эшита бошлади. Ие, зўр-ку!..

— Ҳозир ёзувчи ахлининг ўртача ойлиги қанча?

Ҳар ким ҳар нарса деган бўлди.

— Бирор тахририятда ишлаётганларнинг ойлигию қалам ҳақини кўшиб ҳисоблаганда, ўттиз минг сўм бўлар, дейлик. Лекин бир ой давомида шу адиб неча саҳифалик материал ёзади? Камида ўттиз саҳифа ёзса керак? Ҳисоблаб кўрсак, бир саҳифага минг сўмдан тушяпти. Гапларингиздан билдимки, бу сизларни қониқтирмайди. Биз шунга ўн баробар ҳақ тўлаймиз. Марҳамат, биз билан ҳамкорлик қилинглар. Бу ёғи бозор иқтисодиёти. Ҳар кимга — меҳнатига яраша! Биласизлар, кино — зўр мафкурaviy қурол. “Наштар” ҳажвий киножурналининг аввалги шухратини ҳам биласизлар. Келинг, уни қайта жонлантириб, шухратини аввалгидан ҳам оширайлик, халқимизнинг энг сеvimли томошаларидан би-

рига айлантирайлик. Бу мақсадимизга сиз — сўз усталари, худодод истеъдод эгалари, ёзувчиларимиз ёрдамисиз сира эриша олмаймиз...

Залда жонланиш бошланди. Ҳамма бир сирли нарсани эшитгандек завқ-шавққа тўлган, қизиққан, нотик йигитга ҳавас ва умид билан боққан...

— Лекин, — деди нотик.

Ана шу “лекин”и ёмон-да. Бу сўзни эшитиши билан залдагиларнинг авзойи бузилди. Ток ургандек бўлди. “Нима бало, бизни лақиллатяптимики?!“

— Лекин, бир шартимиз бор: биз яхши асарга пул тўлаймиз. Сценарий бор-йўғи уч саҳифадан иборат бўлиши керак. Ҳар бетига ўн минг сўмдан, ҳар бир сценарийга жами ўттиз минг сўм тўлаймиз. Хоҳланг, бир кечада ёзинг. Хоҳланг, бирдан ўнта сценарий топширинг. Марҳамат, уч юз мингни қурутдай санаб олаверинг.

Ёзувчиларнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Худди “Маҳаллада дув-дув гап” кинофильмидагидек, эҳтимол, ҳаммаининг кўз олдига ёзган оқ қоғозлари пул бўлиб кўрингандир ҳам. Ҳар ҳолда, пул — ёмон нарса эмас. Айниқса, ҳалол меҳнат қилиб топсангиз.

Хуллас, йигит ҳаммаининг сўлагини оқизгандан оқизди. Мажлисда бир сото муҳокама қилинган муаммо бир лаҳзада ечимини топди-қолди гўё.

— Лекин, — деди яна урғу бериб йигит, — бизнинг жуда катта талабимиз бор. Шу талабларимизга жавоб берган сценарийнигина сотиб оламиз. Мана, мен сизларга яқинда суратга олинган ва бизга жуда маъқул бўлган бир сценарийнинг мазмунини қисқагина айтиб бераман.

Ўтирганлар бадтарроқ тикланиб, гўё қулоқларини минбарга бир баҳя бўлсин яқинлаштиргандай, эшита бошлади.

— Бир катта шаҳарга дарё оқиб киради. Суви зилолдек тип-тиниқ. Ичидаги балиқларигача, уларнинг саф-саф бўлиб, ўйнашиб сузишларигача кўриниб турибди. Қирғоқда бир келишган йигит

сувга суқланиб қараб турибди. Шу маҳал сув ичидан сўксурдек, сочлари узун, атлас кўйлаги ўзига жуда ярашган сарвқомат бир қиз — сув париси чиқади. Йигитга бир нозли боқиш қилади. Йигит шу заҳоти ошиқи беқарор бўлиб, қирғоқдан бир даста гул теради. Гулини узатай деса, қиз “Богладимми?” дегандай, ўнг қўлини қулоғидан тепароқда силкий-силкий, яна сувга шўнғиб кетади. Лекин сув тиниқ эмасми, у оқим бўйлаб сузади, йигит уни кўриб тургани учун қирғоқ бўйлаб югуради. Қўлида гулдастаси. Дарё шаҳарнинг бу бошидан у бошигача оқиб ўтади. Йўл-йўлакай бу тиниқ сувга нималар оқиб тушгани, қайси заводдан қандай ифлосликлар унга кўшилгани, итнинг ўлганию мушукнинг тиригигача, консерва банкаю ароқ шишагача, шох-шаббаю пайпоқ-ковушгача — ҳамма нарса топилиши кўрсатиб борилаверади. Охири, дарё бир ўзанда айланади, ундан қувурга ўтади. Шу ерда бор бисот — жамики ифлос нарсалар тўпланиб, уярда гир айланади. Лойқа, смоладек қопқора, нефтдан бадтар сув ичидан, аниқроғи, эритилган қора мум бочкасидан чиққандай тасқара бир нарса, аслида, ўша сув париси чиқади. Йигит кўзларига ишонмайди. Қўрқиб кетади. Пари деб ўйлагани алвасти бўлиб қолади. Шунда афтини бужмайтириб, “Ажинанинг ўзи-ку! Вой-дод!..” дейди-да, гулини ҳам отиб юбориб, орқасига қарамай қочади...

Ҳикоя мазмуни батафсил айтиб берилган, шунча ёзувчининг овози бирдан ўчгандек бўлди. Кўринишдан бирортасининг чехрасида хурсандлик аломати йўқ эди.

Шунда ёзувчиларнинг моддий аҳволи яхши эмаслиги, қалам ҳақи жуда камлиги хусусида биринчи бўлиб жавраган ўша адиб у ёқ-бу ёққа бир-бир аланглаб:

— Ҳа, энди, бундай ёзиш осон эмас-да, — деди. Аввалги дағдағали оҳангдан асар ҳам йўқ эди.

Битта фил — уч сўм!

Шўро даврида Бухоро яхудийларидан бири Исроилга кетиб қолган жигарига хат ёзибди: "Дар Бухоро осойиштагий. Локин якто мурғ — понздаҳ сўм" ("Бухорода тинчлик. Лекин битта товук — ўн беш сўм").

У пайтлар хорижга чиқаётган ҳар қандай мактуб нозик идораларда ўқилар экан. Ўқиб кўриб, муаллифни қақришибди:

— Яхши. Лекин Бухорода битта товук ўн беш сўмлигини билдирсангиз, шўро давлатида қимматчилик экан, дейишмай-дими? Сиздан нима кетди, шуни сал арзонлаштириброк ёзинг...

Хатни бошқатдан битибди: "Дар Бухоро осойиштагий. Якто фил — се сўм. Локин ман панжто фил намегирам-у, якто мурғ мегирам" ("Бухорода тинчлик. Битта фил — уч сўм. Лекин мен бешта фил олмайман-у, битта товук оламан").

Нозик идорадагилар хатни ўқиб:

— "Битта фил — уч сўм!" Бу — бошқа гап! Ана арзончилигу мана арзончилик, — дейишибди-да, мактубни жўнатиб юборишибди.

Исроилдан жавоб йўллашибди: "Бухорода битта товук ўн беш сўмга чиққан бўлса, Исроилга кел..."

Қарғалар

Шўро даврининг сўнгги йилларида бир ашула тоза машхур бўлди-да:

*Қарғалар учса, қарайлик
Марғилоннинг йўлига.
Ҳиди келса, маст бўлайлик
Ҳандалакнинг буйига.*

Бу ашула айтилмаган тўй қолмади. Ҳамма ўйнади ўзиям. "Қарғалар" тугаши билан даврандан биттаси ўрнидан туриб бақиради: "Қарғалар" бўлсин, "Қарғалар"!.."

Ўйнайверади. Маъно-мазмун билан сариқ чақалик иши йўқ. Шу ашула айтилиб турса бўлгани. Жилпанглайверса...

Хўш, бу ашулани ким ёзган? Нега қар-

галар учса, Марғилоннинг йўлига қараш керак? Нима, Марғилондан бошқа ерларда қарға анқонинг уругими? Қарға қишни эслатса, бу ерда ҳандалакка нима бор? Ахир, у жавзонинг ҳосили-ку? Шеърда бу икки тушунчани нима боғлаб турибди?..

Рақсга тушаётган одам ўзига бундай саволлар бериб, жавоб излашга ўрганмаган. Бунинг учун каллани ишлатиш керак-да! Нима қилади бошини оғритиб, ҳамма ўйнаятими, ўйнайвериб керак.

Йўқ!

Ҳеч бир ўзбекнинг бу ашулага ўйинга тушишга ҳаққи йўқ!

1916 йил. Биринчи жаҳон уруши қон қақшаётган маҳал. Чор Россиясининг аҳволи оғирлашяпти. Унга аскар керак. Аҳоли ўртасидан эркакларни урушга жалб этиш эҳтиёжи кучайган. Шунда кимдир: "Туркистондан аскар тўплаш керак", деган. "Туркистонликлар уруш қилишни, милтиқ отишни билмайди", деган бошқаси. "Милтиқ отолмас, мардикорчилик қилар — от боқар, чўчка боқар, темир йўллари таъмирлар", деган яна бири.

Хуллас, мардикорчилик бошланган. Ўз қишлоғи ё шаҳрини дунё деб билган қанчадан-қанча ўзбекни поездларга босиб, тақа-тақ, тақа-тақ Россияга олиб кетишган.

Узоқ юртнинг бир совуқ куниди илгари замонда Марғилонни дунё ҳисоблаб юрган амакимиз чўчкахонада қор кураётса, атрофида қарғалар пайдо бўлибди. "Ие, қарға-ку! — дея ҳаяжонланибди у. — Ўзимизнинг қарға-ку! Марғилоннинг қарғаси-ку! Ие, ҳа, қарға қурғур баҳорда қаерларга йўқ бўлиб кетади, десам, шу ёқларга учиб келар эканда-а?! Дарвоқе, ўзи у бизга қиш маҳали келарди-я. "Бир қарға билан қиш келмас" деган мақолимиз ҳам бор-а".

Қарға амакига юрт тимсоли бўлиб кўринган. Ватан соғинчи ҳиссини кучайтириб юборган. Тили, беихтиёр, кўшиқ тўқий бошлаган: "Қарғалар учса, қарайлик..."

Кейин мулоҳаза давом этган: "Шош-

ма-чи, қарға бу ёқларга келган бўлса, бизда ҳам ҳозир қиш экан-да. Эрта-индин юртда баҳор бошланади. Кўклам бизда эрта келади-я. Ҳамма далага чиқади. Экинлар экилади. Дарвоқе, биринчи нима пишарди? Ие, айтмоқчи, ҳандалак пишади-ку. Бай-бай... Хиди зўр-да, аммо-лек..."

Юрт шундай нарсаки, узоқ ўлкаларга борган қаргадан ҳам одам ҳандалакнинг хидини туяди. Шунга маст бўлади.

Марғилонлик амаки буни ғам билан, дард билан, алам билан айтган!

Ишонмасангиз, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг мардикорлар тилидан тўқиган кўшиқларини эсланг:

*Оға, соғ борсангиз, аввал дадамларга
салом айтинг,
Югуриб чиққан ул мушфиқ онамларга
салом айтинг...*

Адабиёт мафкура бўлса, ҳар қандай шеърни тиринг-тиринг шўх куйга солиб айтса, ўйнайверамизми, биродар?

Қизил олма

Қизил — жуда жозиб ранг. Дарров диққатни жалб этади. Дейлик, даррахтнинг баланд шохида пишган олма қип-қизил бўлади. Куёшдан тўйган-да. Ўша даррахтнинг пастки шохларида туккан "сояки" меваси кўм-кўклигича, таъми тахирлигича қолаверади.

Рангнинг жозибаси таъсири бўлса керак, ўн йиллар муқаддам бир ашула тоза авж олди-да:

*Баланд шоҳда қизил олма
Пишган экан.
Узиб олиб қарасам, қурт
Тушган экан...*

Бу ашула айтилмаган тўй қолмади. Ҳамма ўйнади ўзиям. "Қизил олма" тугаши билан даврадан биттаси ўридан турири бақиради: "Қизил олма" бўлсин, "Қизил олма"!.."

Хонанда ҳам уни шундай шўх-шанг

куйга солиб, шунақа завқ-шавқ билан айтадики, орада ўзи ҳам жўшиб, қўлларини қарсиллатиб: "Ҳайт!" деб юборади.

Билган ҳам, билмаган ҳам шу кўшиқни айтди. Билган ҳам, билмаган ҳам шу кўшиққа рақсга тушди. Чоллару кампирлар-ку майли, ҳатто тўй охирида гүлдек келину ҳалимдек куёвни ҳам айнан шу "Қизил олма"га ўйнатадиган бўлиб кетдик...

Ҳолбуки...

Эшитишимча, Муҳаммад Юсуф раҳматлининг шоир жўраларидан бири ўзига тўк, тагли-тугли, баобрўй оиланинг фарзандига — худди баланд шоҳда пишган қип-қизил олмадеккина қизга уйланган. Пойтахтдан тўйга бир гуруҳ қалам-каш борган.

Уч кундан кейин қараса, куёвбола метрода юрибди. "Ие, биродар, ҳа? — дебди тўйга борган жўралари кўриб қолиб. — Ахир, чилла деган гаплар бор эди. Янгичасига "асал ойи" дегандек?.."

Шунда шўрлик куёв бор гапни яширмай айтибди-қўйибди:

— Баланд шоҳда қип-қизил олма бўлиб кўринувди, узиб олиб, қарасам, қурт тушган экан...

Шоир шуни шеър қилган. Ўзидан кўшиб-чатмаган. Хонанда ҳам шундайича — бузмай айтади. Биз нега ўйнаймиз, ҳайронман: "Ажаб бўпти, соз бўпти, қурт тушган олмага дуч келибсан, бадтар бўл!.." дебми? Ёки шўх куйга солса, бўлдимми? Ўйнайверамизми?

Бу кўшиқни ўйинбоп қилиб, шўх куйга солиб айтиб бўлмайдик-ку!

Бир биродарим "Кўчадан хамирга ўралган бирон-бир овқатни ема, билмайсан-ку нима ўраб сотади!" деб "насихат" қилади. Рост айтар эканми, дейман-да...

Тўғри, 1995 йили телевидениенинг "Маънавият" видеоканалида бу кўшиқ айнан ноўрин тарзда шўх оҳанг билан айтилгани жиҳатидан танқид қилинганидан кейин, хонандага раҳмат, уни репертуаридан чиқариб ташлади.

Энди шеърнинг қолган бандларидаги мазмунга бир диққат қилайлик:

Мен олмани ирғитворсам,
У дод солди:
"Ташлаб кетар экан мени,
Нега олди?"

Баланд шохда пишган бўлса, кип-кизил бўлса, нега уни "ирғитворади", "ташлаб кетади"?

Шеърнинг бу ёғи "қурт тушган олма"-ни олган шўрликнинг бошига тушган гав-голлар баёнидан иборат.

Бу фикрга ҳеч бир эътироз бўлмаслиги учун бир нарсани айтиш керак: шоир бу шеъри сарлавҳаси остига "С.га" деб қўйгани ҳам унинг муайян шахс, яъни бир инсоний тақдирга ачи-ниш ҳисси билан битилганидан далолат беради.

Биз ўта иримчи халқмиз-ку: келинни-кига куёв тарафдан тўй жўнатганда туз қўшмаймиз, пиёз юбормаймиз, ҳамма нарсанинг оппоқ бўлишини истаб, оклик қиламиз ва ҳоказо.

Нега қурт тушган кизил олма фожиасини ирим қилмай, тўйларимизда айттириб, ёппасига рақсга тушиб юрибмиз?

Бу ҳозирги замонда шунчаки масала эмас. Яқинда, ҳатто, Россиядек мамлакат телевидениесида рус зиёлилари "олмага қурт туширмаслик" масаласини махсус муҳокама қилиб, бу — миллатнинг муқаддас вазифаси, деб юборди. Бизга нима бўлди?

Ахир, "қурт тушган олма"нинг бозори бўлак-ку. Нархи ҳам паст унинг. Бозор иқтисодиёти шароитида буни ўйлайлик.

Ҳеч кимнинг олмасига қурт тушмасин! Ҳар ким бунинг олдини олсин!

Бир катта йиғинда воиз шу мавзуда гапираётганида залдагилардан бири пастдан туриб:

— Дориласин, бўлмаса!.. — деб юборди.

Бир том-у, икки хил ҳаво

Бухоро — жуда иссиқ жой. Илгари замонларда саратонда одамлар кечаси салкинроқ деб томда ётар экан.

Бир момонинг бир ўғли бир қизи бор экан. Ёзининг куни қизи билан куёви меҳмон бўлиб келибди. Томда ётадиган бўлишибди.

Момо ўнг томонига қизи билан куёвга, чап томонига ўғли билан келинига жой солдирибди.

Момо қизи билан куёвига нуқул:
— Яқин-яқин ётинглар, ҳаво ҳадемай совуб қолади, совқотасизлар, — дер экан.

Ўғли билан келинига эса нуқул:
— Бир-бирларингизга тиқилмасдан, узоқроқ-узоқроқ ётинглар, ҳаво иссиқ, терлаб кетасизлар, — дер экан.

Бу гап эрталабгача минг бор такрорланибди. Охири, келинининг жонига тегиб, "Уф!.." дебдию шу шеърни айтиб юборибди:

*Гардам аз Худо-е,
Як бом-у, ду ҳавое:
Як тарафаш сармо бувад,
Як тарафаш гармо бувад...*

Яъни:

*Ўргилайин Худодан-эй,
Бир том, икки ҳаводан-эй:
Бир томони совуқ эмиш,
Бир томони иссиқ эмиш...*

Аслида-ку, ҳеч қачон бир томда икки хил ҳаво бўлмайди.

Мафкура мафкура экан-да...

Jamiyatda qadriyatlar uyg'unligi

Тарихда бирон бир жамият, давлат маънавий ва миллий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб тараққий этмаган. Шу боис мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президент Ислоҳ Каримов жамиятни бошқаришда умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди.

Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани табиий ҳол. Фикримизча, халқимиз шўролар даврида узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий таъйиққа қарамай, тарихий, миллий ва маданий қадриятларини сақлаб қола олди. Албатта, умуминсоний, демократик қадриятларни миллий ва диний қадриятлар билан уйғунлаштириш — ўта мураккаб, узоқ давом этадиган, баъзи ҳолларда зиддиятли тус олиши ҳам мумкин бўлган жараён. Шунинг учун бу масалани тарихий, фалсафий, методологик жиҳатдан ўрганиш — бугун ижтимоий-сиёсий фанлар олдига турган долзарб вазифалардан бири.

Фалсафада қадриятларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни масаласига онтология, гносеология ва эвристика нуқтаи назаридан қараб ўрганишга уринишлар бўлган. Қадимги ҳинд фалсафасида, айниқса, "Веда"ларда инсон қадриятига алоҳида эътибор қаратилганини кўрамиз. Қадимги дунё фалсафий меросида бундай мисоллар кўп. Чунончи, қадриятларнинг жамиятни бошқаришдаги ўрни "Авесто"да ҳам алоҳида таъкидланган. Унда эзгу амал, эзгу сўз ва эзгу фикр инсон қадриятининг асосини ташкил этади, дейилган. Дарҳақиқат, ҳар қандай жамият тараққиёти ҳам, инқирози ҳам маънавий қадриятларга муносабатга боғлиқ.

Хўш, қадриятнинг ўзи нима? Уни қандай тушуномқ керак? Нима сабабдан юртбошимиз қайта-қайта жамиятни бошқаришда миллий қадриятларнинг ўрни ҳақида қайта-қайта таъкидламоқда?

Бизнингча, миллий давлатчилигимиз пойдевори барпо этилаётган ҳозирги шароитда миллий қадриятларнинг ўрни ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётир. Агар онтология "Нима

бору нима йўқ?", гносеология "Инсон нимани билади ва қандай билади?" деган саволга жавоб берса, аксиология (юнонча аксиос — қадр, логос — таълимот, сўз, тушунча) "Эзгулик нима, унинг инсон учун қандай аҳамияти бор?" деган саволга жавоб излайди. Демак, аксиологияни қадриятларнинг инсон учун аҳамияти кўпроқ қизиқтиради. Бинобарин, "Қадриятлар деганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар тушунилади" (Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат. Т., 1998, 280-бет).

Жамият инқирозга юз тутганда мутафаккиру донишмандларнинг, шунингдек, бир тизимдан иккинчисига ўтишда давлат етакчиларининг қадрият масаласини жиҳдий тарзда майдонга ташлаши ҳам элни бошқариш заруратидан келиб чиққан. Масалан, эраимиздан олдин Афина демократисини инқирозга учраганида юнон файласуфлари қадрият масаласини кўтарган эди. Улар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тафаккур тарихида биринчи бор "Инсон — олий қадрият" деб кўрсатди, оламдаги барча жиҳатларни "инсонийлик мезони" билан ўлчашни тарғиб этди. Буюк мутафаккир Сукрот эса "Қадрият нима?" деган саволга "Ҳар бир инсоннинг ўзлигини англаши" деб жавоб берди. Ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожига қадриятларнинг жамиятни бошқаришдаги ўрнига оид нуқтаи назарлар қадимги юнон файласуфлари Арасту (Аристотель) ва Эпикру асарларида ҳам учрайди. Бундай қарашлар бугунги кунда ҳам бир қатор халқро ташкилотлар ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Бу борада Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий асарларида ҳам қизматли фикрлар билдирилган.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида бешинчи устувор йўналиш сифатида жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарт тарзида қўйилган. Бу — "Кучли давлатдан кучли жамият сари" шиорини ҳаётга янада кенгроқ жорий этиш деган гап.

Қадриятлар умуминсоний, минтақавий, миллий, диний ва ҳоказо турларга бўлинади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар мутаносиблиги ҳақида сўз борар экан, Алишер Навоий ижоди ҳамда фаолиятини ибрат намунаси сифатида кўрсатиш мумкин.

Умуман, Шарқ фалсафаси ва ижтимоий-сиёсий қарашларида, хусусан, тасаввуф таълимотида инсонийлик асосий ўринда туради. XX асрда Фарбда вужудга келган, илдизи Шарқ қадриятларига бориб тақаладиган “хаёт фалсафаси” ўзагини ҳам инсон қадрияти ташкил этади.

Жамиятни бошқаришда жаҳон тараққиёти янги-янги тамойилларни, сиёсий қадриятлар тизимини юзага келтирмоқда. Демократия улар орасида энг муҳим бўлган қадрият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон демократияга интиляпти.

Zamon ruhiga mos

Дунёдаги турли мамлакатлар ўртасидаги маърифий алоқалар ҳаётий зарурат натижаси сифатида башариятнинг умумий тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини бугунги кунда кўпчилик яхши тушунади. Шу боис инсониятнинг буюк даҳолари яратган маърифий-маданий мерос макон ҳам, миллат ҳам танламай, сарҳадлар оша бутун одамзоднинг бебаҳо мулкига айланиб бормоқда. Хусусан, Шарқнинг улуг мутафаккирлари Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳроуддин Нақшбанд, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби фозил аждодларимиз тафаккури маҳсули бўлган ноёб асарлар бутун инсоният хазинасидан жой олганидек, бошқа миллатларга мансуб даҳо ижодкорлар яратган маданий дурдоналари ҳам биз учун қадридир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда инсоният ҳаётини ўзаро маданий алоқаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Сирасини айтганда, одамзоднинг умумий тарихи ва тақдири ҳам шундай ҳамжихатлик ҳамда ҳамкорликда яшашни тақозо этади. Форс-тожик адабиётининг етук вакилларидаан бири шайх Муслихиддин Саъдий бу ҳақиқатни назарда тутиб, шундай деган эди:

*Бани одам аъзои яқдигаранд
Ки дар офариниш зи як жавҳаранд.*

Яъни, барча одам болалари бир вужуд аъзолари қабидир, чунки улар ягона жавҳардан яралган.

Унутмаслик керакки, тарихий миллий қадриятларимиз биз учун қанчалик қадрли бўлмасин, улар ҳамма вақт ҳам замон талабларига жавоб бера олмайди. Шунинг учун мустақиллик туфайли янги маъно ва мазмун касб этаётган миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш — ҳаётий зарурат. Шунда ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни уйғунлаштирувчи қадриятлар тизимини яратиш мумкин бўлади. Буни ривожланган мамлакатлар тарихий тараққиёти ҳам кўрсатиб турибди.

Тўра НОРБОВЕВ,

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университетининг доценти*

Инсон фарзандлари ягона жавҳардан вужудга келганидек, халқлар ва миллатлар ҳам бир манбадан тарқалган. Масалан, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг ўзаро яқинлиги жуда қадим даврларга бориб тақалади. Туркий халқларнинг ноёб маданий ёдгорлиги — “Қиссаи Рабғузий” асарида баён қилинишича, инсоният тарихи аввало оламнинг барпо этилиши ва Одам Атонинг яратилишидан бошланган. Ушбу асарда айтилишича, Нуҳ пайғамбар Одам Атонинг шажарасидаги тўртинчи бўғин асосчиси экан. Унинг тўрт ўғли ва бир қизи бўлган экан. Ўғилларининг биринчиси Сом, иккинчиси Хом, учинчиси Ёфас, тўртинчиси Каньон бўлган экан. Кейинчалик Сомни Ҳиндистонга ҳукмрон бўлгани учун Абдул Ҳинд, Хомни Эрон ва Бобилни бошқаргани учун Абул Форс деб атабдилар. Ёфасга эса Туркистонга ҳокимлик қилиш насиб этган экан. Ўз шажараси ва тарихини яхши билган ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур шу боис “Бизнинг аждодимиз Абул Турк Ёфаснинг ўғли, Нуҳнинг набираси ва туркларнинг буюк хони эрди” деб таъкидлаган. Мана шу далилларнинг ўзиёқ дунёдаги, жумладан, минтақамиздаги халқларнинг ўзаро биродарлик алоқалари жуда қадим даврлардан бошланганини кўрсатиб турибди.

Ватанимизнинг мустақиллик йилларида жаҳондаги турли мамлакатлар билан юритаётган ҳамкорлиги ана шу қадимий алоқаларнинг ҳозирги кунда бизнинг халқимиз томонидан муносиб давом эттириляётганидан да-

лолат беради. Бундай ҳамкорлик ҳар жиҳатдан самарали, замон руҳига мос экани айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Бу алоқалар фақат ҳукуматлар миқёсида эмас, алоҳида ташкилотлар ўртасида ривожланиб бораётгани ҳам диққатга сазовор. Масалан, мамлакатимиздаги "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан Жанубий Кореянинг кардиология жамғармасининг ўзаро ҳамкорлигини олайлик. Ўтган йили ана шундай ҳамкорлик туфайли ўзбекистонлик тўрт нафар боланинг юраги Сеул шаҳрида жарроҳлик усули билан даволанди. Бунинг учун кетган барча харажатларни Корея кардиология ва миссионерлик жамғармалари ўз зиммасига олди. Жанубий Кореянинг "Энграг" жамғармаси билан биргаликда ташкил этилган но-гирон болалар ўртасидаги "Жозибали бўёқлар олами" расмлар танлови 1996 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. 1999 йилнинг сентябрида Тошкентда ўтказилган Корея Республикаси маданият кунлари икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар тобора кенг кўлам касб этиб бораётганини кўрсатади.

Бундай ўзаро фойдали ҳамкорлик Осиё-

даги бошқа мамлакатлар билан ҳам ривожланиб бормоқда. Жумладан, истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги фан-техника алоқалари янги босқичга кўтарилди. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди: 1997 йилда Ҳиндистон Республикасидан 1 миллиард 600 миллион доллар миқдоридagi компьютерлар учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар юртимизга олиб келинди. Айни пайтда ўзбек олимларининг лазер технологиялари ва назорат тизимлари соҳасида яратган ишланмалари Ҳиндистонда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунинг учун 1995 йилда ўзбек-ҳинд илмий-техникавий ҳамкорлигига кўмаклашувчи махсус марказ ташкил этилди. Мазкур марказ кўмағида Ўзбекистон Фан-техника давлат кўмитаси ҳисобига 25 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказилди.

Хуллас, Ватанимизнинг дунё мамлакатлари билан олиб бораётган тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги мамлакатимизнинг обрў-эътибори ортиши, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида катта ўрин тутмоқда.

Абдуғаффор КИРФИЗБОЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

Komillik shartlari

Ҳар бир давр ўзининг етуқ инсонларини тарбиялайди, ҳар бир давр комиллик масаласига ўзининг талаб ва мезонлари нуқтаи назаридан турлича муносабатда бўлади.

Агар буюқ аждодлар меросига мурожаат қиладиган бўлсак, улар комиллик борасида маънавий етуқлик масалаларига кўпроқ эътибор берганини кўрамиз. Улар инсоний комиллик асосини маънавий етуқликда деб билганлар. Бу ҳақда гап кетганда, Алишер Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Футуввати султония ёхуд жавонмардлик тариқати" асарини алоҳида тилга олиб ўтиш лозим бўлади. Чунки бу асарда маънавий комилликка интилган, юксак фазилатли инсонлар хулқидаги ажойиб хусусиятлар таърифланиб, уларга эришиш йўллари кўрсатиб берилган.

Ўша даврларда жавонмардлик, яъни жўмардлик — йигит кишига хос мардлик фазилатлари комилликнинг асоси дея эътироф этилган. Шу боис Кошифий бу асарда мардликнинг 71 шартини изоҳлаб, улардан 48 таси

вужудий, 23 таси эса азалий эканига эътиборни қаратади. У мардликнинг вужудий шартларига ислом (яъни ислом динида бўлиш), иймон (яъни иймонли, виждонли бўлиш), ақл (яъни ортиқча ҳою хавас, қаҳр-ғазабга берилмай, ақл билан иш қилиш), илм, ҳилм (яъни ҳалимлик, юмшоқкўнгиллик), зухд-тақво (яъни худодан кўрқиб ёмон, гуноҳ ишларни қилмаслик), вараъ (парҳез, адолатсиз, ноҳақ ишлардан, жабр-зулмдан ўзни тийиш) каби амалларни мисол қилиб келтиради.

Таржимон ёки нашриёт муҳаррири, нима учундир бу борадаги 27-шартни тушириб қолдирган. Мардликнинг 28-шарти эса ота-она ҳурматино бажо келтириш, яъни уларнинг олдидаги фарзандлик бурчини бажаришдан иборат.

Ҳусайн Воиз Кошифий комилликнинг 29-шарти устоз хизматида бўлиш эканини айтади. Устоз шогирдларини баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун бор куч-ғайрати ва билимини сарфлайди.

Комилликнинг 30-шарти — ҳамсоя, қўшни-

лар ҳақини адо этиш, 31-шарти эса фақат эзгулик ва савоб ишларга даъват этадиган сўзларни гапириш, муомала одоби. Бу масала, яъни муомала одоби бугунги кунда ҳам гоёат муҳимлиги билан ажралиб туради. Одамлар кишининг гапи ва муомаласига қараб унинг кимлигини, қандай мақсадларни кўзлаб яшаётганини билиб олади.

Кошифийнинг талқинича, комилликнинг 32-шарти — кўп билиб, оз сўзлаш, яъни, билимдон бўлса ҳам, сукут сақлаш. Ҳамманинг олдида ўзини кўрсатиб мақтанмаслик, камтаринлик. 33-шарт — ҳамма жойда ва ҳамма вақт адолатни талаб қилиш. Яъни, бировнинг, айниқса, етим ва мискинларнинг ҳақиқа кўз олайтирмаслик, таъмагирилик, порахўрлик, юлғичлик, текинхўрликдан ўзини тийиш, ҳалол ризқнасиба топиш.

Комил инсонликнинг 34-шарти — салом одобини бажо келтириш. Демак, саломлашув илми ҳам алоҳида ўрганишни талаб этади. Инсоннинг қандай вазиятда қандай саломлашиши — унинг одоби ва тарбиясидан далолат беради.

Комиллик, мардлик, футувватнинг 35-шар-

ти — яхшилар ва поклар билан суҳбатлашиш. Бу шартни бажариш ҳам осон эмас. Чунки ҳаётда яхши, покиза одамлар билан бирга, нопок ва муттаҳамлар ҳам кўп. Баъзан хизмат юзасидан, баъзан бир зарурат туфайли улар билан ҳам тўқнашиш, муомала қилишга тўғри келади. Комил инсон ана шундай синовларга ҳам тайёр бўлиши керак. Кошифий дўст танлашда яхши ва покиза инсонларга яқин бўлишни назарда тутган.

Албатта, Кошифий асарида тилга олинган комилликнинг ҳар бир шарти ҳақида тўхталиш имкони йўқ. Биз улардан айримларигагина эътиборни қаратдик, холос. Лекин шуларнинг ўзиёқ миллий маданий меросимиз намуналарида маънавий комиллик масалалари қанчалик чуқур таҳлил этилган, уларни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш ва замонавий тарбия жараёнига жорий этиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Мукаррам НУРМАТОВА,

*Ўзбекистон Миллий университетининг
докторанти*

Bir muhabbat dostoni

XIX аср охири — XX аср бошларида яшаб ижод этган шоир, таъкиранавис, табиб ва таржимон Табибий ҳаёти ва ижодий фаолияти Хева хонлигининг Россия томонидан босиб олиниши — Муҳаммад Раҳимхон соний — Феруз хукмронлиги даврига тўғри келади. Шоир бор-йўғи қирқ икки йил умр кўрган бўлса ҳам баракали ижод қилган. Бизгача унинг беш шеърый девони, "Вомиқ ва Азро", "Етти равза" ахлоқий-таълимий дostonлари, Фузулийдан таржималари, "Маждат уш-шуаро" таъкираси ва "Тарихи хонон" асари етиб келган.

"Вомиқ ва Азро" дostonида севги, дўстлик, меҳр-оқибат, адолат каби инсоний фазилатлар улуғланади. Дoston сюжети қадимги юнон ривоятларидан озиқланади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" таъкирасида Вомиқ ва Азро нақлидаги дoston ҳақида куйидаги маълумот келтирилади: "Кунларнинг бирида Хуросон подшоши Амир Абдулло ибн Тоҳир Нишопур шаҳридаги тахтида ўтираркан, нотаниш бир киши келиб унга сербезак китоб совға қилади. Амир ундан "Бу қандай китоб?" деб сўрайди. У киши

"Китобни донишмандлар шох Ануширвон одилга атаб ёзганлар, бу ажойиб асар Вомиқ ва Азро ҳақидаги ривоятдур", дея жавоб қайтаради. Амир Абдулло газабланиб: "Биз Куръони карим ва пайгамбарлар ҳақидаги ривоятлардан бошқа ҳеч қандай китобни ўқимаймиз. Сехр-жудуга тўлган бу каби китобларни оловга ташланг!" деб буюради.

Дастлабки "Вомиқ ва Азро" асарининг тақдири шундай тугайди. Халқимиз мазкур дostonни "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Махнун", "Юсуф ва Зулайхо", "Тоҳир ва Зухра" асарлари қаторида севиб ўқиган. Унинг форс, турк, уйғур ва ўзбекча шеърый ҳамда насрий вариантлари кенг тарқалган.

Хева хони Оллоқулихон 1834 йилда шоир Мафурхўжага Зоҳир Қирмонийнинг сарой кутубхонасида сақланаётган форсий "Вомиқ ва Азро" дostonини ўзбек тилига ўгиришни топширади. Бу китоб наср ва назмда битилган йирик қадимий асар эди.

XX аср бошларида эса Муҳаммад Раҳимхон соний — Феруз "Вомиқ ва Азро" дostonини ўқиб чиқади. Дoston унга маъқул бўлади. У

сарой шоирларининг пешқадам вакили Аҳмаджон Табибийга шу мавзуда асар ёзишни топширади. Шу тариқа дostonнинг ўзбек тилидаги шеърый шакли дунёга келади. Табибий каламига мансуб "Вомиқ ва Азро" дostonи тахминан 16200 мисра, яъни 81 бобдан иборат. Дostonда муҳаббат йўлида уч жуфт севишган — Вомиқ ва Азро, Осаф ва Шакардухт, Наим ва Ҳавронинг тортган азоб-уқубатлари маҳорат билан тасвирланган. Пок муҳаббат дostonнинг бош мавзусига кўтарилади. Шунингдек, унда дўстлик, адолатпарварлик гоёлари ҳам илгари сурилади.

Дostonнинг бош қаҳрамони Вомиқ уч фазилат эгаси — вафодор ошиқ, жасоратли баҳодир ва адолатпарвар шоҳ сифатида гавдаланади, комил инсон даражасига кўтарилади. У севгилисига етишиш йўлида кўп машаққатларга дуч келади. Ошиқ Вомиқ ҳижрон азобида қолган дўстларидан ҳам ёрдамини аямайди.

Вомиқ фазилатларининг сарчашмаси унинг болаликда олган яхши тарбиясидир.

Сабо мамлакати подшоиси Носиршоҳ ва унинг вазири Равшанрой ўғил кўради. Шоҳ ўғлига Вомиқ, вазир эса Осаф деб исм қўяди. Болалар ўн ёшга тўлгач, шоҳ уларни сарой донишманди Муаббад ихтиёрига топширади. Дунёвий илмлардан сабоқ берган донишманд кези келиб шоҳдан болаларни имтиҳон қилишни сўрайди. Шоҳ уламою аёнларини йиғиб, Вомиқ билан Осафни имтиҳондан ўтказди. Муаббаднинг таълимидан мамнун бўлган шоҳ унга қимматбахор тўхфалар қилади. Шундан кейин Вомиқ билан Осаф жанг ва сипоҳийлик, овчилик санъати, камон отиш, найзабозлик хунари, мусиқа илми, шатранж ўйинидан таълим олади. Носиршоҳ ўғлининг камолидан қувониб, катта зиёфат беради. Зиёфатга ташриф бурюрган Жобилсо мамлакати подшосининг кизи — паризод Азро сайр чоғи шахзода Вомиқни мутолаа билан бандлигида учратиб, уни севиб қолади. Малика юртига қайтиб боргач, ўзининг суратини чиздириб, Сабо шоҳига совға қилиб жўнатади. Шоҳ Азронинг мақсадини англаб, суратни хазинасидаги бир сандиққа беркитади.

Отасининг вафотидан сўнг Вомиқ шоҳ хазинахонасидаги сирли сандиқни очади ва малиқанинг суратини кўриб, ошиқи беқарор бўлади.

Азро парилар авлодидан бўлиб, унинг отаси — Жобилсо шоҳи қизининг Вомиқни севишига қаршилиқ кўрсатади. Ҳатто яккаю ягона қизини зиндонга ташлайди. Аммо садоқатли Азро Вомиқ ишқидан воз кечмайди.

Дostonда ғаройиб саргузаштлар, сеҳр-жоду, дев ва парилар ҳийласи, дуоибад каби унсурлар ҳам ўрнида қўлланган.

Азро ишқига мубтало бўлган Вомиқ салтанатни ташлаб, Жобилсога — маъшуқаси қошига боради. Қизнинг отаси унга қарши сеҳр-жоду ишлатади. Аммо Вомиқ устози Муаббад ўргатган илм кучи билан ҳийлани енғади. Ниҳоят, севишганлар висолга етишади.

Дostonда жўмардлик, фидоийлик, самимият, орият каби хислатларни юқори қўйиш орқали бош қаҳрамонларнинг сиймоси очиб берилди.

Табибий Вомиқ, Азро, Осаф, Саъд тимсоллари орқали комил инсон тимсолини гавдалантиришга муваффақ бўлган. Шунингдек, дostonда ўрни билан ибратомуз хулосалар билдиришга ҳаракат қилади. Табибий бадий тасвир воситалари ва усулларидан усталик билан фойдаланган. Дoston Алишер Навоий асарларидан илҳомланиб ёзилгани, мумтоз шеърый анъаналарига ёндашиб янада бойитилганига гувоҳ бўлаемиз. Табибий "Вомиқ ва Азро" дostonни яратар экан, ўзбек тилининг гўзал шеърый тили эканини ўз ижоди мисолида яна бир қарра исботлаб берган. Тараққийпарвар шоирнинг "Вомиқ ва Азро" дostonи туркий адабий тил ва ёзма адабиёт раванга кига салмоқли ҳисса қўшгани билан қимматлидир.

Маърифат АХМЕДОВА,

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқитувчиси

Jamiyatimizning nafis gullari

Республикамининг катта-кичик бозорларида савдогар ёки харидор аёлларни учратиш мумкин: бирови сотади, бошқаси олади. Яқин-яқингача аёл кишининг бозор оралаб юриши айб ҳисобланмас ва, лекин оммавий тус олмаган эди. Бозор иқтисодиёти аёллар руҳияти-

ни ҳам ўзгартириб юборди. Бироқ, ижтимоий ҳаёт фақат бозордан иборат эмас. Демак, аёллар фаолияти биргина бозор-ўчар билан чекланмайди. Буни мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар мисолида ҳам қўзатиш мумкин. Ҳозир аёллар самарали меҳнат қилаётган

соҳалар қамрови нихоятда кенгайиб кетган.

Айниқса, таълим-тарбия ва тиббиёт соҳасида хотин-қизлар фаол иштирок этмокда. Хусусан, ўрта мактаблар билан касб-ҳунар ўқув юртиларида асосан хотин-қизлар меҳнат қилмокда. Агар касб-ҳунар билим юртиларига қизлар тобора кўпроқ жалб этилаётганини ҳисобга олсак, муаллималарнинг бу соҳадаги фаолияти табиий ҳолдек кўринади. Статистик маълумотларга қараганда, хотин-қизлари ҳам ижтимоий турмушга фаол аралаша бошлаганини кузатиш мумкин.

Биз бозор иқтисодиёти шароитида аёллар фаоллигини оширишнинг самарадор усуллари аниқлаш мақсадида Фарғона водийси ҳудудларида ижтимоий сўровлар ва амалий кузатишлар ўтказдик. Натижада куйидаги хулосаларга келинди:

1. Сухбат. Бу усул энг оммавий, қулай бўлиб, мутахассис-социолог (ёки психолог, раҳбар ва ҳоказолар) ёрдамида аёлларнинг фаоллик даражаси, қизиқишлари, иқтисодий,

маънавий, малакавий имкониятлари аниқлашни мумкин. Бунинг учун суҳбат мавзуи олиндиндан белгиланиб, мақсад ва муаммолар аниқ бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, аудиториянинг ёш хусусиятлари, турмуш тарзи, оиласи, руҳияти, ҳудуднинг ўзига хос томонлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

2. Маъруза. Бундай усул касбий, интеллектуал, мақсадли бириккан гуруҳларга нисбатан қўлланиши тавсия этилади. Маърузачи малакали мутахассис, яхши нотик, кузатувчан руҳиятшунос бўлиши лозим.

3. Хотин-қизлар қатнашадиган кўрсатув ва тадбирлар. Масалан, рассомлар кўргазмаси, янги либослар намойиши, янги маҳсулотлар кўриги, ҳар хил кўрик-танловлар ("Йил ўқитувчиси", "Ўзгаллик конкурси", "Зукколар ва чаққонлар" мусобақаси каби) ташкил этилади.

Хуллас, бозор иқтисодиёти шароитида хотин-қизлар фақат тор маънодаги бозор-ўчар, рўзгор ва тирикчилик ташвишлари билан ўрналашиб қолмаслиги учун ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларига сидқидилдан жалб этилиши керак. Шундагина аёллар оғир меҳнатдан халос этилади. Улар жамиятимизнинг нафис гуллари каби ардоқланишга ҳақлидир.

Турғуной ЭГАМБЕРДИЕВА,

*Фарғона Давлат университетининг
ўқитувчиси*

Taraqқиёт va ayollar huquqi

Ўтган юз йил мобайнида инсоният тараққиётида бир қанча соҳаларда инқилобий ўзгаришлар ўз берди. Улардан бири — хотин-қизларнинг сиёсат майдонига чиқишидир. Бунинг натижасида аёллар билан боғлиқ муаммолар инсоният тараққиётининг глобал масалалари қаторидан ўрин олди.

Тарихдан маълумки, жаҳонда аёллар эркаклар билан сиёсий ҳуқуқ тенглигига эга бўлиш йўлида узоқ йиллар кураш олиб борган. Масалан, 1896 йилда энг ривожланган демократик давлатлардан бири — АҚШнинг тўрт штатида хотин-қизларнинг сайлаш ҳуқуқи қонуний тан олинган бўлса-да, бошқа штатларда фақат 1926 йилга келиб у қўлга киритилган. Янги Зеландияда эса 1893 йилда сайлаш ҳуқуқи эришилган, бироқ орадан қарийб 40 йил ўтгандан кейин — 1933 йилда қиргина аёл мамлакат парламентида аъзо бўла олган, холос. Жа-

ҳоннинг бошқа етакчи давлатларида ҳам хотин-қизлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи эга бўлган. Масалан, Норвегияда 1906 йил, Финландияда 1907 йил, Англия ва Германияда 1918 йил, Испанияда 1932, Франция, Япония, Италияда эса 1945 йилга келиб улар сайловларда иштирок эта бошлаган. Сўнгги йилларда дунёнинг қатор мамлакатларида Индира Ганди, Маргарет Тэтчер, Беназир Бхутто, Тансу Чиллер, Мадлен Олбрайт каби аёллар эркаклар билан сиёсий ҳуқуқ тенглигига эришиб, ҳатто ҳокимиятда юқори лавозимларни эгаллагани маълум. Аммо бу — хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий куч сифатида ҳақиқий ҳуқуқ тенглигини қўлга киритди дегани эмас. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда асосий қарорлар қабул қилишда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли, тенг шерик сифатида иштирок этишига тўлиқ эришилгани

йўқ. Демак, давлатнинг асосий қонунига аёл ва эркак тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги нормалар киритилишининг ўзи кифоя эмас. Ҳокимият тузилмалари бу нормаларни номнигагина қўллаб-қувватлаш билан чекланмай, унинг самарали ижро этилиш механизмини ҳам ишлаб чиқиши зарур.

Социологик тадқиқотлар натижасига кўра, ижобий маънодаги амалий консерватизм — хотин-қизларга хос хусусият. Жумладан, аёлларнинг жамиятдаги маънавий, маданий, ахлоқий кадрларни, миллий анъаналарни асраш ва авлоддан-авлодга етказиш борасидаги хизмати айнан амалий консерватизмнинг белгиларидан бири ҳисобланади. Зеро, у жамиятдаги мувозанатни сақлаш имкониятини беради.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ривожланётган мамлакатларда парламентар демократия ва умумий сайлов ҳуқуқи билан бир қаторда хотин-қизлар муаммоларига эътибор кучайди. Жумладан, Марказий Осиёдаги мустақил республикаларда ҳам айнан шу жараён кузатилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги мақомига бевосита таъсир кўрсатадиган иккита умумий масала бу минтақадаги давлатларни бирлаштириб турарди. Биринчидан, собиқ Иттифоқ давлатларида квота тизими асосидаги вакилликка барҳам берилиши хотин-қизларнинг ҳам миллий, ҳам маҳаллий миқёсдаги лавозимларга сайланиш даражасининг муайян миқдорда пасайишига олиб келди.

Иккинчидан, мавжуд иқтисодий тизимни таркибий жиҳатдан қайта қуришга киришиш иқтисодий ўсишнинг бир қадар пасайишига ва хотин-қизларни иш билан таъминлайдиган корхоналардаги иш ўринларининг қисқаришига олиб келди. Бу ҳолат хотин-қизлар орасида ишсизликнинг кўпайишига, турмуш даражаси ва хизмат кўрсатиш тизими кўрсаткичларининг тушиб кетишига сабаб бўлди.

Ана шундай шароитда янги суверен дав-

лат — Ўзбекистон қандай йўл тутди? Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ва демократлаштириш жараёнлари умуминсоний кадриятларга амал қилиш, миллий, жинсий ва бошқа хусусиятларга кўра устунлик бериш ёки камситишга йўл қўймасликка қаратилган. Бироқ бугунги кунда жамиятда муайян мақени эгаллаш борасида жинслараро номуносиблик ҳолатлари мавжуд.

Сиёсий фаоллик аёлларга, оилага, халққа ва жамиятга нима беради? Бундан наф борми? Албатта, наф бор. Сиёсий фаоллик аввало аёлларнинг ўзига керак. Сиёсат аёлни маънавий жиҳатдан ўстиради, камол топтиради.

Қолаверса, аёл табиатан — насл давомчиси. Табиийи, у ўз наслининг тинчлик-хотир-жамлигини ўйлаб, сиёсий осойишталикка, миллатлараро тотувликка кўпроқ интилади. Баъзи Фарб давлатларида аёлларнинг мудофаа, ташқи ишлар вазири этиб тайинланиши бежиз бўлмаса керак.

Бугунги кунда жамият ва давлат тизимининг барча бўғинларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масаласига ана шу тарзда ёндашилса, айна мудоао бўлар эди. Аввало, кишилар онгидаги хотин-қизларнинг оилавий ҳамда ижтимоий-сиёсий мақеи билан боғлиқ салбий этник стереотипларга ва эскича қарашларга барҳам бериш зарур. Бунинг учун жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим ўрин тутадиган оммавий ахборот воситалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги фаолияти мувофиқлаштирилиши ана шу масаланинг оқилона ҳал этилишига қаратилиши лозим.

Саида ЖўРАЕВА,

*Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
тадқиқотчиси*

Ekologik tarbiya

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантираётган умумбашарий муаммолардан бири экология муаммоси экани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозир дунёнинг юздан зиёд давлатида ўн мингдан ортиқ олим турли экологик масалалар билан шуғулланаётганининг ўзидек бу му-

аммонинг нақадар долзарблигини кўрсатиб турибди. Бу муаммо инсониятнинг ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолмоқда, десак, асло муболага бўлмайди. Ўзингиз ўйланг, 2000 йилда аҳоли сони дунё миқёсида 6 миллиард 100 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2040 йилга бориб

бу кўрсаткич 10 миллиардга етиши кутилмоқда. Биргина Ўзбекистонда аҳоли сони йилига 450 минг кишига кўпаймоқда. Бундай кескин кўпайиш, ҳақиқатан ҳам, табиати асраб-авайлаш, унинг бойликларидан инсон эҳтиёжлари учун оқилона фойдаланишни гоёат муҳим масалага айлантиради.

Профессор Саид Мамашокиров айтганидек, фақат табиат билан уйғунлашган ҳаёт, унинг қонуниятларига мувофиқ келадиган фаолият, инсон ва табиатнинг диалектик бirligi ва келгуси тараққиёт ривожини таъминлай олади. Табиат ва жамиятнинг узвий боғлиқлиги инсониятни азал-азалдан табиатни чуқур ўрганишга, ундан унумли фойдаланишга ундаб келган.

Бу борада асрлар давомида ҳар қайси жамиятда ўзига хос қадриятлар шаклланган. Жумладан, бизнинг заминимизда ҳам. Агар 2700 йиллик тарихга эга бўлган "Авесто" китобини varaқлайдиган бўлсак, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз. Халқимизнинг ерга, сувга, ҳавога, бутун мавжудотга бўлган оқилона муносабати ва бугунги кунда ҳам давом этиб келаётган урф-одатларининг кўпчилигига "Авесто" яратилган замонларда асос солинган.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ғарбда олимлар табиий муҳитни ҳимоя қилиш, экология масалаларини ҳал этиш ке-чиштириб бўлмас масала экани тўғрисида бoғ уришга киришган эди. Уларнинг илмий ишларида ўша пайтлардаёқ келгусида тоза ичимлик суви танқислиги вужудга келиши, дарё, денгиз, океан сувлари ҳаддан зиёд ифлосланиб кетиши ҳақида дунё жамоатчилиги огоҳлантирилган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун қўриқхоналар ташкил этиш, борларини кенгайтириш каби гоёлар илгари сурилган эди. Маиший чиқиндилар билан атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш учун уларни тубдан қайта ишлаш бўйича дастурлар ҳам ишлаб чиқилган. Ўтган давр мобайнида Рим клуби каби нуфузли халқаро тўзилмалар, "яшиллар" ҳаракати деб ном олган табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари жамоатчилик ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўларoқ ерга ишлов бериш, ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, завод-фабрикалардан чиқадиган газларни тозалаш борасида замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқарилди. Чиқиндиларни қайта ишлаш заводлари ишга туширилди. Табиатга бундай оқилона ёндашув аксарият Ғарб давлатларини иқтисодий юксалишга, маънавий камолотга олиб келди.

Лекин, афсуски, дунёнинг ҳамма жойида ҳам шундай ҳолат кузатилгани йўқ. Айниқса, собиқ Иттифoқ ҳудудида ўша пайтларда табиатга зўравонларча муносабат давом этаверди. Ҳатто мактабларда ҳам табиатни асраш ҳақида эмас, уни шафқатсизларча ўзлаштириш ҳақида таълим берилар эди. Бунда табиатга муносабат борасида шўрча мафкура тўқмоли бўлган Мичуриннинг "Биз табиатдан инъом-эхсон кутиб тура олмаимиз, ундан ундириб олиш — бизнинг вазифамиздир" деган шиорига асосланилар эди. Айнан ана шундай гоёлар руҳида воёга етган авлод кейинчалик табиат қонуниятлари билан ҳисоблашмасдан Турксиб, Байкал Амур магистрали, ўнлаб атом станцияси ва ядро полигонларини курди. Бунинг натижасида экологик хатар ҳамма жойда, жумладан, бизнинг минтақамизда ҳам кучайди. Уран чиқиндилари Қирғизистон ҳудудидаги кучли сел келганда ювиб кетиши мумкин бўлган Мойлисув дарёси қирғoқларига кўмилган. Тожикистондаги алюмин заводи экологик оқибатлари ўйланмай қурилгани, юртимиздаги серҳосил боғлар, узумзорлар бузилиб, бeпоён пахтазорларга айлантирилгани, пахта яккахокимлиги вужудга келгани бунинг далилидир. Ерни кўп сугориш натижасида намлик микдори ошиб кетди. Аслида бир гектар ҳосилдор ерда 3,35 миллиард микро-организм бўлиши лозим. Муस्ताбид тузум даврида уларнинг сони камайиб, тупроқ таркиби бузилди. Энг ачинарлиси — бутун минтақамизда табиий мувозанатни сақлаб турган Орол денгизи қурий бошлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, маънавиятимиз, иқтисодийтимиз, сиёсатимизда бўлган каби, экология борасида ҳам катта ўзгаришлар юз бeра бошлади. Аввало, бу соҳадаги қонунчилик ишлари замон талаблари асосида қайта кўриб чиқилди. 1992 йил 9 декабрда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги янги Қонун қабул қилинди. Бу масала Конституциямизда ҳам, хусусан, унинг 55-моддасида алоҳида акс эттирилди. Унда жумладан, шундай дейилади: "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир".

Бугунги кунда мамлакатимизда ер ўз эгасини топиб бормoқда, унга бўлган муносабат ўзгармоқда. Пахта яккахокимлигига барҳам бeрилиб, боғ-роғларимиз тикланмоқда. Табиий бойликларимизни асраб-авайлаш, ичимлик сувини тежаш, ҳаво тозаланиши асраш, ер ости бойликларимиздан энг замонавий техникалар

ёрдамида, исрофгарчиликка йўл қўймасдан фойдаланиш мақсадида юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан фойдаланишнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури ишлаб чиқилди. Айниқса, соғлом авлод тарбиясида экология масалалари-га катта аҳамият берилмоқда.

Шу боис жамиятимизда экологик тарбия соғлом авлод тарбиясининг таркибий қисми сифатида олиб борилмоқда. Чунки болаликданок табиатга ошно бўлиш, унинг гўзалликларидан эстетик завқ олиб яшаш, унинг сирларидан воқиф бўлиш ёш авлод тафаккури-ни, маънавий дунёсини юксалтиради, унинг қалбида эзгу туйғу ва фазилатларни камол топтиради.

Ўзингиз тасаввур қилинг, умрида капалак қувмаган, оёғи тонгги шабнамда ҳўл бўлмаган, болариларнинг гулдан гулга кўнганини кўриб завқланмаган, тоза сувли сойларда гўж-гон ўйнаган балиқларни кўрмаган бола табиат ҳақида нимани тасаввур қиладию уни асраш деганда нимани тушунади? Тўрт бетон-девор, тиғиз машиналар тўла кўчаю куюк тутун қоплаган осмондан бошқа нарсани билмаган, шаҳарнинг ёзилган-ёзилмаган қоидаларига риоя қилиб яшаётган бола "экология" тушунчасини, у билан боғлиқ муаммоларни сизу биздан яхшироқ билиши мумкин. Аммо унинг қалбида табиатга нисбатан меҳр етарли бўлармикан? Турли-туман ўйинчоқлар билан уйини музейга айлантирган ота йилда бир

мартагина жигарбандини табиат кўйнига олиб чиқса, унинг қалбини ҳақиқий мўъжиза, ҳақиқий гўзаллик билан ошно этган бўлади.

Агар масаланинг мана шундай ҳаётий жиҳатларини инobatга оладиган бўлсак, экологик тарбия борасида, бизнингча, куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Аввало, ёшларга жамият ва табиат, экология ва соғлом авлод тарбияси чамбарчас боғлиқ эканини доимий тушунтириб бориш зарур. Токи улар табиат билан боғлиқ ҳар қандай ишни амалга оширишдан олдин табиий муҳитга зарар етказмайдиган усулларни танлашни ўргансин. Бунда эколог олимлар, файласуфлар, шоир ва ёзувчилар, тегишли мутахассислар, табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси аъзолари билан суҳбатлар ўтказиш, "Табиий муҳит ва соғлом авлод", "Она табиат — бебаҳо бойлигимиз" каби мавзуларда баҳслар уюштириш, табиат бағрига турли экскурсиялар ташкил қилиш яхши самара беради.

Бир сўз билан айтганда, экологик тарбия тўғри йўлга қўйилса, табиатга муносабат бутун жамият миқёсида янгича тус олиб, охи-роқибатда иқтисодий юксалишга сабаб бўлади. Халқимизнинг пировард мақсадлари ҳам айнан шуни талаб этади.

Нурали НАЗАРОВ,

Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг аспиранти

Gar odamsen, muhabbat ixtiyor et!

Муҳаббат — инсонга хос энг олий туйғу-дир. Бундай туйғу ўзоро рухий-маънавий мойиллик, қизиқиш, талпиниш ёки инсоннинг табиатга, ҳаётга ошуфталиги, ҳайрати натижа-сида тўғилади. Муҳаббат инсонгагина хосдир, деган қараш мавжуд. Бу ҳақда ўзбек мумтоз шоираси Нодира шундай дейди:

*Муҳаббатсиз киши — одам эмасдур,
Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт.*

Халқимизда "Ишқсиз — эшак, дардсиз — кесак" деган нақл бор. Бу ибора муҳаббат ав-вало инсонга хослигини, қолаверса, муҳаббат-сиз яшаган одамнинг ҳайвондан фарқ қилмас-

лигини, инсон шахсиятини муҳаббат кечин-малари безашини таъкидлайди.

Лекин, четдан холис кузатилса, муҳаб-бат ҳайвонот дунёсига ҳам тааллуқлидай туюлади.

Ҳайвонот оламига хос бўлган муҳаббат туйғуси, инстинкт — сезги ҳолатидагина мав-жудлиги фанда исботланган. Муҳаббат — ҳай-вонот дунёсида ўта бирёқлама йўсинда зуҳур топади. Ҳар бир ҳайвонда нафс кучли. Улар ўз нафси йўлида гоҳида ҳатто боласини ҳам аямайди.

Одам — олий даражадаги мавжудот. У дунёни ақл-идроқ билан англайди. Борлиқ унда оқилона ҳис-туйғулар, кечинмалар уй-

готади. Жумладан, унинг кўнглидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ҳам чуқур маънавий асосларга таянган.

Алишер Навоий Оллоҳ борлиқни яратди, яратганлари орасида инсонни энг олий мавжудот қилиб яратди, дейди:

*Барчасини гарчи латиф айладиң,
Барчадин инсонни шариф айладиң.*

Инсон қалбига муҳаббат бегона экан, ундай одам, Нодири ибораси билан айтганда, "одам эмас", балки ҳайвонга яқиндир. Бундай одамнинг нафақат ақл-идроқи, балки кўнгли ҳам нафс домига қул. Ушундай бадбин кимсалар тўғрисида мумтоз турк шоири Юнус Эмро шундай ёзади:

*Кўнгли кўзинг — нафсу ҳаво,
Ишқ найласин сенинг ила.*

Демак, кўнгли кўзини нафсу ҳаво эгаллаган кишида ишқ-муҳаббатнинг учқуни ҳам бўлмайди.

Tiriklik timsoli

Ранг ўзи нима? Кўз олдимизда беихтиёр камалакнинг етти хил жилоси намоён бўлади. Томчида кўёш акс этганидек, камалак ранглари ҳам унда жилваланади, сабаби ёруғлик нури тармоқланиб, қизил, тўқ-сарик, сарик, яшил, ҳаворанг, қўқ ва бинафша ранглари туркумини ҳосил қилади. Демак, камалак ранглари оқ нур ҳосиласидир.

Ҳаётнинг қизиқарлилиги ҳам унинг рангбаранг эканида. Тасаввур қилинг, бу ёруғ оламда фақатгина оқ ва қора ранглари ҳукмрон бўлганида, ҳаёт жозибасиз ва зерикарли бўлар эди. Шундай экан, ранглари тириклик тимсоли десак янглишмаймиз.

Расомлар турфа ранглари воситасида ўз фикри, ҳис-туйғуларини нозик тарзда ифода қилади. Миллий рангтаъсиримизни рангсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Зеро, ранг — нафис санъатнинг жони, бадий асарнинг ҳиссий, маънавий таъсирини таъминлайдиган воситадир. Мусаввир асосан беш ё олти хил рангдан фойдаланадики, бу асарга яна ҳам кўпроқ жилвагарлик бағишлайди. Боз устига, расом ҳар гал қандайдир бир ранг асосида

Киши табиат яратган гўзал қиёфа ва кўркем инсоний хусусиятлар уйғунлигига ошуфта бўлади.

Инсондаги ички ва ташқи дунё — сурат ва сийратнинг уйғунлиги муҳаббатни уйғотадиган омилдир.

Борлик, ҳаёт ўзига оқилона муносабатни талаб қилади. Бир дарахтни кессак, ўрнига икита ниҳол экмоғимиз, ерга, ҳавога, сувга, табиатга оқилона муносабатда бўлишимиз, борлиқни йўқ қилиш эмас, балки уни яшнатишимиз лозим. Бу — тириклик ва келажак олдидаги бурчимиздир. Борлиқни кўнгли кўзи билан кўриш, олам ва одам руҳиятини англамоқ, унга меҳр-муҳаббат билан ёндашмоқ керак.

Дунёни — меҳр-муҳаббат қутқаради. Чунки гўзалликка баднафслик билан ҳам, юксак муҳаббат билан ҳам муносабатда бўлиш мумкин. Бу энди инсон шахсига, сиз билан бизга боғлиқ.

Сабоҳат ЎРУНОВА,

*Ўзбекистон Миллий университетининг
аспиранти*

ўзига хос колорит яратади. У ранг, чизик, сюжетни моҳирлик билан ўзлаштирган ҳолда, санъат анъаналарининг изчил давомчиси бўлиб қолади. Шу билан бирга, рангини замонавий тасаввур ва бадий ечимлар асосида ифода этувчи ижодкор сифатида намоён бўлади. XX аср миллий миниатюра санъатининг янги (монументал) йўналишига асос солган расом Ч.Аҳмаров ўзининг чизиклар мусикавийлигига эришган деворий расмларида нилий, бинафша, пушти ва новвот, қарам баргига монанд ранглари ва уларнинг тусларидан, яъни ўзбек каштачилари, кулоллари ишлатган ранглardan ўринли фойдаланган.

Ранглари талқинида иссиқ ва совуқ ранглари галма-гал келиши кузатилади. Бундай тасвирнинг колоритдаги шартлилиги миниатюрада ҳам мавжуд. Бунда хроматик ва ахроматик ранглари товланиши, тўйингани ва ёруғлиги каби шартлар узвий боғлиқдир. Рангларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида Э. Делакруа "Менга кўчадаги лойни беринглари, мен ундан аёл терисининг нафис рангини тайёрлаб берман", деган эди. Ранглари

мутаносиблиги ва нозиклиги рангтаъбирда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ранг перспективаси алоҳида ҳолдаги бўёқлар рангининг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Яшил ва ҳаворанг яримсояда кучаяди, оқ, қизил ва сариқ ранг эса ёруғликда равшанлашади.

Маълумки, Берлин шахрида жаҳонда ягона ҳисобланган Баухауз рангшунослик институти бор. Унда машҳур рангшунос олим И. Иттен талабаларга “колористика муаммолари” йўналишида таълим берган. Унинг бу борадаги тажриба ва хулосалари “Ранг санъати” китобида баён этилган. Унда жумладан, буюқ инглиз олими Исаак Ньютон қуёш нурларини призма орқали тарқатиш йўли билан етти рангдан иборат спектр доирасини кашф этгани ва уни математик усулда исботлаб бергани тўғрисида қизиқарли маълумот келтирилган. Эътиборли жиҳати шундаки, хроматик, яъни спектрал ранглар инсон руҳияти, сезги ва ҳиссиётига таъсир кўрсатади.

Олимларнинг аниқлашича, одамнинг кўзи 200 та рангни фарқлай олар экан. Биз қизил, кўк, сариқ рангларни аралаштириб, мураккаб рангларни ҳосил қиламиз.

Ранг бирор жисмнинг узоқ-яқинлиги, иссиқ-совуқлиги, ҳўл-қуруқлиги, қаттиқ ёки юмшоқлигини ҳис этишимизга ёрдам беради. Иссиқ ранг (қизил, сариқ) ёрдамида “совуққон” кишини “иситиш” ёки совуқ ранг (кўк, яшил) ёрдамида “қизиққон” кишини “совутиш” мушкин. Қолаверса, ҳар кимнинг ёқтирган ранги бўлади. Аммо инсоннинг ранг шкаласи бутун умри давомида ўзгариб бориши ҳам маълум. Ёш болалар кувноқ рангларни хуш кўради. Ёш ўтган сайин ёрқин сержило ранглар ўрнини юмшоқ, нозик ранглар эгаллайди. Бундан ташқари, одамнинг руҳий ҳолати ёки кайфияти, соғлигининг ёмонлашуви билан унинг рангга муносабати ўртасида узвий алоқадор-

лик мавжуд. Масалан, бемор кишининг кўзига аввал тўқ-қизил тўқ-сарик бўлиб кўринмайди. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай ранг ҳиссиётимизга ўзгача таъсир этади. Қизил ранг илқликни ҳис этишга чорлайди, кайфиятни кўтарди, лекин тез чарчатади, қон босимини кўтариб юборади. Сариқ ранг кўз нурунинг кучайиши ва асаб тизимининг мустаҳкамланишига хизмат қилади; у энг кувноқ ранг саналади. Яшил ранг тинчлантиради, қон босимини мувозанатга келтиради ва шу боис энг ёқимли ранг ҳисобланади. Шунингдек, кулранг ҳам асабни тинчлантирувчи, одамнинг кўнглига таскин берувчи хусусиятга эга.

Амалиётда, айниқса, бинокорликда инсоннинг рангга нисбатан руҳий муносабати ҳисобга олиниши лозим. Касалхоналарнинг тўлиқ оппоқ рангга бўялиши унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Касалликнинг турига қараб, бино деворлари оч-яшил ёки оч-сарик, шифтлари оч-мовий рангга бўялгани маъқул. Турар-жой биноларини пардозлаш ишларида ҳам бу талаблар эътиборга олинмоғи даркор. Жумладан, жамоат бинолари, таълим-тарбия муассасалари ва саноат корхоналарида ҳам иш жойини тўғри жиҳозлаш ва қулайликлар яратишда рангининг аҳамияти бекиёсдир. Биргина мисол. Рангшунос олим, профессор Л.К.Абрамов маслаҳати билан дастлаб сур рангга бўялган Россиянинг “Электросила” заводи кувноқ ва ёрқин рангларга қайтадан бўяб чиқилган. Натижада корхонадаги меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги қисқа муддатда сезиларли даражада ўсган. Бу ҳол саноат эстетикаси ва ранг динамикасининг узвий боғлиқ эканидан далолат беради.

Дилшода СУЛТОНОВА,

Самарқанд давлат Архитектура-қурилиш институтининг аспиранти

Jxtilofdan — ixtilotga

Бошқа тасаввуф тариқатлари сингари, нақшбандия ўз тараққиётининг илк босқичларида (XII — XIV асрлар) замон ҳукмдорлари билан муносабатда бўлмаган. Бу ҳол Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318 — 1389) даврида ҳам давом этган.

Кейинроқ, XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқатига пешволик қилган Хожа Убайдуллоҳ Ахрор (1404 — 1490) тариқатнинг ҳукмдорларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Хожа Ахрорнинг ҳукмдорларга нисбатан тутган мавкени муҳолафат-

дан мусолаҳатга ўтиш маъносида баҳолаш мумкин. Бошқача айтганда, бу даврда нақшбандия пешволари тариқат билан давлат орасида мавжуд тушунмовчилик ва жудоликдан воз кечишга, ҳукмдорлар билан муносабат ўрнатилганда интилади. Нақшбандияга доир манбалар, жумладан, Махдуми Аъзам Даҳбедий Косонийнинг (1461—1542) "Танбиҳ ус-салотин" рисоласида Хожа Аҳрор туфайли тариқат ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат *ихтилот* сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, у *борди-келди*, *мулоқот*, *суҳбат*, *машварат*, *маслаҳат*, *келишиш*, *ҳамкорлик* ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган. Чиндан ҳам, Хожа Аҳрор давлатдорлар билан ўрнатган *ихтилот*, умуман, нақшбандиянинг сиёсатга муносабат масаласида янги аҳамиятга эга бўлган туб ўзгариш содир бўлди. Бу бир ижобий ҳодиса, аниқроғи, ислохотчилик тадбири эди.

"Танбиҳ ус-салотин"да Хожа Аҳрор вафотидан кейин, XVI асрнинг биринчи ярмида Самарқандда нақшбандия тариқатига раҳнамолик қилган Махдуми Аъзам, тариқатнинг ривожидан кейинги пешволарига мерос қолдирган. Махдуми Аъзамда бунга ишора ҳам бор: "Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор куддуса сирри худан нақл қилибдурларким, ул зотнинг ёшлик пайтларида нисбати шарифлари туфайли бир воқеани (тушларида) кўрибдурларким, гўё ҳазрати пайгамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллам ул кишини ўзларининг муборак орқаларига кўтариб, Шошдаги (Тошкент) Мавлоно Абубакр Кафлол Шошийнинг нурга тўлган мазорлари ёнидаги тепаликка чиқардилар. Бу тушларини таъбирини чунон айтдиларким, Муҳаммад пайгамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллам шарият

ва тариқатларининг ривожидан киши (Хожа Аҳрор) орқали вужудга келар экан. Яна ул зот айтган эканларким: "Шунча мулоҳаза қилдим, подшолар мадади, кўмагисиз ҳеч натижага эришиш мумкин эмас, демакки, Ҳақ субҳона ва таоло мени подшолар билан *ихтилот* қилишга масъул қилди".

Демак, Хожа Аҳрор Тошкентда яшаган даври, яъни ёшлигидаёқ тариқат ривожидан унун подшолар билан янги муносабат қилиш зарурлигини англаган. Аслида, шу ниятни рўёбга чиқариш мақсадида темурий ҳукмдорлар билан яқиндан алоқа боғлашга камарбаста бўлган.

Махдуми Аъзам мазкур рисоласида Хожа Аҳрорнинг подшолар маддасиз тариқат фаолиятини ривожлантириш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосасини изохлаб, аксарият одамлар подшолик ва жоҳиллиги боис ушбу тоифа завқ ҳолига мункир бўлиб, уларни ҳамisha тақфир ва инкор этиб, ташвишга солиб келганлар, деб ёзади. Аммо подшолар бу тоифага муҳлис ва эътиқодманд бўлсалар, мункирлар ҳеч бир зиёни иш қила олмайдилар. Бордию подшолар бу тоифага эътиқодсиз бўлсалар, мункирлар тариқат аҳлига кўп ёмонликлар қилурлар. Муаллиф нақшбандия тарихидан келиб чиқиб, бу тоифанинг кўп азият чеккани, таъқибларга дуч келганини такидлаган. Бироқ бу ҳодисалар боисини у фақат мункирларнинг "завқ ҳолини тушунмаганлиги" билан изохлаган. Ваҳоланки, Хожа Аҳрор сулукнинг зарур даражада ривожланмагани, кенг ёйилмаганининг асосий сабабини англаб етган, шунинг учун тариқат ва давлат ўртасидаги низо ва келишмовчиликни бартараф этишга бел боғлаб, бор қуч-ғайрати, фаолиятини ана шу тўсиқни олиб ташлашга, ҳукмдорлар билан яқинлашиш, "ихтилот" йўлини туттиш, муроша ва ҳамкорлик қилишга сарфлаган.

Тариқатнинг Хожа Аҳрор томонидан ишлаб чиқилган янги стратегик йўли, унинг давлатдорлар билан келишиш, сулҳ-салоҳга боришга асосланган сиёсати тариқат давлат ўртасида оқилона муносабат ўрнатилганда қаратилган эди. Бинобарин, *ихтилот* йўли фақат шарият ва тариқат ривожига кенг йўл очиб беришдан иборат бўлмаган. Хожа Аҳрорнинг *ихтилот* йўлига ўтиши, айниқса, бу тоифа учун мафаттали эди. Нақшбандиянинг инсонпарварлик таълимоти руҳида улғайган, ҳамisha фақир-бечоралар гами билан яшган улғу шайх подшо ва бошқа давлат арбоблари билан суҳбат орқали уларни адолат ва фуқаропарварликка қорлаган, ҳукмдорлар қалбига инсонпарварлик туйғусини уйғотиш, фуқароларга адл-инсоф билан ёндашиш лозимлигини уқтирган.

Нақшбандиянинг Хожа Ахрордан кейин деярли ҳамма намояндалари ихтилот шиорига амал қилган. Манбалар бунди тўлиқ тасдиқлайди. Бироқ, улар Хожа Ахрор ўз олдига қўйган ва рўёбга чиқарган олижаноб мақсадга интилганми? Бу саволга нақшбандиянинг

кейинги даврлари тарихини синчиклаб ўрганиш орқалигина жавоб топиш мумкин.

Садрӣ САЪДИЕВ,

филология фанлари доктори, Самарқанд
Давлат университетининг профессори

Sho'rolar chorizmning davomchisi edimi?

Ҳар бир миллатнинг тарихида ўз ўрни ва хизмати бўлади. Аммо Шўро сиёсатдонлари бошқа халқларнинг тарих олдидеги хизматини мудом рус халқи фойдасига ҳал қилиб келган.

Уша давр тарихчи ва назариячилари чоризм томонидан Туркистоннинг босиб олинишини инкор этар экан, бу билан ўзлари олиб бораётган сиёсатнинг туб моҳиятини ҳам яширишга уринган. Ваҳоланки, мустамлака сиёсатининг мафкуравий шаклда давом эттирилгани мустақиллик йилларида ошқора айтилади-ган бўлди. Шўро мафкурачилари Ўрта Осиёнинг босиб олинишини "қўшиб олиш" дея ҳаспўшлар экан, чоризм босқинини тадқиқ қилиш — шўролар мустамлакачилик сиёсатининг қош этилиши билан баробар эканини англаган. Чунки, ҳар иккала тузум мустамлакачилиги мақсад-моҳияти ва шакл-шамойили жиҳатидан бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

Чунончи, чоризм мустамлакачилиги Туркистонга Россия аҳолисини қўчириб келтириш билан ифодаланса, шўролар сиёсати минтақамизни пахта плантациясига айлантиришдан иборат бўлди.

Рус мустамлакачилигида бошқа мустамлакалар тарихидан тубдан фарқ қилувчи жиҳатларга эгаки, истибдоднинг бундай шакли жаҳон тарихида кам учрайди. Шулардан бири аҳолини кўчириш сиёсати бўлиб, ҳали ҳеч бир давлат (Америка китъаси кашф этилгач, Янги Дунёга бойлик ва фаровон турмушни орзу қилиб ёпирилиб борган испан ва инглизларни истисно қилсак) ўзига тобе бўлган ерларга бу қадар кўп аҳолини мажбурий кўчирган эмас. Рус империяси ва мустамлакачилик сиёсатининг отаси Пётр Биринчининг Ҳиндистонни Рус империясига қўшиб олиш ҳамда Россияни куруқлик ва денгиздаги қудратли давлатга айлантириш йўлидаги орузсини унинг воқислари амалга оширишга уринди.

Екатерина Иккинчи ҳукмронлиги даврида

мустамлакачилик васвасаси янада авж олди. XIX асрнинг 50-йилларига келиб Сибирь, Кавказ, Азов денгизи бўйлари, Шимолий Қозоғистон, Шарқий Дашти Қипчоқ ерлари руслар қўлига ўтди. Босиб олинган ҳудудларга империя учун хавфли ҳисобланган табақа ва халқлар мажбурий келтириб бошланди. XIX асрнинг бошида Сибир ва Шимолий Қозоғистонга Олмония, Польша ҳамда Болтиқбўйи немисларининг катта қисми кўчирилди. Туркистон генерал-губернаторлигига эса асосан русларни кўчириб келтириш бошланди. Империя фақат ўзига тобе ҳудудларда эмас, ярим мустамлака ҳисобланган Бухоро амирлиги, Хева хонлиги, Шимолий Эронда ҳам рус қишлоқларини барпо қила бошлади. Британия Ҳиндистонни босиб олгач, руслар томонидан Ҳиндистонга яқин ҳудудларга аҳолини кўчириш кучайди. Шунингдек, бу ерларда насроний церковлар курила бошланди. 1868—1917 йиллар мобайнида Туркистонга миллионлаб аҳоли кўчириб келтирилди, туб аҳолининг ерлари тортиб олинди, қўчиб келганларга алоҳида имтиёзлар берилди. Ф. К. Гирсининг "Туркистон ўлкаси ҳақида ҳисобот"и, К. П. Кауфманнинг ёзишмалари, ҳарбий вазирлик, турли комиссиялар маълумотлари, 1868—1917 йилларда Туркистон ўлкасига оид қонун ва фармойишлар юқоридаги мулоҳазаларни тасдиқлайди. Эътиборли жиҳати шундаки, чоризм даврида воқеа-ҳодисалар шўро давридагидек ҳаспўшланмаган, аксинча, ҳаммаси очиқ-ойдин, мустамлакачилик нуқтаи назаридан баён этилган. Охир-оқибат Ўрта Осиё пахта хомашёси ва озиқ-овқат етказиб берадиган ҳудудга айлантирилди.

Аҳолини кўчириб келтириш чоризмга аввало мустамлакачилик сиёсатини тутиб туриш учун керак эди. Чунки, Эрон ва Ҳиндистонга қилинажак юришлар учун Туркистон таянч нуқтаси бўлиши қўзда тутилган эди. Британиянинг Ҳиндистонни эгаллаши эса бу режага халақит

берди. Чоризм сиёсатдонлари, гарчи Туркистонни буткул эгаллаб олган бўлсалар-да, маҳаллий халққа ишонмас, унинг исёнидан қўрқарди. Шу сабабли тобе ерларга иложи борича мустамлакачилик сиёсатини қўлловчи аҳоли кўпроқ кўчириб келтирилган. Табиийки, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли ҳам, сиёсий қарашлари ҳам турлича бўлган. Кўчиб келувчиларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Хизматни ўтаб бўлган аскарлар. Улар ҳарбий мақсадлар йўлида фойдаланиш учун алоҳида имтиёзлар билан Туркистонда олиб қолинган.

2. 1861 йилги ислохотлардан кейин қашшоқлашган империянинг ичкарасида норозилик келтириб чиқариши мумкин бўлган крепостнойлар ҳам Туркистонга бадарга қилинган.

3. Кўчиб келувчи рус дехқонлари, заминдорлари солиқдан озод қилиниб, оммавий равишда кўчиб келишига шарт-шароит яратилган.

Чоризм маҳаллий аҳолига ишонмагани сабабли аҳолини кўчириб келтириш сиёсатини кенг миқёсда олиб боради.

Рус аҳолисини кўчиришдан кўзланган мақсад — Туркистонни пахта хомашеси етказиб берувчи колонияга айлантириш эди. Чунки 1880 йиллар бошида Россиянинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мавқеига путур етди. Рус маҳсулотлари жаҳон бозорига ўтмай қолди. Оқибатда чоризм Россияси Туркистонни пахта хомашеси етказиб берувчи асосий ўлкага айлантиришни, шу орқали жаҳон бозорига чиқишни режалаштирди. Ўрта Осиёдаги энг серунум ерларда пахта етиштирилди. Генерал-губернатор К. П. Кауфман 1870 йиллар охирида чиновниклар Бродский ва Самолевскийни икки йил Техасга — пахта етиштиришни ўрганиб келиш учун жўнатади. Чунки Туркистонда пахтанинг Америка навини етиштириш режалаштирилаётган эди. Бу нав дастлаб хизматдан озод қилинган аскарларга бўлиб берилган ерларга экила бошланди.

Пахта савдоси чор Россиясига нафақат жаҳон бозорига чиқиш, балки Ҳиндистон ва Эронга қилинадиган ҳарбий юришлар учун ҳам

сув ва ҳаводек зарур эди. Бу сиёсатдан кўзланган яна бир мақсад — Пётр васиятларига қатъий амал қилган рус сиёсатчилари пайти келиб Ҳиндистон ва Афғонистонда Британия билан тўқнаш келиш мумкинлигини назарда тутган. Шунинг учун ҳам аҳолининг бу ҳудудга кўчириб келтирилишига давлат миқёсидаги стратегик масала сифатида қаралган.

Бироқ, Пётрнинг орзуи амалга ошмади. Йирик капиталистик саноатга эга Британиянинг Афғонистондаги мағлубияти ярим феодал, тарқоқ Россиянинг Эронга бостириб киришини орқага сурди.

Большевиклар ҳокимият тепасига келиши билан чоризмнинг аҳолини кўчириб келтириш сиёсатини изчил давом эттирди. Бунинг оқибатида халқимиз 130 йилдан ортиқ мустамлака чангалида яшади.

Пётрнинг орзуи шунинг учун ҳам амалга ошмадики, рус империяси Туркистон халқларининг қудрати, кадриятлари, ватанга бўлган меҳр-муҳаббати билан ҳисоблашмади. XIX асрдаги чоризм истибдодига қарши кўзғолонлар, ярим мустамлака ҳолатида бўлса-да, Бухоро ва Хеванинг мустақил бўлиб туриши чоризмга ўз режасини амалга оширишга халақит берди. Мустамлакачи қўшинларни ҳолдан тойдирди. Чор Россияси Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш билан овора бўлиб, асосий кучини Эронга қарши ташлай олмади. Оқибатда Туркистон халқлари афғон ва эрон халқларини рус империяси билан тўқнашувдан асраб қолди. Бу ҳам халқимизнинг тарих олдидаги арзирли хизматларидан бири эди. Буни тан олиш эса Туркистоннинг Россияга қўшиб эмас, босиб олинганини фош этарди. Бугун тарихчилар бу мавзуну чуқурроқ таҳлил қилиши, уни авлодлар шуурига сингдириши зарур. Бу — тарихни ҳаққоний ўрганиш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шокир ҒАФФОРОВ,

Самарқанд Давлат университети
тарих факультетининг декани

"Айиқ пули"

Тарихий манбаларда қайд қилинишича, ишининг кўзини билладиган бир овчи Қўқон ҳукмдори Худоёрхонга Қолгандарё тўқайдан тугиб олинган айиқни совға қилади. XIX аср-

да тўй-томошаларда, халқ сайиллари пайтида "айиқ ўйини" расм бўлган эди. Камёб совғага эга бўлган хон эса ҳар куни "айиқ ўйини"ни томоша қилиш имкониятига эришади.

Айиқни сақлаш учун махсус қўтон ажратилади, "полвон"ни парвариш қиладиган махсус "сайис" тайинланади. Ёввойи айиқ аста-секин қўлга ўргатилади, кейин икки оёқлаб юришга, ўмбалоқ ошишга ўтади. Тўқимтабиати ҳукмдор айиқнинг икки оёқлаб лапанглаб юришини кўрган заҳоти тиззаларига шапатаблаб кула бошларди. "Ажаб, бунинг нимаси кулгили экан? — деб ўйларди нафосатдан хабардор одамлар. — Нуноқлик жисмоний нуқсон бўлса, жисмоний нуқсондан фақат аҳмоқ кулиши мумкин..."

Кишларнинг эстетик диди муҳит таъсирида шаклланади. Бошланғич тарбия оқилона йўлга қўйилса, эстетик дид ҳам рисоладагидек сайқалланади; шунда одам кулги билан калаканинг, мутойиба билан масхаранинг фарқига борадиган бўлади.

Майли, айиқполвоннинг қўпол хатти-харакатларидан хон ҳазрат тиззаларига шапатаблаб кулиб ўтираверсин. Дид-фаросат тўғрисида тонготаргача бахслашиш мумкин. Агар биз бировни беваросат дейдиган бўлсак, кимдир "оммабон" томошани химоя қилиб чиқиши турган гап. Вахоланки, бу ерда ҳеч ким ҳайвонот томошасига эътироз билдираётгани йўқ. Фақат "тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонларида" (Абдулла Қодирий ибораси) рўй берган олиймақом тантиқлик тўғрисида эслатиб ўтйпмиз, холос.

Аслида, биз ўша тантиқлик ҳосиласи ўлароқ пайдо бўлган зулм ҳақида гапирмоқчимиз.

Шундай қилиб, хон саройида айиқ ҳам "тенг ҳуқуқли" текинхўрлар сафидан ўзига муносиб ўрин олади. Энди уни боқиш керак, семиртириш керак. Айиқ — ит эмас, ювиндини ичмайди, хондан оталиққа, оталиқдан беқларбегига, беқларбегидан девонбегига, девонбегидан офтобчига, ундан ботирбошига, сўнг кушбегига ва ниҳоят, қоровулбегига ўтиб — ўн етти оғиздан кейин ғажиллавериб қуп-қуруқ устихонга айланган суякка у қайрилиб ҳам карамайди. Айиқ асал ейди, янги гўшт ейди. Устига устак, вақти-вақти билан пархез сақлайди — сув ичиб, офтобшувқоқда думалаб ётади... Сарой дастурхончисининг боши қотади: нима қилмоқ керак? Омборда асалдоннинг таги кўриниб қолган, хонга аталган кийиклар ҳам аллақачон айиқ полвоннинг ошқозониди ҳам бўлиб кетган. Дастурхончи додхоҳга, додхоҳ парвоначига, парвоначи эшикоғасига, эшикоғаси хазиначига арз қилади. Хазиначи эса сарф-харажатлар дафтарини кўтариб саломхонага бош уриб боради. Эшикоғаси уни

бенавбат хон ҳузурига киритиб юборади. Бирпасдан сўнг хазиначи билан девонбегии олий фармонни кўтариб чиқадилар. Бу фармонга мувофиқ "айиқ пули" деб аталган янги солиқ жорий этилади. Бозорларга, гузарларга жарчилар жўнатилади.

— Халойиқ, эшитмадим деманглар! Марҳаматли хон ҳазратлари иноят қилиб, айиқ пули солигини жорий этдилар! Фармони олий шу бугундан эътиборан кучга киради, хо-о-о!..

Албатта, пичоқ бориб суягига қадалган халойиқ "айиқ пули" солигини "қонунга итоаткор фуқаро" сифатида кулоқ қоқмасдан қарши олади. Чойхонада кўкнори кафтлаб ўтирган ширакайф банги: "Бир пайса айиқ мойи фалон пул эди; табиб кўпдан бўён товонингизга айиқ мойи суртиб, кўрпага ўраниб ётсангиз, бодингиздан асар ҳам қолмайди, отдек бўлиб кетасиз, деб кулоқ-миямни еб юрган эди... Худога шукр, энди айиқ мойи ҳам сероб бўлади", деб хаёл суради. Афсуски, банги ўз хаёлининг хон эканини билмасди. Амалда "айиқ пули" солиғи шундоқ ҳам йўғон чўзилиб, ингичка узилиб, аранг бир кунини кўраётган аҳолининг уйини куйдиради, зулм баърат авжига чиқади...

Қўқон шаҳридаги Ўлкашунослик музейида ичига сомон тикилган кўнғир айиқ тулму бора. Экскурсияга келган йўқувчиларга музей ходимаси "Илгари Қолгандарё тўкайида кўнғир айиқлар истиқомат қиларди. Афсуски, бу айиқлар "Қизил китоб"га киритилган бўлса-да, қирилиб кетган", деб изоҳ беради. Бундай изоҳ негадир каминани қрониктирмайди, беихтиёр "айиқ пули" солиғи эсимга тушиб, маънос тортиб қоламан. Умрида биринчи марта тирикнамо айиқни кўраётган болалар эса ҳайратланиб анча пайтгача айиқ пўстинини у ёғидан-бу ёғига ўтиб томоша қиладилар. Эҳтимол, уларга "айиқ пули" ҳангомасини эслатаман маъқулдир; дастлаб болаларнинг беғубор қалбида ўлкамиз табиатига нисбатан муҳаббат уйғотиш лозим. Бирок, ўлкамиз тарихи фақат табиат тарихидан иборат эмас-ку! Демак, бола ёшидан ўтган талаба-ёшлар тарихий ҳақиқатни барибери билиши лозим. Шундагина тарих тўғрисидаги тасаввур ҳам, эстетик дид ҳам рисоладагидек шаклланади. Бутун фуқаронинг иймон-эътиқоди ҳам бутун бўлади.

Фуломжон БОҚИЕВ,

*Қўқон давлат Педагогика институтининг
ўқитувчиси*

Murshidlar silsilasi

Маълумки, Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари асос солган яссавийлик тариқати ва ҳикматнавислик аънаси кўплаб садоқатли издошлари томонидан давом эттирилади. Ана шундай ижодкорлардан бири XVI асрда яшаб ижод этган Султон Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний ал-Ҳисорийдир.

Яқинда бу улуғ мутасаввуфнинг Берлин кутубхонасида ягона нусхада сақланаётган "Жомий ул-муршидин" номли янги бир асари билан танишиш имконига эга бўлдик. Форсийда ёзилган бу асарнинг ҳажми 114 ыарақ бўлиб, чиройли наставка хатида битилган. Амриколик яссавийшунос Девин Девизнинг мазкур асар ҳақида билдирган айрим фикрларидан ташқари, "Жомий ул-муршидин" илм аҳлига деярли таниш эмас эди.

Ҳазинийнинг 1594 йил (олтмиш ёшида) ёзган бу китоби тўрт бобдан иборат бўлиб, уларда тўрт йирик тариқат: хожагон (нақшбандия), яссавия, кубравия ва ишқия силсилалари, уларнинг асосчилари, пиру комиллари ҳақида маълумот берилади.

2391 байтдан ортиқроқ шеър ва насрий баёни, ояти карималар, ҳадиси шарифлар, улуғ мутасаввуфларнинг қимматли сўзлари, сўфий шоирларнинг панду насиҳатлари, мақоллар, турли манокӣб ва ривоятлардан таркиб топган асар назм ҳамда насрда битилган. Лекин Ҳазиний матнлар кўпроқ ўрин олган. Айнан ана шу насрий матнларда муаллиф тасаввуф арбоблари — шайх, муршид, сўфий, ориф, валийларнинг фикр-мулоҳазаларидан самарали фойдаланган, иқтибослар келтирган.

Асар Оллоҳга ҳамду санолар, ҳазрат пайгамбаримизга салоту саломлар айтиш билан бошланади. Шунингдек, чорёрлар мадҳи, тасаввуф йўли ва орифлик масалаларида ҳам атрофлича баҳс юритилади.

Яссавия шайхи бўлган Ҳазиний мазкур тўрт тариқат пирлари ва одобларини яхши билган ва уларни эҳтиром билан баён у таъсиф этган. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ҳазратларини алоҳида таърифлайди.

Ҳазиний она Ватанига бўлган меҳру муҳаббати туфайли Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Ҳисор шаҳарларини мадҳ этади.

*Гар Самарқанд ганжи имон аст,
Вар Бухоро аст бахри ирфон аст.*

Яъни, Самарқанд имон ҳазинаси бўлса, Бухоро ирфон денгизидир, дейди.

Ҳазинийнинг ёзишича, бу икки шаҳардан кўплаб ориф зотлар етишиб чиққан. "Асрнинг нодир" — Абу Ҳафс Кабир Бухорода, Абуллайс Самарқандий Самарқандда илму ирфон билан ҳанафий мазҳаби ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Бухоро ва Ясси шаҳарлари Аҳмад Яссавий ҳазратларининг улуғлиги ва баракотлари туфайли дунёнинг жавҳарига айланди. Бу икки муборак шаҳарда икки жаҳон саодати мавжуд, дейди шоир.

Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Ғиждувонийлар ўзларининг маънавий хизматлари билан "Куббатул ислом" бўлган Бухоройи шарифни дунёга машҳур қиладилар. Улар шарофатидан Бухорода бидъат ва залолатга барҳам берилади, аҳли суннат эътиқоди, илму маърифат ривож топади, Бухорода маъмурчилик, фаровонлик бўлади.

Асарда, шунингдек, ишқия ва кубравия шайхлари, усулу одобларидан кенг баҳс юритилади. Лекин муаллиф яссавия шайхи бўлгани, бу тариқат машойихларини ўзига пир билгани учун Яссавий ва у асос солган сулуки батафсил, айрича эҳтиром билан қаламга олади.

Ҳазиний Яссавийнинг ботиний олами билан улкан океанга қиёслаб, "муҳити аъзам" дея таъсифлайди. Дарҳақиқат, унинг "муҳити аъзам"идан ташна толиблар чанқоғини қондирар эди...

Тасаввуфда валийлар кароматига катта эътибор берилади. Алишер Навоий ҳам "Насойимул муҳаббат" асарига етти юз етмишта шайх ҳамда авлиё ҳаётига тўхталар экан, ҳар бирида зоҳир бўлган каромат ва "хаворикӣ одот"ларни алоҳида зикр қилади. Ҳазиний ҳам аъналарга амал қилиб, "Жомий ул-муршидин"да авлиёлар, айниқса, Аҳмад Яссавий кароматига кенг тўхталади. Шулардан бири Яссавий ҳикматларида қайта-қайта тилга олинган "хуми ишқ" билан боғлиқ бўлиб, қуйидагича талқин қилинган: эмишки, кунлардан бир кун зикри арра чоғида Аҳмад Яссавий ҳазратлари Ҳаким отага: "Ёр-биродарларнинг чанқоғини қондир-

гин!" дейди. Ногаҳон зилзила рўй бериб, ернинг ўртасидан тандирдан чиққандек нурли олов оқими отилиб чиқади ва уйни қамраб олади. У ерда ўтирган чанқок кишилар ўша оловли сувдан ичадилар. Ишқ оташидан истеъмол қилган муридлар ваджда келиб, қалб кўзи билан Оллоҳнинг жабарут (буюклик, азамат) нурларини мушоҳада қиладилар, кулоқсиз лохут (гайб оламининг) сирларини эшитадилар... Ташналиги зойил бўлган толибларнинг ботин оламлари маъмур ва мунаввар бўлади. Аҳмад Яссавий муборак қўлларини оташранг сув отилиб чиқаётган тешикка кўйса, оловли сув тўхтайдиган ва у ерда бир хум пайдо бўлади. Уни ХУМИ ИШҚ дейдилар. Риндлар, валийлар, мухлислар ундан доимий равишда "файз шароби тотадилар ва жазба майхонасида ўзликдан кечиш билан хиром этадилар" — машғул бўладилар. Шундай қилиб, Аҳмад Яссавий мухлибларни жаннатдаги "шаробан тахуро"дек илоҳий ишқ шароби билан қондиради.

Ҳазинийнинг ёзишича, Аҳмад Яссавий Туркистонда муридлик қилган чоғларида унинг файзидан, илмий-маърифий суҳбатларидан баҳраманд бўлиш учун тўрт иклимдан беҳисоб халойиқ оқиб келар, хонақосини "ажам қаъбаси" дейишар экан.

Асарда келтирилган Аҳмад Яссавий ҳазратларининг олтмиш уч ёшда ер остига кириб, яна 57 йил яшагани ҳақидаги аниқ сана ҳам яссавийшунослар учун янги маълумотдир. Яссавийнинг ер остига кириши, чилла-хонасининг қурилиш тарихи, тарху андозаси, сууюкли фарзанди Иброҳим ва Яссавийнинг сеvimли аблақ отидан ажралиши ҳақидаги ибратли қиссалар бошқа манбаларда кам учрайдиган муҳим маълумотлар сирасига киради.

Пир Туркистон таълимотининг давомчилари ҳақида сўз кетганда, Ҳазиний уларнинг илоҳий даргоҳга яқин валий кишилар эканини айтиш билан бирга, бошқа бир жиҳатга диққатни қаратади. Яъни, Яссавий йўлидаги шайхларининг панду насиҳат тарзида ҳикмат ёзгани, ўзига хос тасавуфий, рамзий, адабий истилоҳлар қўллагани, шу йўл билан фикр-ғояларини таъсирли, бадий жиҳатдан пишиқ ва халқона ифодалаганини қайд этади. Сулаймон Боқиргоний — Ҳаким ота, Занги ота,

Садр ота, Камол Айқоний, Шамсиддин Ўзгандий, Шайх Худойдод, Саййид Мансур Бухорий каби Яссавий издошларининг ижодий салоҳиятини таърифлайди. Масалан, Камол Айқоний ва Шамсиддин Ўзгандийлар ҳақида ёзганда, Айқонийнинг "ҳикмат ва сир хазинаси" экани, Шамсиддин ҳақиқатлар, ҳикматлар мерос қолгани, унинг бу борада "мунаввар офтоб" эканини баён этади. Ҳатто Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордек зотнинг Айқоний ижро этган зикри аррадан завқ олганини эслатиб ўтади.

Ҳазиний истеъдодли шоир сифатида Шарқ лирик жанрлари хусусиятларини мукаммал ўзлаштиргани, адабий анъана, тасвир воситаларидан унумли фойдалангани шеърларидан кўриниб турибди. У чиройли ташбехлар, тазод, истиораларни маҳорат билан қўллайди. Талмиҳ санъати билан илоҳий ишқ изтиробларини мажозий тимсоллар воситасида очиб беради. Масалан:

*Гар набуди зи жониби Лайли,
Маншаи шуру нисбати майли.
Кори Мажнун кужо шуди ферўз
Кай шуди айни Лайли он дилсўз.*

(Лайли тарафидан изтироб, мойиллик нисбати жўш урмаганда, қачон Мажнун бахтиёр бўлар эди ва у дилсўз (Мажнун) қачон Лайлидек ўртанарди?)

Шоир Асарда ишқ ва тасавуфнинг бошқа масалалари хусусида лирик чекинишлар қилади. Образли, бадий жиҳатдан пишиқ, мазмун жиҳатдан салмоқли байтлар битилади.

Ҳазинийнинг яссавия, кубравия, нақшбандия ва ишқия тарикатларидан баҳс юритган мазкур асари бошқа манбалар билан қиёсланиши, шоир яшаган давр ва муаллифнинг дунёқараши ҳисобга олинган ҳолда баҳолашни лозим. Асардаги шеърлар ва ҳикматли сўзларнинг зоҳирий ва ботиний маъноларини талқин қилиш ва тўғри хулосалар чиқариш тасавуф адабиёти, айникса, мазкур тарикатлар аДОБИ, шеърияти ҳақида тасаву-римизни бойитади.

**Сайфиддин РАФИЪУДДИН,
Нодирхон ҲАСАН,**

*ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг
катта илмий ходимлари*

SUMMARY

“T

he Result of Legal Comprehension: Development of Parliamentarism” by Omonulla Muhammadjonov describes initial formation stages of parliament appeared as a social establishment of nationwide representation. The author also analyzes in detail advantages of parliamentary activity improvement in our country and introduction of the two-chamber system.

S


trong belief and enlightenment of the humanity as well as its science-based approach to every event is an important condition for a civil society. The article of “Belief and Education – Basis for Social Development” by Vasila Karimova includes thoughts about correlation and dialectics of such concepts as belief, education and spirituality.

“C

reativity is a mystery. It is an unresolved puzzle and undirected magic just as a human being himself. Wholeheartedly created grace and beauty is usually unique and incomparable”. “Leaving to Return” by poetess Guliston Matyoqubova ably describes inward spiritual scenes of sculptor Juldosbek Quttimurodov’s life and creations.

“K

ant’s scientific opinions regarding the natural history were formed under the influence of such philosophers as Newton, Descartes, Copernicus, Kepler, Galilee, Leibniz. Close familiarity with their works was of much help for



Kant to establish a specific cosmogonic theory. His cosmogony is based on Newton's natural and scientific ideas, Descartes's mechanical cosmogony almost free of theology, Copernicus's heliocentric theory, regularities of Kepler about movement of planets and of Galilee about free fall of bodies. However, first of all, Kant is a philosopher. Therefore, his works predominantly contain philosophic conclusions that include scientific achievements. In other words, the first stage of Kanto's activity was a great contribution to the development of the natural science". The article of "Copernicus's-like Revolution or Mystery of Kant's Invention" by Ismatulla Tukhtarov comprises deep analysis of life and creations as well as philosophic teachings of Emmanuel Kant who was not merely pride of German people but of the whole mankind.

The Story of Two Elders" by writer Abdulhamid Ismoil describes days spent together by two old and lonely men Marlen Saidvaqqosov and Makhsum, fathers of a married couple. Marlen becomes more solitary after Makhsum's death. The writer interestingly reveals worlds of the two elders with different ideology and nature through Marlen's thoughts.

Criteria to judge contemporaneity of a joke do not include only its conciseness, humor and folksiness. The most important is the witty ideological style. In his "Ideological Jokes", Sul-tonmurod Olim states that if an ideology is based on purpose or aim, i.e. protection of someone's interests, then every joke has an ideology.

Чинорлар...



670

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 2/2003

